94
К25

94(575.1)

*М.Ж. КАРИМОВА*

# XIX АСРНИНГ II ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
573932
Axborot Resurs Markazi

Тошкент – 2014

**УЎК: 94 (075.8) (575.1)**
**КБК: 63.3**

***М.Ж. Каримова.***
***XIX асрнинг II ярми –XX аср бошларида Туркистон халқларининг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари (Фаргона водийси мисолида) Т.: «Aloqachi» 2014, 128 бет***

Ушбу монаграфияда XIX асрнинг II ярми –XX аср бошларида Фарғона водийсида савдо сотик алоқаларининг ривожланиши жараёнлари, унга қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва чорвачилик соҳаларини кўрсатган таъсири ёритилган.

Шарқ мамлакатлари билан бевосита савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришда имкониятлари чекланган рус савдогарларининг туркистонлик савдогарларнинг хазматларидан кенгрок фойдаланишга уринганликлари кўплаб мисоллар орқали ёритилган.

Фарғона вилояти мисолида Туркистон ўлкасининг Россия ва бошқа қўшни мамлакатлар билан олиб борилган савдо алоқалари таҳлил қилинган.

Тошкентда қисқа вақт бўлсада фаолият кўрсатган савдо ярмаркаларининг савдо-сотиқ ишларини ривожлантиишга самарали таъсир кўрсатгани, ўлкадан темир йўллар қурилиши Россия империясининг ўлка бойликларини ташиб кетиш билан бирга бир қаторда, Туркистон халқининг Россия ва Европа билан савдо алоқаларини ўрнатишга, маънавий-маърифий дунёқарашларини кенгайишига шароит яратгани, рус савдо-саноат буржуазияси чет эл капитали билан хамкорликда ўлкада турли ширкатлар, ўлкадан кенг тармоқ отган савдо-судхўрлик капитали ёрдамида кўплаб маҳаллий мулкдорлар етишиб чиққанлиги, бозорларда пахтага талаб ортганлиги натижасида Фарғона вилоятида пахта яккахокимлиги авж ола бошлаганлиги, доннинг Россиядан келтириши ўлканинг Россияга қарамлигини янада оширганлиги фактлар ва мисоллар асосида ёритилган.

Монографиядан катта илмий ходим изланувчилар, магистрантлар, талабалар ўкув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тақризчилар: **тарих фанлари доктори, профессор Н.У.Мусаев;**
**тарих фанлари доктори, профессор Т.Ш.Ширинов;**
**тарих фанлари доктори, доцент Я.Х.Ғаффоров.**

**УЎК: 94 (075.8) (575.1)**
**КБК: 63.3**

**ISBN 978-9943-326-79-8.**

@«Aloqachi» - нашриёти, 2014.

# КИРИШ

Ҳозирги пайтда Ватанимизнинг узоқ тарихий тараққиётида содир бўлган вокеа-ходисалар, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни изчил ва мукаммал ўрганишга эътибор кучайди. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда аждодларимиз яратган моддий ва маънавий бойликларга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш ҳамда ўтмиш сабоқларидан тўғри хулосалар чиқаришга кўмаклашиш, халқимизни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам ватанимиз тарихини ўрганишнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Қўқон хонлиги Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида алохида ўрин тутиб келган. Айниқса, XIX бошларида, яъни Умархон ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврларида Қўқон хонлигининг ички ва ташқи сиёсатида катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайишига самарали таъсир кўрсатди. Бу даврда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ишлари, умуман бозор муносабатлари нисбатан анча жонланган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Туркистон Россия мустамлакасига айлантирилгандан кейин ўлкада қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва савдо-сотиқ ишларини империя манфаатларига мос равишда ривожлантиришга эътибор кучайди. Бу даврда ўлкада фаолият кўрсатган маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар, тадбиркорлар, савдогарлар, саноатчилар ва банкирлар ўзларини қизиқтирган соҳалари бўйича ҳали ўлкада маълум бўлмаган бир қатор ишларни амалга оширдилар. Туркистонда маҳаллий савдогарлар ҳам ўзаро ҳамкорлик натижасида бу соҳаларда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Уларнинг ҳамкорликда кўрсатган фаолиятларини, мулкка бўлган муносабатларини ўрганиш ҳамда давлатлар ва халқлар ўртасидаги савдо алоқаларини таҳлил қилиш тарихчилар олдида турган зарур вазифалардан бирига айланди. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, рус савдо-

саноати маҳсулотларининг кўплаб кириб келиши оқибатида маҳаллий ҳунармандчилик тармоқларининг аксарияти деярли йўқолиш даражасига бориб қолди. Бу ҳол айниқса Фарғона вилояти каби аҳоли зич жойлашган ва ҳунармандчилик кенг ривожланган ҳудудларда яққол кўзга ташланди.

Тадқиқот ишида Россия империяси ўлкани босиб олгандан кейин, бу ерда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мустамлакачи ҳукуматнинг дастлабки кунларданоқ эътиборини ўлка бойликларини ташиб кетиш, ўлкани Россия тўқимачилик саноати хом ашё базаси ва ўз маҳсулотларини сотиш учун беминнат бозорга айлантиришга қаратилган ҳаракатлари очиб берилган. Бунда маҳаллий аҳолининг манфаатлари, хоҳиш-истаклари инобатга олинмаганлиги, савдо-сотиқ ва саноат ишларида рус ва чет эл капитали билан рақобатда етарли тажриба ва маблағга эга бўлмаган маҳаллий савдогар ва саноатчилар эса уларга тобора қарам бўлиб қола бошлаганлиги, бу маҳаллий аҳоли қарамлигининг янада кучайишига олиб келганлиги фактлар асосида ёритилган.

Маълумки, Туркистон халқлари асрлар давомида бозор муносабатлари шароитида яшаб, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, мулкка муносабат борасида маълум тажриба ва билимга эга бўлишган. Бироқ, советлар даврида хусусий мулкчиликка қарши кескин кураш бошланиб, халқимиз онгидан тадбиркорлик ва мулкдорлик тушунчаларини чиқариб ташлашга киришилди. Оқибатда, халқимиз онгида минг йиллар давомида шаклланган мулкка эгалик қилишга интилиши сўна бошлади.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва мақсадлари рўёбга чиқиб, сиёсий мутелик ва иқтисодий қарамлик асоратларидан қутилгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор кучайди. Мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик ва касаначиликка кенг йўл очиб берилаётган ҳозирги пайтда, ўтмишда бозорга бўлган муносабатлари, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик соҳаларидаги тажрибаларини

ўрганиш ва оммалаштириш, ютук ва камчиликлардан керакли хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

# I - БОБ
# XIX АСРНИНГ II ЯРМИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА САВДО-СОТИҚ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК

## 1.1. Қўқон хонлигида ҳунармандчилик ва савдо – сотиқ ишлари

XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги ҳудудларига Сирдарёнинг ўнг ва сўл соҳиллари, дарёнинг қуйи оқимидаги Оқмачит қаъласигача бўлган ерлар, Ўратепа атрофлари, Олой ҳудуди, Балхаш кўли билан Сирдарёнинг юқори оқимидаги ерлар, Қоратегин Дорбоз, Кулоб, Шуғнон каби тоғли туманлар кирган. Хонлик ҳудудларининг кенгайиб бориши, бу ерда яшаган халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор жонланишлар юз беришига имкон яратди. Аввало, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг тобора кенгроқ тармоқ отишига шароит яратилди. Натижада урбанизация жараёнининг нисбатан тезлашиши, шаҳарларнинг кенгайиши кўзга ташлана бошлади. Бу даврга келиб, ўлка шаҳарларида ҳунармандчиликда иқтисодий эҳтиёж туфайли ихтисослашиш жараёни тезлашди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва турмуш тарзида маълум ўзгаришларга олиб келди, хонликларнинг қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатларини кучайишига шароит яратди.

XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги шаҳарларида бўлган Н.Потанин ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларини кузатиб, хонликда ип ва ним шойи газмоллари кенг миқёсда тўқилганини, тўқувчи ҳунармандлар бўз ёки карбоз (бўялмаган оддий ип газлама), босма (гул солинган қизил бўз), олача (бўялган ипдан тўқилган олачипор ип газлама), йўл-йўл ним шойи газлама тўқишганларига эътиборини қаратган[1]. Бундай матоларнинг кўп тўқилишига арзонлиги туфайли эҳтиёж катталиги, уларни ўлка аҳолисининг асосий қатламини ташкил қилган камбағалларнинг ҳам сотиб олиш

[1] Записки о Кокандском ханстве хорунжевого Потанина.- РГО. VI. Т. XVIII -СПб.: 1856.- С. 268.

имкониятларининг мавжудлиги сабаб бўлган. Н.П.Белявский Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши арафасида аҳолининг асосий қисми ниҳоятда камбағал бўлиб, бу ерда сармояси 2500 рубл[1]дан ошадиган савдо дўконлари деярли бўлмаганлигини қайд этган[2].

Қўқон хонлигида бекасам, шойи, шойи –ипак арқоқ (атласнинг бир тури) каби матолар кам тўқилган. Бунга асосий сабаб бу матоларнинг қимматлиги туфайли уларга талаб кам бўлганлиги. Бундай матоларни сотиб олишга фақат бойларнинггина курби етганлигида эди. Шунга қарамасдан, йирик бозорларда 30 дан зиёд турдаги маҳсулотлар сотилган[3]. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қўшимча соликлар ва йиғимлардан безор бўлган савдогарлар, кўпинча ўз бойликларини имкони борича камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилишган бўлишлари мумкин.

Бу даврда Фарғона водийсида савдо ишлари билан шуғулланган аҳолининг асосий қисмини майда савдогарлар ташкил қилиб, улар асосан маҳаллий ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар билан савдо қилишган. Шаҳарларда 20-30 рубл маблағи бўлган одамлар савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишган[4]. Л.Ф. Костенконинг фикрича, улар савдодан жуда кам даромад қилсаларда, бу ишга иложсизликдан, тирикчиликларини бир амаллаб ўтказиш илинжида қўл урганлар[5].

Савдогарлар сотадиган маҳсулотларининг турига қараб бозорларда ўзларига яраша мавқега эга бўлишган. Масалан, қассоблар савдо ишида юқори мавкени эгаллашган бўлишса, улардан кейин ҳунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қилувчилар туришган. Савдо поғонасининг энг охирида атторлик билан шуғулланган майда савдогарлар туришган[1].

---

[1] XIX аср ўрталарида Қўқоннинг бир тилласи русларнинг 13 рубли (қоғоз пули)га ёки 20-25 тангага тўғри келган. Танга эса 76 чақага тенг бўлган.
[2] Белявский Н.П. Материаллы по Туркестану. -М, 1889. – С.75.
[3] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.). Дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1971. –С. 167.
[4] Хорошхин. Очерк Ташкента. Русский инвалид, 1867. №113.
[5] Костенко Л.Ф. Среднеазиатская торговля. Туркестанские ведомости, 1871. №5.
[1] Алимов А.Б. Развитие торговых отношений в Туркестане. ( конец XIX – начало XX в.в). .. – С.167-168.

Бу даврда Қўқон шаҳрида 10 та карвонсарой бўлиб, уларни асосан бухоролик савдогарлар эгаллаб олишган. Улар ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва қўшни давлатлардан олиб келинган товарлар билан савдо қилганлар. Қўқонда 420 та дўконлар борлиги қайд этилган[2]. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу даврда маҳаллий ҳунармандлар ва савдогарларнинг муомала доираси чекланган бўлиб, улар ҳали миллий бозорларни вужудга келтириш ва уларга ўз таъсирини ўтказиш даражасига кўтарилмаган эдилар. Бунга ўлкадаги ҳудудий бўлинишлар, феодал таркоклик, хонликлар ўртасидаги доимий низолар, товар пул муносабатлари ва меҳнат тақсимотидаги чеклангaнлик сабаб бўлган.

Бозорлар учун тайёрланган товарларнинг асосий қисмини ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этган. Потаниннинг маълумотларига кўра, Фарғона водийсининг аҳолиси деҳқончилик, айниқса дончилик ва боғдорчиликка, шунингдек ипак ва пахтадан тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга бошқа вилоятлар аҳолисига нисбатан анча уста бўлишган. Шунинг учун ҳам бу ерда тайёрланган маҳсулотларга Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан ташқари, кўчманчи халқлар ва Россияда ҳам талаб катта бўлган.

Фарғона водийси хунармандлари ўлканинг бошқа вилоятлари ҳунармандларига нисбатан пахта ва ипакдан матолар тўқишга уста бўлишган. Ҳунармандлар меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида чарх, чиғириқ каби асбоб-ускуналар ясаб олишган. Хотин-қизлар пахтани чигитдан ажратиш учун уни чиғириқдан ўтказишган. Ажратиб олинган тола чархда йигирилиб, калава қилинган. Шундан сўнг калаваларга ранг берилган. Турли рангларда бўялган иплардан олача, қалами, байроқ олача тўқилган. Бўз тўқиладиган иплар рангланмаган. Наманган ва Андижон ҳунармандлари бўздан ташқари, қалами, олача каби матолар тўқишган. Қўқонда ишлаб

[2] Хорошхин А.П.Заметки о Коканде. Самарканд, 1868 // Туркестанский сборник. Т. XXIII. – С. 171

чиқарилган матолар Тошкент матоларига нисбатан анча сифатли бўлган[1]. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Туркистонда пахта ва ипак мўл бўлишига қарамасдан, ҳунармандлар барча ишларни ўз уйларида, асосан қўлда бажаришган, ўлкада бирорта мануфактура ёки тўқимачилик фабрикаси мавжуд бўлмаган. Улар тайёрлаган тўқимачилик маҳсулотларига бошқа вилоятлар ва Шарқ мамлакатларида талаб катта бўлган.

Туркистоннинг Россия империяси мустамлакасига айлантирилишидан илгарироқ ўлкага келган П.И.Пашинонинг таъкидлашича, 1860-йилларнинг бошларида Фарғона водийсида уддабурон савдогарлар камбағал ҳунармандлар меҳнатидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида ўз маблағларини тарқоқ мануфактура шаклидаги тўқимачилик ишлаб чиқаришига сафарбар қила бошлашган. «Ип-газлама ишлаб чиқаришда битта капиталист ўзига таниш бўлган оилаларнинг бир қисмига пахтани тозалашни, иккинчисига ип йигиришни, учинчисига тўқиш, тўртинчисига тўқилган газмолни бўяшни ва ҳакозо ишларни топширганки, бу ҳол капиталистни усталар учун устахона қуриб бериш, дастгоҳлар сотиб олиб бериш, ишчиларнинг ишсиз ўтирган вақтларига ҳақ тўлаш мажбуриятларидан халос этган»[2]. Биргина Бешариқнинг ўзида 500 тага яқин тўқиш дастгоҳлари бўлган[3] Устахоналарда аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан кенг фойдаланилган, улар пахтани тозалашган, ип йигиришган, дукка ип ўраш каби кўплаб ишларни бажаришган.

Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари- Хўжанд, Андижон, Наманган ва Марғилонда ипак матолар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилган. Марғилонда тўқилган турли шойи матолар, хусусан атласлар ўрта Осиёдагина эмас, балки бутун Шарқда машҳур эди. XIX аср ўрталарида ипак матоларга талабнинг ошиб бориши туфайли водийда шойи газлама

---

[1] Бабабеков Х.Н. Народные движения в кокандском ханстве в их социально-экономические и политические предпосылки. (ХУIII-XIXвв). - Тошкент: Фан, 1990. – С. 15.
[2] Пашино.П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. - СПб.: 1868. – С. 140.
[3] Бобобеков Х.Н. Народные движения в кокандском ханстве в их социально-экономические и политические предпосылки. (ХУIII-XIXвв)... – С. 15.

тўқийдиган устахоналар мунтазам кўпайиб борган, улар Марғилонда 120 та, Хўжандда 97 та, Қўқонда эса 40 тага етган[1]. Андижон ва Ўшда ҳунармандчиликнинг бу тури анча суст бўлган. Шунга қарамасдан ўлкада атлас, шойи, дорайи, оқ шойи, жужунча, нимшойилардан-адрас, беқасам, банорас, гул босилган чойшаблар ва шунга ўхшаш нарсалар тўқилган. Бу Қўқон хонлигида ички савдо ривожлантириш учун нисбатан қулай шароит мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Ўлкада ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида савдо-сотиқнинг ҳамда ўзаро товар алмашувининг тобора ривожланиб бориши натижасида жундан турли матолар, кигиз, гилам каби рўзғор буюмлари тайёрлашга қулайлик туғдирган. Кигиз, палос ва гилам тўқиш билан асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли орасидан чиққан ҳунармандлар шуғулланишган. Булардан ташқари, жундан ип, қоп, хуржун, ранг-баранг шолчалар тўқилган. Кашталар билан безатилган шолчалар ички бозордагина эмас,ҳатто ташқи бозорларда ҳам харидорлар диққатини ўзига жалб қилган. Эчки тивитидан ҳар хил кигизчалар, аёллар учун рўмоллар, кекса ёшдаги эркаклар учун чакмонлар тайёрланган.

Фарғоналик савдогарлар водийда етиштирилган меваларни қўшни давлатлар ва Россияга ҳам сотишган. Меваларни сифати ўзгармаган ҳолатда етказиш учун астойдил ҳаракат қилинган. Жумладан, ҳар бир нок ва олмани аввал қоғозга ўраб, сўнгра ҳаво ўтказмаслиги учун мум (парафин) билан қоплаб, тупроқ солинган темир сандиқларга жойлаштирилган. Сандиқларнинг устки томони сўрғичланган. Бундай сандиқлар савдо карвонлари билан 2-3 ой ёзнинг чилласида ҳам белгиланган манзилга бузилмай етиб борган. Рус генераллари Москвада Туркистон ўлкаси меваларини намойиш қилиш учун бу усулдан фойдаланишиб, 1868 йили Тошкентдан 900 дона лимон жўнатишган[1].

---

[1] Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. -Ташкент: ФАН, 1991. – С.18.

[1] Жамолхожи Илҳомжон Назиржон ўғли. Фарғона водийсида нефт саноатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1860-1917 йиллар). Тарих фан. ном. дисс. ... -Т., 2004. - Б.38.

Водийда турли-туман хунармандчилик маҳсулотлари тайёрланишига ҳар бир туман ёки қишлоқларнинг маълум бир соҳага ихтисослашиши ҳам самарали таъсир кўрсатган. Жумладан, Хўжандда ва Андижон беклигига қарашли Ойим қишлоғида тўкилган гулдор гиламларга харидор кўп бўлган. Шунингдек, Оқмачит, Чанғиртош, Дардак, Луққозон каби қишлоқ ва овуллар аҳолиси ҳам гилам тўкиш билан шуғулланишган. XIX асрнинг охирида Андижон шаҳрида махсус гилам савдо маркази фаолият кўрсата бошлаган[2]. Фарғона водийсида тўқилган гиламларнинг асосий қисми маҳаллий бозорларда сотилган.

Ўрта Осиё қадим замонлардан буён ўзининг коғоз ва буёқлари билан машҳур бўлган. Ўрганилаётган даврда Қўқонда ишлаб чиқарилган қогозлар (айниқса ипакдан тайёрланган қоғоз) Шаркда машҳур бўлган[3]. Қўқонда қоғоз ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг бири шаҳарнинг «Мўйи муборак» дарвозаси яқинида, иккинчиси эса Чорсу қишлоғида жойлашган эди. Уста Сойибназар Ғоипов, уста Муҳаммад Фозилов, Муҳаммадсодиқ Муҳаммадиевлар бу соҳанинг билимдонлари бўлиб, уларнинг ҳар бири йилига 320 дастадан қоғоз тайёрлаганлар[4]. Шуни таъкидлаш лозимки, Фаргонада мустамлакачилик режими ўрнатилгандан сўнг маълум сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра зарбхона ва қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятларини тўхтатдилар. Шунингдек, Андижон, Наманган, Тошкент, Хўжанд каби шаҳарларда китоб муқовалайдиган устахоналар бўлган. Муқова чарм ёки калин қоғоздан тайёрланган. Булардан ташқари, водийда бўёқлар тайёрлайдиган махсус усталар бўлган. Улар бўёқларни турли маъдан ва ўсимликларни аралаштириш йўли билан олишган. Фарғона водийсида бўёқ олинадиган рўян ўсимлиги кўп бўлиб, у ёввойи ҳолда ўсган. Ип, жун ва ипак матоларни турли рангларга бўяшда рўяндан олинган ранглардан

---

[2] Машкова В.Г. Ковры народов Средней Азии (Конце XIX –нач. XX вв.) // Материалы экспедиции 1929 - Б194.

[3] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865. – С. 221

[4] Федченко А.П.Обижуаз – писчебумажная фабрика в Коканде // Русский Туркестан. Сборник изданий по поводу политической выставки. Вып. 2. Москва. 1872. – С.213; Ўз МДА, И-1-жамғарма,16-рўйхат,1422-иш, 9,10,11,12-варақ

фойдаланилган бўлса, матоларни қора рангга бўяшда анор ва ёнғоқ пўстидан фойдаланилган[1].

Фарғона водийсида, кулолчиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Қўконликлар нафис, бронза тусли сув кўзалари билан машҳур бўлишган. Хўжанд ва Риштон усталари ҳам бу соҳада катта шуҳрат қозонишган. Улар тайёрлаган оддий ва сирланган товоклар, обдасталар, турли гуллар ўйиб ишланган коса, пиёла ва ёғ идишлар бутун Туркистонда машҳур бўлган. Жумладан, Устабой Юсупбоев ўз кулолчилик устахонасида йилига умумий қиймати 400 рублга тенг бўлган 8 минг донага яқин сопол идишлар ишлаб чиқарган. Наманган уездининг Чукур Кучук волостида Далибой Ёқуббоев йилига 75 рубллик, Сардоба волостидан М.Солиев 100 рубллик, Амирбоев ҳам 100 рубллик, А.Каймуродбоев эса 50 рубллик кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарганлар[2]. Кулоллар рўзғор учун керакли ҳар хил коса, кўза, хум, хурма, тоғара, шокоса, шамдон, қора чироқ, тандирлар ясашган, ғишт қуйишган. Шунингдек, улар сунъий суғориш ишлари учун турли қувурлар, чиғирларда баландликка сув чиқариш учун мосламалар тайёрлашган.

Ўлкада жувозкашлик ҳам муҳим ўрин тутган. Жувозларда асосан зиғир ва кунжутдан ёғ олинган. Қовун ва тарвуз уруғлари аралашмаси, кўкнор уруғи, бодом ва ёнғоқдан ҳам ёғ олинган.

Туркистонда заргарлик қадимий ҳунарлардан бири ҳисобланган. Заргарлар асосан хотин-қизлар учун олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар ва шишалардан турли безаклар: кўкракка тақиш учун тумор, билагузук, ҳалқа, исирға сингари қимматбаҳо нарсалар тайёрлашган. Шунингдек, улар қилич ва пичоқларнинг дасталарига турли маъданлардан гуллар ўйиш, асл тошлар ва бошқа қимматбаҳо минераллардан садаф тугмалар, узуклар ясаш, тиллақошларга турли маъданлар қадаш, айниқса зийнатли мунчоқлар тайёрлаш санъати анча ривожланган. Зарғарлар отларнинг эгар-

---

[1] Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси.Т.,1973. - С.43.

[2] ЎзМДА. И - 19-жамғарма, 1 - рўйхат, 28451 - иш, 35 - 40-варақ.

жабдуқларини безатиш учун уларга турли гуллар кесишган, юган ва узангига ранг-баранг нақшлар ўйишган.

Водийнинг Хўжанд, Қўқон, Маргилон, Андижон, Наманган, Чуст каби катта шаҳарларида алоҳида мискарлик расталари бўлиб, бу соҳага ҳам алоҳида эътибор берилган. Мискарлар турли буюмлар: қумғон, товоқ, чўмич, қозон, кўза, обдаста, самовар, чойнак, жом, шамдон, лаган, чилим, дастшўй, пақир, лаъли, сиёҳдон, карнай каби буюмлар ясаш ва гул кесиш санъатини аъло даражада эгаллашган. Айникса уй-рўзғор буюмлари- обдаста, баркаш, дастшўй, шамдон, жомча, чойнак, лаган ва кўзаларга хилма-хил нақшлар ўйилган[1]. Мисдан ясалган баъзи идишлар санъат даражасига кўтарилган. Мискарлар ўртасида ҳам меҳнат тақсимоти мавжуд бўлиб, ҳар бир уста маълум идишларнигина ясаган. Масалан, битта уста чилим ва қумғон ясаса, бошкаси қозон ва лаган тайёрлаган.

Марғилон шаҳри дўппичилик маркази сифатида машҳур бўлиб, бу ерда турли-туман дўппилар тикилган. Чуст шаҳри ҳам ўзининг пичоқлари ва дўппилари билан ном қозонган. Қўқон ва унинг атрофидаги йирик қишлоклар эса этик, махси-ковуш каби оёқ кийимлари тайёрлашга ихтисослашган.

Хонликда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан бир қаторда ҳунармандчиликнинг ривожланишига табиий бойликлар: олтин, кумуш, мис, темир, қалай, феруза, зумрад, лаъл, ёқут, сердолик (қимматбаҳо қизғиш тошлар), заҳар муҳра (қимматбаҳо кўктош) тошларининг қазиб олинишига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Қўқон хонлиги даврида кончилик ишига кўплаб кишиларнинг жалб килиниши натижасида қурама тоғларидан минераллар қазиб олинган[2]. Бу ерда туз симоб, кўмир, бинокорлик материаллари қазиб олинган. Бўёқ тайёрлашда асосан суюклик, кошениль (қизил рангли бўёқ) - гулҳайридан фойдаланилган. Вениковнинг таъкидлашича, хонликда кимё, механика ва металлсозлик соҳаси бўйича

---

[1] Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қулланмаси... – Б.39.
[2] Терентьев М.А. Статические очерки. Средне - Азиатской России. - СПб., 1874. – С. 24.

билимлар етарли бўлмаганлиги туфайли минераллардан кўра ўсимликлардан кўпроқ фойдаланилган[1].

Қўқон хонлиги ҳудудларида қадимдан бошлаб нефтдан фойдаланиб келинган. Маҳаллий аҳоли ундан қўтир, кичима каби касалликларига дори сифатида фойдаланган. Бундан ташқари улар нефт қолдиғи (мазут)дан «асфальт» ёткизишни билишган. Қора мумдан оёқ кийимлар тикишда фойдаланилган. Шунингдек, Қўқон хонлигида тоғ муми («сариқ мум») ҳам маълум бўлган[2]. Сариқ мумдан шам, совун тайёрланган.

1868- йили тошкентлик савдогар Фёдоров Мойбулоқдан нефт конини топиб, уни қайта ишлаш орқали, керосин ва асфальт ишлаб чиқаришга рухсат олган. Д.Борзннинг ёзишича, Мойбулоқдан нефт қазиб олган қўқонлик савдогар Фёдоров томонидан тайёрланган маҳаллий керосин анча сифатли бўлиб, бир фунти 25 копеекдан сотилган. Четдан олиб келинган керосиннинг нархи эса 50 копеекдан кам бўлмаган[3].

Хонликнинг сўнгги даврларида керосиндан фойдаланишга ўтилиши, унинг нисбатан арзон нархда бўлиб,турли тармоқларга кириб бориши, айниқса, ёруғлик манбаи сифатида ишлатилиши туфайли, уни маҳаллий аҳоли ўртасида жуда керакли маҳсулотга айлантирди. Керосин тўқувчиларнинг ҳам эътиборига тушган. Керосиннинг камалак рангларда товланиб туриши, нафис чизиқлар ҳосил қилганлиги учун тўқувчилар янги тўқилган беқасам матога «чимённафти» деб ном беришган[4]. Бутун водий аҳолиси янги матони «чимённафти» ёки «чимён беқасами», деб аташган. «Чимённафти» беқасамидан тикилган тўнлар эркагу-аёлларнинг, айниқса, ёшларнинг энг севимли либоси ҳисобланган.

Водийда темирчилик ҳам анча ривожланган бўлиб, деярли барча шаҳар ва йирик қишлоқларда чўян қуйиш ва темирчилик устахоналари бўлган.

---

1 Венюков М.И. Опыт военного обозрения русских границ в Азии. - СПб., 1873. -С. 345 - 346.
2 Туркестанский сборник. Т. 52. – С. 442 .
3 Ўша ерда. Т. 40. – С. 107.
4 Жамолхожи Илҳомжон Назиржонўғли . Фарғона водийсида нефт саноатининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи (1860-1917 йиллар)...– Б. 43.

Шаҳарларда ҳатто, ҳозирга қадар ҳам тақачиларнинг бутун бошли маҳаллаларининг номлари сақланиб қолган. Темирчилик ҳунари авлоддан авлодга ўтиб келган. Уларнинг ишлаб чиқариш техникаси содда ва қолоқ бўлишига қарамасдан халқ хўжалигида муҳим ўрин тутган. Темирчи усталарни тайёрлаган маҳсулотларига қараб асосан уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга – эшик занжири ва ҳалқалари, от ва эшак тақалари, кавуш ва этик нагаллари, ҳар хил михлар, арава ғилдираги учун темир ҳалқалар, отлар учун йўғон узанги. дурадгорлар учун темир рандалар ва шунга ўхшаш буюмлар тайёрловчи корхоналар кирган. Иккинчи гуруҳ темирчилар – тоштарош усталар, деҳқонлар ва бинокорлар учун турли асбоблар, жумладан, кетмон, ўроқ, болта, теша ва бошқа нарсалар тайёрлашган. Учинчи гуруҳ темирчилар эса — пичоқ, кайчи, пакки, арра, оташкурак, қора чироқ, бигиз сингари нарсалар тайёрлашган[1].

Қўқон ва Тошкентда метал асбоблар ясовчи ва қуролсозлик «заводлари» бўлиб, уларда (тўп) замбарак ва қуроллар ясалган[2]. 1872 йил 11 июлда рус фотографи Кривцов, Андижондаги қуролсозлик заводини кўриб, унинг хийла катта бўлганлигини ва у ерда йилига бештадан милтиқ ишлаб чиқарилганини ёзган. Қўқонликларнинг милтиқлари асосан силлиқ стволли ва қисман кесма бўлиб, ўқлари қалайдан қуйилиб, учи думалоқ бўлган[3]. Баъзи маълумотларга кўра, Қўқонда қисқа ва йўғон стволли замбарак, шунингдек европа нухсасида артиллерия снарядлари қуйилган[4]. Ўқлар эса хусусий ҳолда тайёрланган. Мулла Мусулмоннинг маълумотига кўра, Чустда чўян заводи бўлган. Қорамозор тогларида, Самғарадан 30 чақирим (1,06 км.га тенг масофа ўлчови) нарида 20 тага яқин мис конлари бўлган[1]. 1866 йили Айткентда 4 кун бўлган Георг Людвиг фон Дер Флеянинг маълумотига кўра, Темир ўра тоғи

---

[1] Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси… – Б. 37-38.
[2] ЎзМДА. И-715-жамғарма, 1-рўйхат, 11-иш, 249 –варақ
[3] ЎзМДА. И-715-жамғарма, 1-рўйхат, 65-иш, 449-450-варақ.
[4] Ўша ерда.
[1] Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве в их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII – XIX в.в)…–С. 14.

аҳолиси шу ердан қазиб олинган темир рудасидан пўлат ажратиб олишган, ундан қуроллар ясалган[2].

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, бу даврда Қўқон хонлигида маҳаллий ҳунармандлар қатламининг шаклланиши учун маълум даражада шароит вужудга келган деб ҳисоблаш мумкин. Хонлик ҳудудларидаги шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиб бориши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар асосан шаҳарларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш жараёнининг кучайиши ва сифати билан ажралиб турган. Жумладан, Тошкентда тайёрланган темир буюмларининг Қўқонда ишлаб чиқарилган буюмлардан сифати анча паст бўлган[3].

Фарғона водийсида кўпчилик камбағаллар ўтинчилик била ҳам машғул бўлишган. Марғилон бозорининг ўзида хар йили карийб 30000 арава ўтин сотилган[4]. Ўтинчилар ўз меҳнатлари билан шаҳарларда ҳунармандчиликнинг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатишган. Фарғона водийсида аҳолининг нисбатан зичлиги кўчманчи чорвадор аҳоли билан мунтазам алоқалар ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Ҳунармандлар ўзлари тайёрлашган товарларини кўпроқ бозор кунлари сотишган. Чунки бу куни бозор гавжум бўлиб, улар ўз молларини қимматроққа сотиш имконига эга бўлишган. Бозорлар хар ҳафтада деярли барча йирик қишлоқларда ҳам бўлиб, уларга кичик қишлоқлардан ва ён атрофдаги тогли ҳудудларда яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли келишган. Бу бозорлар аҳолини кундалик эхтиёжлари учун зарур маҳсулотлар: дон, сабзавот, мева-чева, газмол, металл, чорва маҳсулотлари ва бошқалар билан таъминлаган. Савдогарлар мунтазам суратда бозорларни

---

[2] Ўша ерда. -Б.15.
[3] Туркестанский сборник. Т.7. - С. 48.
[4] Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в... – С.19

кузатиб боришган. Бирор маҳсулот ёки матонинг тақчиллигини сезишган заҳоти, уларни бошқа бозорлардан олиб келишга ҳаракат қилишган.

Водий бозорлари ичида Бешариқ бозори савдо-сотиқ ишлари учун қулай жойда жойлашганлиги, гавжумлиги, келтирилган маҳсулотлар ва харидорларнинг турли-туманлиги билан ажралиб турган. Бешариқ бозори баъзи жиҳатлари билан ҳатто Қўқон, Андижон, Маргилон ва бошқа бозорлардан ҳам устунлик қилган. Бозор кунлари бу ерга атрофдаги қишлоқ аҳолисидан ташқари, Ўратепа, Зомин ва Тошкентдан савдогарлар, тоғ ён бағирлари ва адирлардан кўчманчи чорвадорлар- қирғизлар, қипчоқлар ва қурамалар; Чимкент ва Туркистондан қозоқлар; Мочой ва Ҳисордан тожиклар келишган. Бозорларга Зоминдан буғдой, Чонгор, Исфара, Ворух ва Қамишқўргон қишлокларидан гуруч олиб келинган. Бу ерда Чонгор гуручи жуда машҳур бўлган. Қамишқўрғонда юқори сифатли жўхори етиштирилган. У ердан туз ҳам олиб келинган. Мева ва сабзавотлар атрофдаги қишлоқлардан келтирилган. Исфара ва Хўжанднинг ўриклари ва шафтолиларига, Нурсуқ қишлоғида етиштирилган каттакўрғон навли узумларга, Қамишқўрғон ва Наманган олмаларига, Конибодом мағизларига, Аштнинг куритилган тутларига талаб катта бўлган[1]. Булардан ташқари, Бешариқ бозорларига деҳқонлар ширин-шакар қовунлар етказиб беришган. Бу бозорда Ропқон қишлоғи оқ пиёзи, Бешкапа қишлоғи сариқ сабзиси билан машҳур бўлган. Ўша даврда яшаган Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг ёзишича Қўқон хонлиги даврида бозорларда анча арзончилик бўлган. «Ёз фаслида, -деб ёзган эди у,–бир ароба ҳандалак икки ярим тангадан 5 тангагача турган, бир ароба қовунни 3,5 тангага сотиб олганлигини биламан. Бир сават ўрик уч ярим мирий ва бир танга эди. Бир тангага 40 чақа берур, бу чақани ҳамёнингизга солиб бозорга бориб то кечгача сарф қилишингиз мумкин эди. Чунончи бир чакса[1] гурунчнинг баҳоси уч танга турган»[2].

O'QUV ZALI
Toshkent Axborot Texnologiyalari Univers...
373932
Axborot Resurs Markazi

[1] Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. С.30
[1] Чакса-XIX асрда Қўқонда 1/16 чорак 4.594 кг , Наманганда 13 фунт – 5,324 кг га тенг бўлган ўлчов бирлиги.

Бозорларда маҳаллий ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлардан ташқари, бошқа жойлардан келтирилган маҳсулотлар кўп сотилган. Масалан, Бешариққа аштликлар металл буюмлари: кетмон, ўроқ, болта ва бошқа нарсалар олиб келишган бўлса, Чустдан пичоқ ва дўппилар олиб борилган. Бойларнинг болалари фақат чуст дўппиларидан кийишга ҳаракат қилишган[3]. Хўжанд ва Конибодомда ишлаб чиқарилган оёқ кийимларни ва ипак газмолларга талаб катта бўлган. Қошиқдан то аравагача бўлган ёғоч маҳсулотлари Бешсара қишлоғида ясалган. Сопол идишлар Намангандан Сирдарё бўйлаб солларда олиб келинган[4]. Маҳаллий ҳунармандлар сифатли бўйралар ҳам тайёрлашган.

XIX асрнинг II ярмида Фарғона водийсида урбанизация жараёни тезлашиб, шаҳарлар кенгая бошлаган. Натижада савдо-сотиқни ривожланиши учун етарли шарт-шароит вужудга келган. Жумладан, водий бўйича йирик савдо маркази бўлган Қўқоннинг савдо обороти 41,3% ни, Андижон 11,2% ни, Наманган 10,2% ни ташкил қилган[5].

1871 йилнинг ёзида Қўқонга келган рус сайёҳи Алексей Федченко бу ердаги бозор ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: «Қўқон бозори бошқа бозорларга нисбатан анча ҳашаматли бўлиб, давр талабига мос қилиб қайтадан қурилган. Бозорнинг қайта қурилишига ўтган йилги қишда, бозордаги қарийб 800 та дўконнинг[6] ёниб кетганлиги сабаб бўлган. Уларнинг катта қисми хонга (Худоёрхон-М.К.) тегишли эди. Ёнган дўконлар ўрнида деворлари ёғоч ва шох-шаббалардан тўқилиб ораси лой билан сувалган янги дўконлар эгаллаган. Ўрта Осиё бозорлари ёзнинг иссиғида имкон даражасида поя ёки қамиш билан пала-партиш ёпилган. Қўқон бозорининг бошқа бозорлардан фарқли жиҳатларидан яна бири шунда эдики, унинг усти ёғоч ва

[2] Сангирова Д. Х. «Тарихи Азизий» - чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим манба. Тарих фан. ном. дисс. -Т., 2000. - Б.98.
[3] Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в…– С.20.
[4] Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в…– Б.21.
[5] Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом Паленом К.К. ч.1. Отд. II. -СПб., 1911. –С. 299 .
[6] Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. –М.: Изд. Географической литературы. 1950 . -С.244

тахталар билан баланд кўтариб ёпилган. Бозорнинг қурилишига хазинадан катта маблағ ажратилган. Бунинг эвазига хон илгари бошқаларга тегишли бўлган дўконлар ўрнида ўзига янги дўконлар қуриб олган.

Ёпиқ бозорларнинг ифлосланиши, санитария тартиб-қоидаларига риоя қилинмаслик ва вақтида тозалаб турилмаслиги одатий ҳолга айланган. Бозор кунлари ҳавонинг ниҳоятда бузилишига расталарда одамларнинг гавжумлиги, бозорларга кўпчилиги от ва эшакларда келишган сотувчи ва харидорларнинг уловлари чиқарган гўнгларнинг қалин қатламлари бозор кўчаларини қоплаб, ҳавони бузиб, нафас олишни қийинлаштирган»[1].

Бошқа соҳаларга нисбатан бозорлар кўпрок даромад келтириши мумкинлигини кўрган Худоёрхон бозорларни эгаллаб олишга астойдил ҳаракат қилди. Масалан, 1871 йили бир наманганликнинг маълумотига кўра, хон ўзининг кўп сонли лашкарини боқишда халқдан ундирилган турли солиқлар билан қаноатланмасдан, Наманган бозорларидан олинадиган даромадни кўпайтириш мақсадида бозор яқинидаги уйлар ва эски дўконларни буздириб, 500 та дўкони бўлган янги бозорни қурдирган. Уйлари бузилган кишиларга ҳеч қандай товон пули тўланмаган. Хон эгаларидан тортиб олинган дўконлар улар учун ҳаёт манбаи эканлигини инобатга олмади[2]. Бу наманганликларнинг жиддий норозилигига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг II ярмида ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор жонланиш содир бўлган. Аввало хонликларда аҳоли сонининг ошиб бориши, шаҳарларда урбанизация жараёнининг тезлашиши кузатилади. Ўз навбатида шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши натижасида савдо-сотиқ ишлари ва ҳунармандчиликда жонланиш юз берди. Жумладан, Қўқон хонлигида савдо алоқалари хонлик доирасидан чиқиб, қўшни Шарқ мамлакатлари ҳамда Россия билан тобора кучая бошлади. Шаҳарлар аҳолисининг ҳунармандчиликнинг маълум соҳалари бўйича ихтисослашиш

---

[1] Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. –М.: Изд. Географической литературы… -С.244-245.
[2] Туркестанские ведомости. 1871. №29. (Из показаний одного выходца в 1871г. Наманганский округ Кокандского ханства).

жараёнларининг вужудга келиши савдо –сотиқ ишларининг жонланишини янада тезлаштирди. Шаҳарларнинг тобора кенгайиб бориши, аҳолининг маълум қисмини деҳқончилик ишларидан воз кечишиб, батамом ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишга мажбур қилди. Аҳолиси нисбатан зич жойлашган Фарғона водийси учун савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ишлари тирикчиликларини ўтказишнинг асосий воситаларидан бирига айланди. Ўлка ҳунармандлари тайёрлаган уй-рўзғор буюмлари ва тўқимачилик маҳсулотлари ички бозорни имкон даражасида таъминлаб турган.

## 1.2. Қўқон хонлиги ва Россия ўртасида савдо алоқалари

XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор жонланиш юз берди. Аввало, хонлик ҳудудидаги шаҳарлар ва йирик қишлоқлар аҳолиси ўртасида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиққа ихтисослашиш жараёни тезлашиб, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Бу ўз навбатида, қўшни давлатлар билан савдо алоқаларини кучайтиришга имкон яратди.

Қўқон хонлиги савдогарлари қўшни мамлакатлар – Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Шарқий Туркистон вилоятлари билан бир қаторда Россия билан ҳам савдо алоқаларини кенг йўлга қўйишга харакат қилдилар. Россия билан савдо алоқалари асосан хонликнинг йирик савдо маркази бўлган Тошкент шаҳри орқали амалга оширилган. Бу шаҳар бошқа вилоятлар ва шаҳарлардаги нарх-наволарни аниқ белгилаб олишда асосий таянч нуқтаси бўлган. Нарх белгиловчилар бозорлардаги вазиятни, товарларга қўйилган нархларни, биринчи қўлдан маҳсулот сотиб олиш имкониятларини ўрганганлар. Бу ишларни мунтазам амалга ошириш, товар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида ҳафтасига бир-икки марта йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларида бозорлар кенгашлари ўтказиб турилган.

Қўқон хонлиги даврида додхоҳ лавозими бўлиб, бу лавозимга тайинланган шахс савдогарлар ўртасидаги олди-сотти ишларида мунозарали масалаларни ҳам кўриб чиққан. Савдода товарларни қарзга бериш усули кенг қўлланилган. Савдонинг тартиб-қоидалари ҳалолликни талаб қилган. Бироқ савдо ишлари билан нопок одамлар шуғулланишганликлари оқибатида кўплаб жанжаллар келиб чиққан. Ўша даврда мунозарали масалаларнинг кўп учрашига сабаб шунда эди-ки, ўз пуллари ва товарларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз қарзга берган йирик савдогарлар берган қарзларини дафтарчаларига қайд қилиш билан чекланишган. Шундай ҳолатлар ҳам

бўлганки, баъзан қарз олганлар ўзларининг қарзларини тан олишмаган. Бундай ҳолда қози ва гувоҳларнинг аралашувига эҳтиёж туғилган.

Ўлканинг барча вилоятларида бўлгани каби, Тошкентда ҳам карзга пул ва товар бериш кенг тарқалган. Савдогарларнинг иложи борича ўзларига таниш бўлган, илгари ҳамкорлик қилган кишиларига қарз беришга ҳаракат қилишган. Шунда ҳам берадиган қарзларини 3,000 тилладан оширишмаган. Кўпинча 6 ой муддат билан қарзга товар олган савдогарлар, қарзларини бир йил давомида тўлашган[1]. Қарзларини ўз вақтида ололмаган савдогарлар, Тошкент шаҳар хокимига бир неча маротаба савдогарлардан иборат савдо-сотиқ ишлари судини тузишни сўраб мурожат қилишган.

Тошкент шаҳридан ташқари, Қўқон ҳам Россиянинг Фарғона водийси ва Шарқий Туркистон билан савдо алоқаларида мухим ўрин тутган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, руслар Туркистонни босиб олгунга қадар, кўп жиҳатдан Бухоро амирлигига қарамликни бошдан кечирган Қўқон хонлиги ҳудудларида бухоролик савдогарлар нисбатан анча эркин савдо қилишган. Улар бу ерга қўшни мамлакатлардан турли маҳсулотлар келтиришган. Хонликнинг Россия билан Тошкент орқали амалга оширган савдо алоқаларида бухоролик савдогарлар етакчи мавқега эга бўлишган. Бу ердан карвонлар Сибир йўналиши бўйича Петропавловск, Семипалатинскка ва қисман Троицккача боришган[2]. Қўқон хонлигидан Россияга асосан пахта, ип-газлама, ипак, жун матолари, рўян (илдизидан қизил бўёқ олинадиган сариқ гулли ўсимлик), гуруч, тери, қуруқ мева ва бошқа нарсалар чиқарилган[3]. Бу маҳсулотлар ичида калава ип ва кийимликлар асосий ўринни эгаллаган.

Қўқон хонлигини Россия билан боғловчи бир қанча карвон йўллари бўлган. Уларнинг асосийлари Авлиёота (Жамбул), Оқмачит (Қизилўрда), Сўзоқ каби чегара қалъалари бўлган. Бу қалъаларга кўчманчилар ва бошқа давлатларнинг савдогарлари келишиб мол айирбошлашган. Бу юқорида

---

[1] Туркестанский сборник. Т V. 1869. – С. 321.
[2] Ўша ерда.– С.138.
[3] Ўша ерда.

номлари келтирилган қалъаларнинг йирик савдо пунктларига айланишига шароит яратган. Дастлаб Россиядан Қўқон хонлигига келтирилган молларнинг микдори ва турлари Бухоро амирлигига келтирилган товарларга нисбатан кам бўлсада, бироқ товар алмашуви мунтазам кўпайиб борди. Айникса, Россиядан чўян ва пўлатдан ясалган буюмларнинг келтирилиши мунтазам кўпайиб борди. Хонликка четдан келтириладиган металлга мунтазам талаб ошиб борди. Металлдан қишлоқ хўжалиги ва уй рўзғор асбоблари, ҳарбий қуроллар тайёрлашга эътибор кучайди. Шу билан бирга Россиядан хонлик шаҳарларига фабрика усулида тайёрланган чиройли ва арзон ип-газлама кўп келтирилган. Бу маҳсулотларнинг маҳаллий газламаларга нисбатан сифатлилиги ва арзонлиги аста-секин маҳаллий ҳунармандларни касодга учрата бошлаган.

Қўқон хонлиги билан Россия ўртасида савдо алоқалари мунтазам ривожланиб борган. 1850-йилдан 1860-йилгача ҳар йили Қўқондан Россияга олиб кетилган маҳсулотлар кумуш баҳосида ўрта ҳисобда 154000 рублга етган бўлса, шу вақт мобайнида Россиядан хонликка ҳар йили ўртача 83000 рубллик товар келтирилган[1].

1865-йилгача Қўқон хонлигидан Россияга қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларини олиб кетиш, Россиядан товар келтиришга нисбатан анча юқори бўлган. 1866-йилдан эътиборан, яъни ўлканинг катта қисми мустамлакага айлантирилгач, Россиядан бу ерга товар келтириш кўпайиб, 2391614 рублни ташкил қилган[2].

Қўқон хонлиги ва Россия ўртасида савдо алокаларини ривожлантириш учун маълум даражада шароит яратишга ҳаракат қилинган. Жумладан, Сирдарё бўйида Бухоро ва Хивадан келувчи карвон йўли туташган жойда Қазали ирмоғи ёнида «Биринчи форт»[1] қурилган. Ўша пайтда фортнинг

---

[1] Туркестанский сборник.Т.ХХХ. 1870. – С.138.
[2] Ўша ерда. –С. 139.
[1] 1853 йили рус қўшинлари томонидан Сирдарё бўйидаги қўрғонни эгаллангач, Окмачит ўрнида «Форт Перовский» деб номланган истеҳком қурилди. Ўша йилнинг ўзида Қазали ирмоғи ёнида «Биринчи форт» деб номланган истеҳком барпо қилинди.

коменданти М.П.Юний унинг савдо-сотиқ соҳасидаги аҳамиятини юқори баҳолаган[2]. Бу форт савдо-сотиқ ишларини ташкил этиш, нархлар белгилашдан ташқари божхона вазифасини ҳам ўтаган.

Россияга борувчи баъзи карвонлар Қазали «Биринчи форти»ни четлаб ўтиб, Уралск қалъасига, у ердан икки йўл орқали Орск ёки Оренбургга боришган ва ўша ерда бож тўлаганлар. Қайтишда карвонлар Қазали «Биринчи форт» орқали ўтишган. Сабаби, бу ерда қирғизлар билан келгуси йил учун карвонлар ёлланган, уларнинг хизмат ҳақлари келишиб олинган. Фортда карвонлар олиб келган товарларни сотиши учун хом ғиштдан қурилган 156 та дўкон мавжуд бўлган[3]. Бу дўконлар растасини Бухоро ва Хива бозорлари деб аталган. Бухоролик ва хивалик савдогарлар бу дўконларга йил давомида ўз одамларини қўйиб савдо ишларини юритишдан манфаатдор бўлганлар. Дўконларнинг кўпчилиги мавсумий бўлиб, улар карвонлар ўтмаган пайтларда ёпиб қўйилган.

Қазали «Биринчи форти» карвон ёллаш учун асосий манзиллардан бири бўлган. Фақат 1865 йилнинг ўзидагина фортда қирғизлардан юк ташиш учун 1500 туя ёлланиб, фортдан Оренбурггача бир туя юк учун 7 рубл тўланган[3]. Сирдарёдан Хивагача карвон ҳақи янада қимматроқ бўлиб, бир туя юк учун 10 рублдан 12 рублгача олинган[4]. Бунга карвонбошилар бу йўлнинг хавф-хатари кўплиги (жумладан, туркманлар ҳужуми), жазирама иссиқ, хонликлардаги тартибсизликлар ва божларнинг юқорилиги сабаб бўлган. Кўп ҳолларда карвонбошилар юкни маълум манзилда бошқаларга топширмасдан, юкни келишилган манзилга ўзлари олиб боришга ҳаракат қилганлар. Шундай қилинса, карвонларнинг юк кутиб бекор туришлари, ортиқча меҳнат ва харажатлар бўлмаган.

Одатда карвонлар Бухородан Орсккача ёки Оренбурггача бир туя юк учун 18 рубл кумушда ёки ҳар пуд учун 1 рублдан (бир туя юк 18 пуд

[2] Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Туркестанский сборник. Т.XIV. -СПб., 1868. – С. 27.
[3] Ўша ерда.
[3] Ўша ерда.
[4] Ўша ерда.

атрофида бўлган) олишган[1]. Шунингдек, Тошкентдан Оренбурггача олиб борилган бир туя юк учун 13–18 рубл тўланган[2]. Агар карвон Бухородан Қазали фортигача келса, товарлар дарёнинг чап қирғоғида жойлашган Қоратепага ёки Муртукка туширилган. Савдогарлар фортга бориб, у ерда юкларни дарёдан олиб ўтувчиларни ёллашган. Бу иш билан асосан қирғизлар шуғулланган. Улар юкларни қамишдан ясалган солларда ёки хива қайиқларида (қайиқларнинг сони 200 тагача етган) олиб ўтишган. Бир туя юк учун 1 ёки 2 та нон пули тўланган. Туя учун эса, 10 копеекдан 15 копееккача тўланган. От ва ҳўкиз учун қирғизлар 10 копеек, қўй учун эса 1 копеек олишган. Агар бутун подани олиб ўтиш лозим бўлса унда, юзта қўйдан битта қўзи тўланган[3].

Фортга жанубдан келган савдогарлар ўз молларини асосан бухороликларнинг дўконларига топширишган. Кўчманчи қирғизлар эхтиёжига мос тушган бу товарлар ҳеч қандай рақобатсиз ва қийинчиликларсиз тез тарқалган. Бу товарларнинг асосий қисмини ипак матолар, кийим-кечаклар, эгар-жабдуқлар, уй-рўзғор буюмлари кабилар ташкил қилган. Пахта, тери, ипак, қуруқ мевалар каби қолган товарлар Россиянинг марказий районларига олиб кетилган. Савдогарлар ўз юртларига қайтишларида фортдаги дўконларда сотилган товарлари ўрнига қирғизлардан алмаштириб олинган тери, туя ва қўй жуни ҳамда мўйналарни олиб кетганлар. Айни пайтда, дўкон эгалари ўз расталарини туркистонлик савдогарлар Россиядан олиб келган чит, чинни идишлар, патнислар, михлар, ўроқлар, атторлик маҳсулотлари: ойналар, пичоқлар, тугмалар, қайчилар ва бошқа нарсалар билан тўлдириб, уларни Оренбургда олинган нархига нисбатан қарийб 30 баробар қимматига сотишган[1].

Қўқон хонлигида маҳаллий савдогарлар савдо алоқаларида чет эллик савдогарларга нисбатан маълум устунликка эга бўлишган. Аввало, Россия

---

[1] Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году... Туркестанский сборник. Т XIV.– С. 27.
[2] Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. — Л., 1925. – С. 23.
[3] Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году... Туркестанский сборник. Т XIV.– С. 27.
[1] Ўша ерда. – С. 28.

билан Хитойни ўзаро боғлайдиган транзит йўл Қўқон хонлиги ҳудудида жойлашган бўлиб, маҳаллий савдогарларга ҳар иккала томон билан савдо алоқаларини манфаатдорлик асосида йўлга қўйишларига имкон берган. Қўқон хонлигидан Россияга пахта ва ипак билан бир қаторда чорва моллари, тери, жун, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, россиялик мусулмонларга зарур бўлган буюмлар олиб кетилган. Ўз навбатида Россиядан идиш товоқлар, металл буюмлар, бўёқлар, мовут ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Россиядан келтирилган товарлар қиммат нархларда Хитойгача олиб бориб сотилган.

Маҳаллий савдогарлар аҳоли ўртасида талаб катта бўлган товарларга ўзлари нарх белгилашган. Уларнинг рақобатчилари бўлмаганлиги туфайли, товарларини ўзлари белгилаган нархларда сотишга ҳаракат қилганлар ва кўпинча бунга эришганлар.

Ўша пайтда бошқа Осиё давлатларида бўлгани каби Ўрта Осиё вилоятларида ҳам масофа ва оғирлик учун ягона ўлчов бирлиги жорий этилмаган. Жумладан, Қўқон хонлигида масофани ўлчаш бирлиги турлича бўлган. Масалан, фарсах (бир тош)[2] бир жойда 6, бошқа жойда 7 ёки 8,5 чақирим қилиб белгиланган. Таноп (таноф- арқон билан ўлчанган)[3] кўп ҳолларда 60 кв. саженга[4] тенг бўлган. Хонликда газ[5] ва қулоч[6] каби ўлчов бирликлари ҳам бўлиб, матолар шу ўлчов бирликлари ёки бўлакларда сотилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хонликларда оғирлик ўлчовлари бир хил бўлмаган. Жойларда кўпинча бу ўлчов бирликлари ҳам бир-бирларидан фарқ қилиб, бироз кўпроқ ёки кам бўлган[1]. Масалан, 1 ботмон – XIX асрда Бухорода 128 кг, Самарқандда 262,088 кг, Фарғона водийсида 131,044 кг;

---

[2] 1 тош (фарсах, фарсанг, еғоч)-XIX асрда 12000 қадам, 8,5 км., масофа бирлиги.
[3] Таноп (жариб)—Хоразмда-XIX асрда- 60x60 - 3600кв.газ.-4037-4097 $м^2$., масофа бирлиги.
[4] **Саржин-сажень** (славянча сагъ-қадам, одим) -қад. рус. Узунлик ўлчов бирлиги. Халқаро метрик ўлчовлар тизими киритилгунга қадар ишлатилган. 1 С.- 3 газ - 48 вершок-2,13360 м. Юза ўлчов бирлиги-десятина (2400 кв.сажень).
[5] 1 газ – Фарғонада XIX аср ўрталарида –62,195 см., масофа бирлиги.
[6] 1 қулоч- XVIII–XIX асрларда -177-178 см., масофа бирлиги.
[1] Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Туркестанский сборник. Т.XIV.–С. 155.

Мискол[2] – Қўқон хонлигида 100 арпа, 4,55 г. Бухорода 100 арпа 5 г.[3] бўлган. Масофанинг узоқлиги, солиқ тизими, ўлчов бирликлари ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан, россиялик ва туркистонлик савдогарлар ўзаро ҳамкорликдан катта манфаат кўришганликлари туфайли уни кучайтиришга ҳаракат қилишган. Ҳукуматлар ҳам бу соҳани имкон даражасида қўллаб қувватлаб туришган. Жумладан, рус савдогарлари тобора ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун Туркистон хом-ашёсига катта эҳтиёж сезаётган эди. Пахта, ипак, тери ва бошқа маҳсулотларни чет элларга чиқаришдан Қўқон хонлиги аҳолиси ҳам яхшигина манфаатдор эдилар. Шунинг учун ҳам Қўқон хонлиги рус савдогарларига хонлик ҳудудларида белгиланган бож эвазига эркин юришлари ва унинг ҳудудларидан қўшни давлатларга ўтишларига шароит яратиб берган. Ўз навбатида Россия Қўқон хонлиги карвонларининг рус ерларида эркин юришларига ҳамда уларнинг хавфсизликларини таъминлашга ҳаракат қилган[4]. Кўрилган тадбирлар натижасида 1860 йилларнинг бошларида хонлик ҳудудидан Россияга товар чиқариш анча кўпайган. Жумладан, Тошкент ва Қўқондан Россияга 1862 йили 192,255 рубллик ип-газлама, 27,847 рубллик тери, 147,182 рубллик мева-сабзавот, 32,831 рубллик ипак маҳсулотлари олиб кетилган. Жами олиб кетилган махсулотларнинг ҳажми 585,188 рублни ташкил қилган[5]. Бироқ, 1866 йилга келиб Россияга товар чиқариш кескин камайган. Масалан, 32,577 пуд ёки 324,136 рубллик ип-газлама, 2,350 рубллик тери, 86,421 рубллик мева-сабзавот, 6,246 рубллик ипак маҳсулотлари олиб кетилган[6]. Шу йили олиб кетилган махсулотларнинг умумий ҳажми 795,500 рублни ташкил қилган[1]. 1866 йилда маҳсулот олиб кетишнинг камайишига, аммо унинг қийматини ошишига ўлкага Россия империясининг бостириб кириши, уруш ҳаракатларининг кучайиши оқибатида бошланган нотинчликлар туфайли

---

[2] Мискол –Бухорода,5 г., Қўқон хонлигида 4,55 г.,оғирлик ўлчови.
[3] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11-ж. –Т. 2005. - Б. 591–593.
[4] Туркестанский сборник... Т. XXX.– С. 138.
[5] Ўша ерда..
[6] Ўша ерда
[1] Туркестанский сборник... Т. XXX.– С. 138.

маҳсулот тайёрлашнинг кескин камайиши сабаб бўлган. Айни пайтда, 1866 йилдан эътиборан, Авлиёота, Чимкент, Хўжанд, Тошкент каби шаҳарларнинг босиб олиниши ҳам Россиядан товар келтиришнинг кўпайишига сабаб бўлган. Бу даврда Россиядан келтирилаётган товарлар салмоғи ошиб, 3,187124 рублга етган[2].

Бироқ, XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигидаги тахт учун курашлар, аҳолининг норозилик ҳаракатлари ва Бухоро амирлиги билан бўлган низолар мамлакат халқ хўжалиги тармоклари билан бир каторда ўзаро савдо алокаларига ҳам жиддий зарба берди. XIX асрнинг 60-йилларида хонликдаги нотинч вазият, рус савдогарларининг ўлкага келишини бирмунча камайтирди. Бунга Қўқон хони ва амалдорлари томонидан савдогарлардан ғайри қонуний бож олиш ҳатти-ҳаракатларининг кучайиб бориши, Россиядан келувчи ҳар бир савдогар хон ва сарой ходимларига, закотчиларга қимматбаҳо совғалар келтириши зарурлиги ҳам сабаб бўлган. Мусулмон давлатлари тартибларига кўра, бошқа динларга мансуб савдогарлар закот солиғи тўлаганлар. Бу уларнинг олиб келган товарлар қийматининг 10 %ни ташкил қилган. Айни пайтда, мусулмонлар учун закот солиги 2,5 %ни ташкил қилган[3]. Шунинг учун ҳам рус савдогарлари кўпрок фойда кўриш илинжида савдо ишларига татарларни ёллашиб, ўз товарларини уларнинг ёрдамида сотишган ва шу йўл билан закот солиғини камайтиришга ҳаракат қилишган[4].

Савдогарлардан олинадиган бождан ташқари яна дўкондан, тарозидан ва бозорлардан олинадиган йиғимлар бўлган. Йиғиладиган божни хонга тегишли бўлган иқтисодий ташкилотда асосий шахс бўлган меҳтар йиққан. Ҳисоботларнинг йўқлигидан, хоннинг ўзи ҳам йиғилган божнинг микдори ҳақидаги аниқ маълумотга эга бўлмаган[1].

---

[2] Ўша ерда. – С. 139.
[3] ЎзМДА 1-жамғарма,29-рўйхат,33-иш,11-варрок
[4] Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины. - Т., 1991. – С.46,49.
[1] Хорошхин А.П. Заметки о Коканде... // Туркестанский сборник. Т. XXIII. – С. 179.

Маьлумки, хонликлар даврида ҳам маҳаллий эҳтиёжлардан ортган Туркистон пахтаси чет мамлакатларга. биринчи навбатда Россияга олиб бориб сотилган. Айникса, 1861-1864 йилларда АҚШдаги фуқаролар уруши натижасида бу ерда пахта экишнинг кескин камайиб кетиши оқибатида, Туркистондан Россияга пахта ташиб кетиш янада авж олди. Масалан, Россияга 1862 йилда 1802 минг рубллик, 1863 йилда 2903 минг рубллик ва 1864 йилда 6524 минг рублликлик пахта ташиб кетилган. Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши ўз навбатида унинг баҳосини ҳам ошириб юборди. 1861 йили Нижегород ва Москва бозорларида пахтанинг ҳар пуди 4-5 рублдан сотилган бўлса, 1864 йилга келиб Ўрта Осиё (Бухоро) пахтасининг нархи 22, ҳатто 23 рублгача кўтарилди[2]. АҚШдан пахта толаси келтиришнинг камайиши туфайли вужудга келган «пахта очарчилиги» Россия ҳукуматини ўз пахта базасини яратиш ҳақида бош қотиришга мажбур қилди. Айни пайтда, Европа давлатлари ҳам АҚШнинг пахтачилик соҳасидаги ҳукмронлигига барҳам бериш учун астойдил киришдилар. Жумладан, Англия Ҳиндистонда етиштирилган пахтани ташиш учун темир йўл қурилишига юз миллионлаб фунт стерлинг ажратди. Франция Жазоирда пахтачиликни ривожлантиришга ҳомийлик қилди. Ҳатто, Туркия, Миср ва Тунис давлатлари ҳам пахтачиликка эьтиборларини кучайтирдилар.

Россиянинг ривожланиб келаётган тўқимачилик саноати буржуазияси эса пахта танқислигини Туркистон ҳисобига тўлдиришга киришди. П.Г.Галузо таькидлаб ўтганидек, Ўрта Осиё Россия ҳукуматини Англиянинг Ўрта Осиёга кириб келишига қарши стратегик курашда нафақат муҳим позиция сифатида, балки янги бозорларни «эгаллаб» олиш ҳамда эксплуатация қилиш обьекти сифатида ҳам қизиқтирар эди. «Ўлкани бевосита босиб олишга ундовчи иқтисодий қизиқишлар заминида,- деб ёзади у, - рус савдо буржуазиясининг манфаатдорлиги ётар эди. Ўлка рус савдо капиталининг янги муомала райони сифатида босиб олинди. Рус савдо

[2] Зиёев Х. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги // Шарқ юлдузи., 1991, №5. - Б.172.

капиталининг операциялари ўлкада Россия саноати маҳсулотларини сотиш ва рус саноати учун хом-ашё олишга қаратилган бўлиб, савдо капиталининг манфаатлари, айни пайтда, саноат капиталининг манфаатлари ҳам эди. Бу ерда савдо капиталининг манфаати ва кон саноати манфаатлари қаердан бошланиб, қаерда тугашини ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ»[1].

Туркистон ўлкасини эгаллаб олиш учун олиб борилган босқинчилик урушлари даврида ўлкада пахта экиш кескин камайиб кетди. Натижада, йилига, ўртача 116654000 рубллик товар ишлаб чиқарган Россия тўқимачилик саноати 1868 йили Европа бозорларидан пахта сотиб олишни кўпайтиришга мажбур бўлди. Агар Россия, АҚШ даги фукаролар урушигача, Европа бозорларидан ҳар йили ўртача 3 млн. пудгача пахта сотиб олган бўлса, 1871 йили бу кўрсаткич 3225193 пудга ёки 48025715 рублга етди[2]. Бу пахтанинг асосий қисми воситачилар ёрдамида Ливерпул бозоридан сотиб олинган. Қолган кисми, яьни 639192 пуди (5972491 рубллик) Ўрта Осиёдан олиб келинган[3]. Бу Россияга келтирилган пахтанинг 21% ни ташкил этар эди. Албатта Россия учун пахтани ҳали темир йўл қурилмаган Шарқ мамлакатларидан кўра темир йўлга ва портларга яқин бўлган Европа бозорларидан сотиб олиш арзон тушар эди.

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрга Осиё бозорлари масаласида рус савдогарлари билан инглиз савдогарлари ўртасида рақобат янада кучайди. 1865 йилнинг охирида генерал-майор Романовский шу масалада Москва савдогарлари билан кенгаш ўтказган. Асосий қисмини савдогарлар ташкил қилган кенгаш аъзоларидан 14 киши (Хлудов, Каретников, Савва Морозов ва ўғиллари, И.Ляман, Романовский ва бошқалар) рус савдогарларини қўллаб-кувватлаб турувчи махсус ширкат тузиш зарурлигини таклиф килишган.

1866 йили императорнинг рухсати билан Москва-Тошкент товар ширкати тузилиб, унинг махсус муваққат қўмитаси таъсис этилди. Ширкатга

---

[1] Галузо П.Г. Туркестан-колония.Т.1926. -С. 14.
[2] ЎзРМДА, ф.И-1, р.16,х.1701. в.1.
[3] Зиёев Х. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. –Тошкент: Фан, 1980. - Б.18.

ўзига тегишли масалалар бўйича бевосита Молия вазирлигига ҳамда Москва ва Оренбург генерал-губернаторликларига мурожат қилиш ҳуқуқи берилди. Чор маъмурларига зарур бўлиб қолган тақдирда Туркистондаги ширкатга хазинадан 100000 рублгача маблағ ажратишга рухсат этилди[1]. Бундан ташқари, дастлабки пайтларда ширкат аъзолик бадалларини тўлашдан озод этилди ҳамда Россиядан Ўрта Осиё шаҳарларига юбориладиган товарлар божхона назоратисиз ўтказиладиган бўлди[2]. Бироқ, қўрилган тадбирлар кўзланган натижаларни бермади. Кейинги уч йил ичида «Савдо уйлари» кескин қисқариб, 9 тадан 4 тага тушиб қолди. Бунга ерли аҳолининг рус товарларини сотиб олиш имкониятининг чекланганлиги ва рус саноатчилари ўзларидан карзга мол олган маҳаллий савдогарларни йўқотиб қўйишиб, куйиб қолган ҳолатлари ҳам сабаб бўлган[3].

Бундай салбий ҳолатлар кўплаб учрашига қарамасдан, Бухоро амирлигига қарши ҳужумни давом эттиришни режалаштирган К.П.Кауфман орқа томондан мудофаасини таъминлаш мақсадида вақтинча Қўқон хони Худоёрхон билан келишишга мажбур бўлди. Империя қўшинларининг ўлкани босиб олишдаги муваффақиятларидан ва хонликдаги вазиятнинг оғирлигидан чўчиб қолган Худоёрхон Кауфманнинг ўзаро шартнома тузиш ҳақидаги таклифига рози бўлди. 1868 йилда Россия билан Қўқон хонлиги ҳар иккала давлат ўртасида савдо муносабатларини яхшилашга қаратилган савдо шартномасининг имзолади[4]. Унга кўра:

1. Рус савдогарларига Қўқон хонлиги ҳудудларида эркин юришлари ва хонлик савдогарларига ҳамма рус бозорларининг очиқ бўлишига рухсат берилди;

2. Рус савдогарларига Қўқон хонлигининг барча шаҳарларида товарларини саклашлари учун ўз карвон саройларига эга бўлишлари, Қўқон

[1] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 195-иш, 1-3-варақ.
[2] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 195-иш, 34-в.
[3] Туркестанский сборник. 1868 г. Т.VIII. - СПб., 1869. –С. 41
[4] Туркестанский сборник... Т. XXX.–С. 138

савдогарлари ҳам рус шаҳарларида шундай имкониятга эга бўлишлари назарда тутилган;

3. Рус савдогарларига Қўқон хонлигининг барча шаҳарларида савдонинг тўғри боришини ва божнинг қонуний олинишини назорат қиладиган савдо агентлигини тузиш ҳуқуқи берилди. Қўқон савдогарларига ҳам Туркистон ўлкасида бундай ҳуқукдан фойдаланиш имкони берилди;

4. Қўқон хонлигига келтирилган ва шу ердан Россияга олиб кетилган товарларга тенг миқдорда- 2,5 % бож белгиланди[1].

Шундай қилиб, XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигининг чет мамлакатлар, биринчи навбатда Россия билан савдо алоқалари мунтазам ривожланиб борди. Россия саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган товарлар Туркистон бозорларига кўплаб келтирилди. Агар 1840- йилдан 1850- йилгача Туркистон билан Россия ўртасидаги товар алмашуви ҳар йили ўртача 1,4 млн. рублни ташкил қилган бўлса, у 1857- йилда 9,9 млн, 1860- йилда 13,0 млн, 1867- йилда 30 млн. рублдан иборат бўлган, яъни 10 йил ичида (1857-1867 йй.) 3 маротаба ошган. Умумий ҳисобда эса, 1840-1850 йилларга нисбатан 1867- йили товар алмашуви 21 маротаба ўсган[2].

Россиядан Туркистонга ип-газлама маҳсулотлари кўпроқ кела бошлади. 1857- йили ип-газлама маҳсулотлари - 2,272657 рублни, 1866- йили-7706136 рублни, 1867- йили 12597500 рублни ташкил этди[3]. Келтирилган товарларнинг асосий қисмини ип-газламалар, жун матолар, чой, шакар, ҳар хил металлар, улардан ясалган иш қуроллари ва рўзғор буюмлари ташкил этган. Металл буюмлари ичида бозори чаққон моллар- мисдан ясалган чойнаклар, тоғаралар, самоварлар, қозонлар, темирдан ясалган пичоқлар, таган (қозон осадиган учоқ) лар, пўлат устара ва қайчилар кўп бўлган. 1867- йили Россиядан Туркистонга 234596 рубллик[1] жун матолар, 136 минг

---

[1] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 665-иш, 92-варақ.
[2] Джаманкараев А.Б. Развитие торговли в Киргизии в конце XIX - нач. XX вв. -Фрунзе «Илим», 1965. - С.25-26.
[3] Туркестанский сборник. Т. 152. – С. 3.
[1] Терентьев М.А. Россия и Англия в борьбе за Рынки. - СПб, 1876. - С. 44.

рубллик шакар олиб келинди. Бундан ташқари, шу йили 88174 рубллик мис буюмлари, 76093 рубллик чўян, 63442 рубллик темир, 15467 рубллик пўлат, 10028 рубллик тилла ва кумуш келтирилган[2]. Айни пайтда, Туркистондан Россияга пахта, ипак, пахта махсулотлари ва мева олиб кетилган. 1867- йили Россияга 5513 минг рубллик асбоб- анжомлар, 534 минг рубллик пахта махсулотлари, 500 минг рубллик тери, 215 минг рубллик мева-чевалар олиб кетилган. Ҳаммаси бўлиб, шу йили Россияга 12410 минг рубллик мол жўнатилган[3].

Шундай қилиб, XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигининг чет мамлакатлар, биринчи навбатда Россия билан савдо алоқалари мунтазам ривожланиб борди. Савдо алоқаларининг ривожланишида Тошкент шаҳридан ташқари, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарлари ҳам муҳим ўрин тутган. Фарғоналик савдогарлар Россиянинг Шарқий Туркистон ва бошқа шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларига самарали таъсир кўрсатган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, руслар Туркистонни босиб олгунга қадар, кўп жиҳатдан Бухоро амирлигига қарамликни бошдан кечирган Қўкон хонлиги ҳудудларида бухоролик савдогарлар нисбатан анча эркин савдо қилишган.

Туркистон ўлкасининг Россия билан Тошкент орқали амалга оширган савдо алоқаларида бухоролик савдогарлар етакчи мавқега эга бўлишган. Бу ердан карвонлар Сибир йўналиши бўйича Петропавловск, Семипалатинскка ва қисман Троицккача боришиб, савдо ишлари соҳасида нафақат рус балки хорижий мамлакатлар савдогарлари билан мулоқотда бўлишган. Бунинг натижасида туркистонлик савдогарлар нафақат Россиянинг Марказий районлари, балки Европа мамлакатлари билан таниша бошладилар. Шунингдек рус савдогарлари ҳам Ўрта Осиёда савдо алоқаларини ривожлантириш орқали ўлканинг ортиқча талаблар қўймайдиган беминнат бозорларини эгаллаб олиш ва бу ерда етиштирилаётган арзон хом ашёни ташиб кетишдан катта манфаат кўрдилар.

---

[2] Ўша ерда. – С. 46

[3] Ўша ерда. – С. 127.

# II - БОБ

# ТУРКИСТОННИНГ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ

## 2.1. Туркистонлик савдогарларнинг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари

Туркистон ўлкасининг географик ва стратегик жойлашуви қадимдан Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш учун анча қулай бўлиб, бу хонликларга қўшни давлатлар савдо алоқаларини кенгайтириш имконини берган. Жумладан, Ўрта Осиё билан Шаркий Туркистон халқлари ўртасида савдо-сотиқ ишлари қадимдан анъанавий тусга кирган эди. Буюк Ипак йўлининг бу иккала ўлка ҳудудларидан ўтиши ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон халқларининг тили, дини ва урф-одатларининг яқинлиги ҳам бу орадаги воситачиликка қулайлик туғдирган. Хитойнинг Цин сулоласи ҳукмдорлари ўз савдогарларига мамлакатдан ташқарида савдо қилишга рухсат бермаганлиги ҳам туркистонлик савдогарларнинг Хитой билан фақат Шарқий Туркистон орқалигина савдо алоқалари ўрнатишга имкон берар эди.

Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари олиб борган туркистонлик савдогарларни Россияда бухороликлар, Шарқий Туркистонда эса андижонликлар деб аташган. Руслар Хитой ва Шарқий Туркистонда ишлаб чиқарилган товарларни Тобольск, Нижнегорск ва Семипалатинск шаҳарлари ҳамда Ямишев қўрғонларида асосан туркистонликлардан сотиб олишган. Хитойда «Русларга ҳеч нарса сотилмасин ва улардан ҳеч нима сотиб олинмасин, деб буйруқ берилган эди»,- деб ёзади Россия империясининг ўша даврдаги элчиси Спафий[1].

Қўқон хонлигининг Хитой билан чегарадошлиги ҳар иккала мамлакат савдо алоқаларини ривожлантиришга қулай шароит яратган. Андижон ва Ўш

[1] Спафий. Сибирь и Китай. – Кишинёв, 1960. -С. 45.

шаҳарлари Шарқий Туркистонга бориш учун етакчи савдо пунктлари бўлган. Савдогарлар Фарғона водийси шаҳарлари орқали Қошғар, Хитой, Ҳиндистонга ўтишган. Савдо муносабатларини ривожлантиришда Шарқий Туркистон нинг Оқсув, Қошғар ва Ёркент шахарлари муҳим ўрин тутган.

Ўша давр маълумотларига кўра, 24 тошлик[1] масофани эгаллаган Қўқон – Ўш йўли анча хатарли йўл ҳисобланган. 1807 йили савдо карвони билан Қошғар - Кўкон йўлидан ўтган татар Муртазо Файзиддин Марзиянинг маълумотига кўра, Қошғар билан Қўқон ораси 23 кунлик йўл бўлган. Муртазонинг ёзишича, 1831 йили Еттисув худудлари Кўқон хонлигига қўшиб олингандан кейин шу йўлдан ўтган карвонлар кўпинча кўчманчи қирғизларнинг ҳужумига учраб турган. Бу фикрларни Г. Генс маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

XIX асрнинг 30-йилларига келиб, Қўқон хонлиги кўчманчи аҳоли ўртасида ўз мавқеини ва чегараларини мустахкамлаш мақсадида бу ерларда Дараўтқўрғон, Қизилқўрғон ва Сафирқўрғон каби қалъаларни қурдирган. Бу қалъалар ҳарбий-стратегик, божхона ва молиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эди. 1830 йилдан Қўқон хонлиги Қошғарда ўзининг закотчисини тайинлаган. Унга Ўрта Осиёдан борган товарлар учун олинадиган соликни хазина фойдаси учун йиғиб олиш ҳуқуқи берилган[2].

50-йилларнинг охирида Қошғарда бўлган Валихоновни ёзишича, Қўқон билан Қошғар ўртасидаги савдо алоқалари анча яхши йўлга қўйилган. Фарғоналик савдогарлар Қошғарга ҳинд ва рус товарларини олиб келишган. Бундан ташқари, бу ерга ҳар йили кўп сонли от, туя, қорамол ва 200000 бошга яқин қўй-эчки ҳайдаб келинган. Савдогарлар Хитойдан ўз юртларига қайтишларида ҳар йили карийб 300 минг пуд чой олиб келган. Чой олиб келинган маҳсулотлар ичида энг кўпини ташкил қилган. Бундан ташқари

---

[1] 1 тош (фарсах,фарсанг,ёғоч) XIX асрда- 8,5 км.га тенг ўлчов бирлиги.

[2] Туркестанский сборник... Т.XXX. 1869 г. – С.126.

олиб келинган ипак Ўрта Осиё хонликларида оқ ва сариқ рангларга бўялиб, шу ердан бошқа давлатларга олиб кетилган[1].

Ўша даврда Россия Хитой билан савдо алоқаларини асосан Ўрта Осиёлик савдогарлар орқали амалга оширган. Туркистонлик савдогарлар Хитойдан Семипалатинскка чой, равоч (ревен), ипак ва бошқа маҳсулот олиб келишган. Ўз навбатида у ердан Хитойга мовут, парча, кумуш, тилла, темир буюмларини олиб кетганлар. Биргина 1867- йили Хитойга 4.094.423 рубллик товар олиб кетилган[2]. Карвонлар Семипалатинскка Иссиққўл дарёси бўйлаб ўтишган. Қошғардан Қўқонгача 600 чақирим[3] йўл бўлган[4].

Россия билан Хитой ўртасидаги бевосита савдо алоқалари яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли рус ҳукумати бу алоқаларни яхшилашга ҳаракат қилган. Пекин трактига кўра, рус ҳукумати Қошғарда ўз элчихонасини очиш ҳуқуқини қўлга киритган. Бироқ ўлкадаги нотинчликлар туфайли элчихона очилмади. Шунга қарамасдан, рус савдогарлари Хитой билан савдони йўлга қўйишга ҳаракат қилишган. Жумладан, ўша даврга оид матбуот материалларида рус савдогарлари Хлудов ва Первушинлар бу ишни амалга оширишга ҳаракат қилганликлари ҳақидаги хабарлар учрайди[5].

1851- йили Россия ҳукуматининг ташаббуси ва сай-ҳаракатлари билан Ғулжада Россия ва Хитой ўртасида савдо муносабатларига оид биринчи шартнома имзоланди. Бу ҳар иккала давлат ўртасида савдо алоқаларига эҳтиёжнинг кучайиб бораётганлигидан келиб чиққан эди. Масалан Россияга Хитой чинниси, чойи, шойиси, ипаги, Шарқий Туркистон гилами, шолчаси, матоси зарур бўлса, айни пайтда Хитойда рус чити ва мўйнаси, Ўрта Осиё мевалари ва чорвасига талаб катта эди.

---

[1] Туркестанский сборник... Т.XXX, 1869 г. – С.226.
[2] Ўша ерда. – С. 49.
[3] 1 чақирим(1Ч.)-Қадимда Ўрта Осиёда катта масофаларни ўлчашда қўллаб келинган.Қиймати 1200 қадамга тенг.Бир қадам ўртача 0,75 м.эканлиги ҳисобга олинса, унда 1Ч.-0,9 км.га тенг. Россия империясининг 1894 й.да рус ўлчов бирлигига ўтиши тўғрисидаги кўрсатмаси чиққан давргача 1Ч.-1,06-1,08 км.га тенг бўлган.ҳоз.вақтда 1 Ч. деганда, 1 км тушунилади.
[4] Туркестанский сборник... Т.XXX, 1869 г -С.226.
[5] Ўша ерда. - С.49.

Рус ҳукумати Хитой билан савдо алоқаларида ўртаосиёлик савдогарларнинг воситачилигидан самарали фойдаланиш учун уларга барча қулайликлар яратишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда, дастлаб рус ҳукумати ўз мамлакати ҳудудларида бухороликлардан бож олишмаган. Кейинчалик эса ўртаосиёлик савдогарлар қисман бож тўлашган. Бундан ташқари, рус шаҳарларида туркистонликлар учун махсус савдо уйлари, бозорларда эса расталар ташкил қилинган. О.Н.Вилковнинг таъкидлашича: империя маъмурияти «Жунғориядан, Қалмоқиядан, Бухородан келган савдогарларнинг молларини жойлаштириш учун карвонсаройлар, меҳмонхоналар қурилсин», деб кўрсатма берган[1].

XIX аср ўрталарида Ямишев кўли бўйларида ташкил этилган бозорларда Жунғория, Хитой, Бухоро ҳамда қалмоқлар юртидан товар келтирган ўртаосиёлик савдогарлар кўпчиликни ташкил этган. Улар бу ерга Хитой, Ёркент ҳамда Бухоро ип-газламалари, ипак ва зиғир поясидан тўқилган матоларни, равоч, арпабодиён, қалампирмунчоқ ва чой олиб келишган[2]. Бу ерга рус савдогарлари чарм, кўн, мато, гул қоғоз, хом сурп, мўйналар, атторлик буюмлари ҳамда ёғочдан ишланган буюмлар келтирганлар.

Шарқий Туркистоннинг Ёркент шаҳрида туркистонлик савдогарлар ўз оилалари билан ўнлаб йиллар давомида истиқомат қилганлар ва тижорат ишлари билан шуғулланганлар. Жумладан, «Асли марғилонлик бўлган Шарифбой Устабоев Уч Турфонга кўчиб келиб ҳовли сотиб олған ва тижорат билан шуғулланган, у асосан, афюн ҳамда матолар билан савдо қилган»[3]. Марғилонлик Бердиев деган киши оиласи билан 35 йил давомида Қошғарда истиқомат қилган. У асосан Еттисувга мато олиб бориб сотиш билан шуғулланган[4]. Унинг ҳамшаҳри Абохон Мулла Баротбоев Қошғарда рус чити билан савдо қилган[5].

---

[1] Юнусхўжаева М. Ўртаосиёлик воситачи савдогарлар// Шарқшунослик, №2, 1991. - Б.117.
[2] Вилков О.Н. Китайские товары на Тобольском рынке в XУII веке // История СССР, № 1, 1958. – С.11.
[3] ЎзМДА. И- 19-жамғарма, 1-рўйхат. 1964-иш,- 38-в.
[4] ЎзМДА. И- 19-жамғарма, 1-рўйхат. 1964-иш,-71-в.
[5] Ўша ерда 88-в.

Туркистонлик савдогарлар савдонинг бирор турига ихтисослашиб, асосан ўзлари учун маъкул бўлган товарлар билан савдо қилишга ҳаракат қилишган. Масалан, Қошғар шаҳрининг Андижон кўчасида истиқомат қилган Муҳаммад Алимбой ўғли Розиқбоев мато билан савдо қилган, Али Отабек Қулликбеков эса Тошкент, Қўқон бозорларига Хўтан гиламларини олиб келиб сотган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, савдода омади юришган баъзи савдогарлар бойиб йирик мулкдорларга айланганлар. Масалан, Қошғар ва Оқсув шаҳарларида рус чити, шойи газламалар, кумуш-ёмби, қимматбаҳо тошлар билан савдо қилган Неъматбойнинг Қошғарнинг Устунгўё кўчасида ҳовлиси бўлиб, бу ерда у 19 йил давомида оиласи билан яшаган. Шунингдек, Даминбойхўжа Кичикхўжаев, Ғозибой Холдор ўғли каби ўртаосиёлик савдогарлар турли молларни Қошғар, Хўтан, Ёркент, Оқсув каби шаҳарларга олиб бориб сотишдан ташқари, Қошғардан Фарғонага ипак, ип-газламалар, кумуш, тилла олиб келишган. Ўртаосиёлик савдогарлар Фарғона, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарларда Қошғар моллари билан бир қаторда, Хитой моллари билан ҳам савдо қилганлар.

Хитойдаги нотинчликлардан фойдаланган Ёқуббек Қошғарни эгаллаб олгандан кейин, бу ерда туркистонлик савдогарларга эркин савдо қилишга имкон берилган. Рус савдогарларига эса қаттиқ чекловлар жорий этилган бўлиб, рус савдогари Хлудов Қошғарга киритилмаган. Оқибатда, у ўзининг тижорат ишларидан анча зарар кўрган. Бироқ, Хлудов Кошғарга кейинги келишида ўзи олиб келган рус товарларини тезда сотиб, ўрнига Қошғардан 800 пуд хом ашё сотиб олган ва уни Москвага олиб бориб, ҳар пудини 400 рублдан сотган[1]. Бу сафар Хлудов учун анча фойдали бўлиб, у савдодан катта даромад кўрган.

Ака-ука Хлудовлардан кейин, уларнинг иш юритувчиси Никифор Кривошеин Қошғарга тижорат ишлари билан борган. 1868 –йилнинг 10 – августида у 121 туя ва 21 аъзодан иборат карвони билан Норин истеҳкомидан

[1] Туркестанский сборник. Т. XXIV. -СПб. 1870. Из Ташкента А.Ротчевь. (Петербургская газета 1869. № 57-58). – С.195.

чиқиб 2-сентябр куни Қошғарга етиб келган. Қошғарда унинг товарларидан 2,5% бож олинган. Уч ҳафта ичида ўз товарларини Ёқуббек кўрсатмаси билан белгиланган нархда сотишга мажбур бўлган. Ўрнига ипак маҳсулотларини сотиб олиб, 17-ноябрда шаҳардан чиқиб кетган. Ўша давр матбуотларида Кривошеиннинг Қошғарга қилган сафари даврида Ёқуббекнинг унга менсимаслик билан қилган муомалалари ҳақида маълумотлар учрайди[1]. Россия билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо муносабатларида вазиятнинг мураккаблашиб бориши, рус савдогарларини Хитой билан савдо алоқаларини кўпроқ туркистонлик савдогарлар орқали амалга оширишга мажбур қилди.

Қўқон хонлиги билан қўшни бўлган Ёқуббек давлатининг Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутган Россия империяси ҳукумати 1871 йили бутун Или водийсини ва Ғулжага босқинчилик ҳаракатларини бошлади. К.П.Кауфман томонидан Қошғарга юборилган капитан Каульбарс 1872 йил апрелида Ёқуббек билан савдо шартномасини тузди. Бу шартнома асосида Қошғарда Россиянинг савдо-сотиқ ишлари бемалол юришиб кетиши учун шароит туғилди[2].

1889 йили Фарғона вилояти билан Шарқий Туркистон чегарасида Эргаштомда рус божхонаси ўрнатилгач, Ўш шаҳри Шарқий Туркистон билан савдо алоқаларида етакчи ўрин тутган. 1899 йилда эса Қўқон божхонаси ташкил этилди. Шу йили Қўқон – Қошғар ўртасидаги савдо обороти 2 миллион рублни ташкил этди[3].

XIX асрнинг 80-йилларида Қошғарда элликка яқин ўшлик савдогарлар тижорат билан машғул бўлганлар. Улар Россиядан Хитойга асосан, тайёр матолар, мўйна, темир, чўяндан ташқари, қозон, самовар каби буюмлар олиб

---

[1] Туркестанский сборник. Т. XXIV.-СПб. 1870. Из Ташкента А.Ротчевъ. (Петербургская газета 1869. №57-58). — С. 226.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи I том.иккинчи китоб.Т.1957. - Б96.
[3] Махкамов А. Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – нач. XX веков. Востоковедение. История Филология. -Ташкент., 1987. -С.24.

кетишган. Қошгарга кўп миқдорда Ўрта Осиё мевалари ва чорва моллари ҳам олиб борилган. Ўз навбатида у ердан кўк, қора чой, чинни, ипак, қуйма кумуш ва тилло, гилам, шолча, хом сурп олиб келинган. Ўшлик Мирёқуб Мирражаб ўғли Қошғарда мўйна, мовут, кўрпа, човгум ва бошқа моллар билан, Марғилон ва Ўш бозорларида эса Хитой ипаги, газлама, шолча ва гиламлар билан савдо қилган. Ёри Абдуҳолиқ деган савдогар Марғилон ва Ўшда Қошғар матолари, гилам ва шолчалари ҳамда мисдан қилинган идишлар билан савдо қилган. Ўшликлар орасида катта маблағлари билан савдо-сотиқ юритган савдогарлар ҳам кўп бўлган. Масалан, Муҳаммад Солиҳбойнинг пул муомаласи уч минг тиллодан зиёд бўлган. У мўйна, чит ва рус чўян қозонлари билан савдо қилган[1]. Фарғона водийсининг Қашқар билан савдо алоқаларида Андижон шаҳри ҳам муҳим ўрин тутган. XIX аср охирида шаҳарда 1646 та ёйма, 22 та карвонсарой, 20 та савдо маркази бўлганлиги бунга гувоҳлик беради[2].

XIX асрнинг 90-йилларида Туркистон билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари анча ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Туркистон орқали Хитойга 4000000 рубллик маҳсулот юборган бўлса, Хитойдан олиб келинган маҳсулотлар миқдори 5000000 рублни ташкил қилган. Россиядан саноат маҳсулотлари, металл, шакар, турли матолар олиб келинган. Хитойдан эса, тери, ип-газлама, пахта, оёқ кийим, гилам ва бошқа нарсалар олиб кетилган[3]. Қашқардан Туркистонга ғиштга ўхшатиб тайёрланган кўк ва қора чойларнинг кўплаб келтирилиши, ўлкада чой қадоқлаш корхоналарининг вужудга келишига шароит яратди. 1890-1900 йилларда Қўқонда ўнлаб рус фирмалари пайдо бўлди. Ака-ука Висоцкийлар, ака-ука Кузнецовлар, Вогау ва К*ларнинг фирмалари шулар жумласига кирар эди. Бу фирмалар томонидан қадоқланган чойлар Ўрта Осиё ва Россия

[1] ЎзМДА. И- 19-жамғарма, 1-рўйхат. 1964-иш,- 22-80-вараклар.
[2] Туркестанские ведомости. 9 декабря. 1888 г.
[3] Окраины России: Сибир, Туркестан, Кавказ и полярная часть Европейской России (под редакцией П.П.Семенова.). -СПб., Тип-я акц. общ. «Брокгауз-Ефрон». № 6. 1900. – С.207.

шаҳарларига жўнатилган. Қўқоннинг ўзида чой савдоси билан Вогау ва К*ҳамда А.В.Швецовларнинг савдо уйлари шуғулланган[1].

Ўрта Осиёнинг асосий савдо йўллари йирик шаҳарлар Бухоро, Самарқанд, Хива, Марв оркали ўтган бўлиб, бу йўллар Ҳиндистоннинг савдо марказлари Пешовар, Шикарпур, Мультон, шаҳарлари билан боғланган. Бу йўллар Афғонистоннинг йирик савдо марказлари - Қобул, Ҳирот ва Қандаҳор орқали ўтган[2]. Туркистондан Ҳиндистонга Афғонистон орқали ўтган йўл анча хавфли бўлиб, Кашмирдан Ладакка, ундан Ёркенд ва Шаркий Туркистонга борган[3].

Ҳиндистондан келадиган йўллар тоғли Лаҳордан Пешовар ва Ҳайбар довони орқали Қобулга келган. Ғазна шаҳридан Қобулга ўтилган. Қадимги афғон кўчманчи савдогарларнинг карвон йўллари Қобулда туташиб, Бомиён, Ойбек, Тошқўргон, Мозори–Шарифга келган. Кейин Калиф кечуви оркали Амударёдан ўтиб, Бухоро хонлигига борган[4]. Бухородан Кобулга бориш учун ўртача 27 кун кетган[5].

Карочидан бошланган жанубий йўл Ҳинд дарёси бўйлаб Шикапургача борган, ундан шимолий-ғарбга бурилиб, кейин Киети орқали Қандаҳорга чиқилган. Бу йўл Қандаҳордан шимолий-ғарбга Хилменд деган жойгача борган, кейин Фаррах, Сабзавор ва Ҳирот орқали Машҳадга, ундан Эронга чиқилган. Эронга чиқишда Ҳирот йўлидан ташқари Марв йўли ҳам бўлган.

Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга Афғонистон орқали ўтадиган йўллардан фақат ёз ойлардагина фойдаланиш мумкин бўлган. Бу йўллардан қиш кунлари тоғли жойларни қор босиб, улардан ўтиш мумкин бўлмай қолган. Бу йўллар карвонлар учун хавфсиз бўлиб, ўртаосиёлик ва Ҳинд савдогарлари

---

1 Круковская С.М. Встречи с Кокандом. -Т., 1977. - С.62.
2 Расуль-заде П.Н. Из истории среднеазиатско–индийских связей второй полвины XIX-начала XX века. – Ташкент, «ФАН», 1968. - С.66.
3 Расуль-заде П.Н. Из истории среднеазиатско–индийских связей второй полвины XIX-начала XX века. – Ташкент, «ФАН», 1968. - С.66.
4 Ўша ерда.
5 Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией. «Записки РГО», кн.X. - СПб., 1865. - С.186.

шу йўллардан ўтиб, йўл бўйларида яшаган кўчманчи қабилалар билан савдо-сотиқ соҳасида воситачилик қилишдан манфаатдор бўлганлар.

Ўрта Осиёни Ҳиндистон билан боғлайдиган яна муҳим йўл Қўқондан Ўш-Марғилонга Булаттоғ тоғларидан Қашқарга ва у ердан Кашмирга ўтилган[1]. Лекин бу йўл анча хавфли ва савдо карвонлари учун самарасиз бўлганлиги туфайли ундан кам фойдаланилган. Бу ерда жойлашиб олган инглиз жосуслари ўртаосиёлик ва Шимолий Ҳиндистон савдогарларининг савдо ишларига халақит бериб туришган[2].

1898 йили Ҳиндистондан Қашқар ва Шарқий Туркистон орқали Фарғонага келган рус сайёҳи В.Ф.Новицкий қуйидагиларни ёзиб қолдирган. «Менинг Ҳиндистондан келганимни эшитиб, Карғаликга (Шарқий Туркистон йирик аҳоли яшайдиған жой) мени кўргани Синд вилоятидаги Шикапур шаҳридан 20 та ҳинд келди». Хитой ва Туркистонининг кўплаб шаҳарларида яшаган шикапурликлар ўзаро тез-тез кўришиб турадилар. Улар бу ерда турли ҳунармандчилик соҳалари ва савдо-сотиқ билан шуғулланадилар. Яна бу ерда Фарғонадан келган савдогарлар ҳам яшаб, савдо-сотиқ билан шуғулланадилар[3].

XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиё–Ҳиндистон савдо-иқтисодий алоқалари янги йўналишга ўтди. Туркистон Россия томонидан босиб олингач, Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг иқтисодий алоқалари рус-ҳинд муносабатларига бўйсундирилди. Тошкент Россия империясининг маъмурий марказига айлантирилиб, бу ерга Ҳиндистондан элчилар ва вакиллар келишиб, Россия билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилишган. Масалан, Россия ташқи ишлар министри Горчаков ўзининг подшога ёзган ҳисоботида Россия билан Ўрта Осиё орқали сиёсий-савдо алоқаларини ўрнатиш учун Кашмир князлигидан келган элчиларни Ўрта Осиё халқлари

[1] Бабахаджаев М.А. Русско-афганские торгово-экономические связи. -Т., 1965. - С.49,50.
[2] Расуль-Заде П.Н. Из истории Среднеазиатско-Индийских связей второй половины XIX- начала XX века. – С.70.
[3] Новицкий В.Ф. Из истории Ферганы. Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. LXXVI - СПб., 1898. - С.168-169.

билан савдо алоқаларини ривожлантиришда фойдалилигини тан олиб, молия вазиридан кашмирлик савдогарларга ҳам Россия билан савдо алоқаларида худди ўртаосиёлик халқлар фойдаланиб келаётган ҳуқуқларни берилишини сўраган. Шунда бизнинг фуқароларимиз ҳам Кашмирда тенг ҳуқуқлардан фойдаланар эди деган фикрни билдирган[1].

Кашмирга олиб борадиган йўл Қўқон хонлиги ва Қашқар орқали ўтган. Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистонга олиб борувчи йўл Қўқон хонлиги назоратида бўлиб, Россияга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган. Бу ҳолат рус - Қашқар савдосига ва Қашқарга рус ваколатхонасини ўрнатилишига йўл қўймас эди. Худоёрхон бошчилигидаги ҳукумат раҳбарлари хонлик ҳудудидан рус савдогарларини ўтказишни хоҳлашмас эди. Улар ўзларини ички ва ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор эдилар. Қўқонлик савдогарлар Қашқарда ўз товарларидан ташқари Россиядан келтирилган рус товарлар билан савдо қилишиб, уларни қиммат баҳоларда сотганлар[2].

Ўрта Осиёнинг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларида Қўқон хонлиги алоҳида ўрин тутган[3]. Хонликни географик ўрнини қулайлиги, унинг муҳим савдо йўлида жойлашганлиги, фарғоналик савдогарларга Қашқар ва Ёркент орқали Шимолий Ҳиндистон князликлари билан савдо қилиш имконини берган. Бу Ўрта Осиё - Ҳиндистон савдо муносабатларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган[4].

Ҳиндистон ва Афғонистон билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо ишлари анча ривожланган. Ўртаосиёлик савдогарлар Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод вилоятига Туркистон бозорларидан рус товарларини олиб борганлар. Улар қайтишларида ўз юртларига ҳинд матолари, чой, бўёқ ва атторлик буюмларини олиб келганлар. Яворский маълумотига кўра,

---

[1] Расуль-заде П.Н. Из истории Среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX-начало XX века...– С. 77
[2] Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии. -М., Изд-во Восточной литературы, 1960. - С.134.
[3] Ўша ерда.
[4] Образование Кокандского ханства в нынешнем его состоянии. «Записки РГО», кн. III. – СПб.,1849. - С.185

Ҳиндистондан Бухорога йилига 12 минг туяда мол[1] келтирилган. Бу Россиядан Бухорога келтирилган молларнинг ярмини ташкил этган бўлса, Эрондан Бухорога келтирилган моллардан эса 4 марта ортиқ эди.

Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан савдо алоқалари қай даражада бўлганлигини А.К.Гейнснинг маълумотларидан ҳам билса бўлади. «Бухоро, Қўқон, Тошкент ва Қошғар билан биргаликда бутун Ўрта Осиёга Қобул орқали йилига 10000 тадан 15000 тагача туяларда, 100 мингдан 240 минг пудгача товар келтирилган»[2].

Бухоро бозорларида ҳинд молларидан айниқса, муслин (юпқа мато) ва банорас кимхобига талаб катта бўлган. Ўрта Осиёдан эса Ҳиндистонга ипак, ип-газлама ва жун чиқарилган. Ўрта Осиё ипагининг сифати яхши, толаси ингичка ва айни пайтда арзонлиги билан харидорларни ўзига жалб қилган.

Ўрта Осиё хонлари қўшни Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш учун ўз бозорларида ҳинд, афғон ва бошқа мамлакатлар савдогарларининг моллари сотиб бўлингандан кейингина улардан бож олиш ҳақида кўрсатма беришган. Бухоро ва Ўрта Осиёнинг бошқа кўп шаҳарларида ҳинд ва афғон савдогарлари уй-жой қилиб турғун бўлиб яшаб қолганлар[3]. Бу айни пайтда, Афғонистон билан ҳам савдо ишларини ривожлантиришга имкон берган.

Ўртаосиёлик савдогарларнинг Афғонистон билан бўлган савдо алоқаларида ипак, ип-газлама, жун ва айниқса, Россиядан келтирилган гулдор духоба ва камбағалбоп нанка (дағал ип газлама) муҳим ўрин тутган. Бу савдода бадахшонлик савдогарлар етакчи мавқега эга бўлишган. Бадахшон аҳолисининг бир қисми дарё ва сойлардаги қумликлардан олтин зарраларини ажратиб олиш билан ҳам шуғулланишган. У вақтда, Шарқда товар - пул муносабатлари у қадар ривожланмаганлиги туфайли, савдонинг

---

[1] Яворский. Путешествие Русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878 - 1879 гг. т. II. – С.233, 342.
[2] Расуль-заде П.Н.Из истории Средневазиатско-индийских связей второй половины XIX - начала XX века ..- С. 24.
[3] Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч.II. -М., 1848. – С. 258 – 414.

натурал шакли кенг тус олган эди. Шунинг учун Бадахшон савдогарлари Ўрта Осиёдан келтирилган молларни олтин заррачаларига алмаштиришган. Туркистондан Тоғли Бадахшонга келтирилган рус товарлари орасида игна, ойна, кайчи, дур, буғу, сувсар ва қундуз терилари, чарм, мовут каби матолар кўпчиликни ташкил қилган.

Шундай қилиб, Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо алоқалари ўзаро фойдали бўлиб, бу мамлакатлар иқтисодида муҳим рол ўйнар эди. Бироқ, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Англия билан Афғонистон ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашиб кетиши ва «биринчи инглиз-афғон уруши»нинг бошланиши, Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо алоқаларининг сусайишига сабаб бўлди.

1873 – йили Англия билан Россия ўртасида тузилган шартномага кўра, Россия Афғонистонни ўз таъсир доирасидан четдаги давлат деб тан олиши, Англиянинг Афғонистон ташқи сиёсати устидан ўз назоратини ўрнатиши, Афғонистоннинг Россия билан савдо алоқаларига салбий таъсир кўрсатган. Бу вақтда рус–афғон савдоси асосан Ўрта Осиё ва Хуросон савдогарлари воситасида олиб борилди. Афғонистонда Россиядан келтирилган шам, гугурт ва бошқа турли саноат молларига талаб катта бўлган. Афғонистондан Ўрта Осиёга дон, мева, Бадахшондан қимматбаҳо заҳармухра (кўк тош), ложуВард тошлар келтирилган. Бадахшонда жуда арзон бўлган заҳармухранинг бир туя юки Бухорода 10-15 тиллога сотилган[1]. Афғонистонга Туркистондан келтирилган дон ва мева-чевалар афғон савдогарларига кўп фойда келтирган.

XIX асрнинг 90 - йилларида Ўрта Осиё хонликларининг Россиядан ташқари, қўшни Шарқ мамлакатлари –Ҳиндистон ва Афғонистон билан савдо алоқалари анча ривожланган. Биргина Бухоро амирлиги бозорларида сотилган Ҳиндистон товарларининг умумий қиймати 4-5 миллион рублни (ўша вақтдаги баҳода) ташкил қилган. Ҳиндистондан Бухорога асосан чой, нил буёғи (индиго) ва ҳар хил мато келтирилган. 1891-1892 йилларда Халаф

[1] Небольсин П. И.Очерки торговли России с Средней Азией(со стороны Оренбургской линии)... ЗРГО, X китоб,– С.315.

кечуви орқали Ҳиндистондан Бухорога 3 минг пуд қора чой ва кўплаб кашмир шол рўмоллари келтирилган.

Ҳиндистондан Бухорога йилига Кушка гузари кечуви орқали – 11 минг пуд кўк чой, 4 минг нил буёғи ва 1 минг пуд дока; Панж кечуви орқали – 8-12 минг пуд кўк чой, 2 минг пуд нил буёғи ва 0,8 минг пуд дока; Ўрта Осиё темир йўли орқали — 60 минг пуд кўк чой, 6 минг пуд нил буёғи ва 14 минг пуд дока келтирилган. Шундай қилиб, Бухоро бозорларида сотиладиган асосий ҳинд товарларининг бир йиллик миқдори 112 минг пуд чой, 23 минг пуд нил буёғи, 20 минг пуд дока ва бошқа моллардан иборат эди.

Ўрта Осиёда темир йўл қурилмасдан аввал Ҳиндистондан Туркистонга товарлар Покистон ва Афғонистон орқали келтирилган бўлса, темир йўл қурилгач, савдо йўли ўзгарган. Ҳиндистондан кўп моллар сув йўли билан Бендер Аббос (Эроннинг порт шаҳри)дан Машҳад ва у ердан темир йўл орқали Ўрта Осиё шаҳарларига келтирилган. Бу вақтда Афғонистон транзит савдо йўли ҳали ўз аҳамиятини сақлаб қолган эди.

Ўрта Осиё темир йўлининг ишга туширилиши ўлкага чой келтиришни янада осонлаштирди. Илгари Хитойдан Ўрта Осиёга йилига 70-80 минг пуд чой келтирилган. Бу эса ўлкага келтирилган чойнинг асосий қисмини ташкил қилган. Ҳинд савдогарлари Хитойда чой савдосини ўз қўлларида ушлаб туришган. Чой Ҳиндистоннинг ўзидан ҳам экспорт қилинган. 1894-1900 йиллар мобайнида Ҳиндистондан Ўрта Осиёга йилига ўртача 20-30 минг пуд чой келтирилган. Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё бозорларига асосан «лунка» «лунка-навзугур», «патта» ва «кепак» маркали чойлар келтирилган. Бир той (4 пуд) «лунка» чой - 44 тилло, лунка- навзугур чой –22 тилло, патта чой–14 тилло ва кепак чой – 11 тилло турган. Ҳиндистондан Туркистонга чойдан ташқари йилига ўрта хисобда 20-30 минг пуд нил буёғи, 30 минг пудга яқин дока ва ҳар хил қимматбаҳо тошлар келтирилган. Ҳиндистонга эса ипак, жун, оз миқдорда олтин, рус мовути, газлама, гилам, мўйна ва бошқа буюмлар чиқарилган.

XIX асрнинг 90 – йилларида Ҳиндистондан Афғонистон ва Туркистон орқали Қашқарга 10-15 минг туя ёки 160-240 минг пуд саллалик ва кийимлик дока, нил буёғи, Кашмир июл рўмоллари, шакар, чой ва бошқа моллар келтирилган.

Ҳиндистонлик савдогарлар Фарғона водийсида ҳам савдо ишларини яхши йўлга қўйишган. 1903 йили Петербургда нашр этилган «Путеводитель по Туркестану»да таъкидланишича, Андижонда фаолият кўрсатган 10 та савдо фирмалари қаторида ипак билан шуғулланувчи ҳиндлар Рамби-паша ва Рамсу–Суфаларнинг фирмалари ҳам эълон қилинган[1]. Архив маълумотларига кўра, Хўжандда яшаган 6 та ҳиндистонлик нон ва мевалар савдоси билан шуғулланишган[2]. 1901 йили Қўқонда 52 та, Наманганда 28 та, Ўшда эса 4 та ҳиндистонлик савдогар яшаган[3].

Англиянинг Афгонистонни Россия таъсир доирасидаги мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, савдо алоқаларини чеклашга уринишларига карамай, Ўрта Осиё ва Афғонистон халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар давом этди. Бухоро ерларида ҳам умумрус тариф-пошлинаси белгиланиши (1894) Афғонистон билан Ўрта Осиё ўртасидаги савдони бирмунча жонлантирди. Закаспий ва Бухорога четдан келтириладиган рўзғор буюмлари ва хўжалик моллари янги қоидаға биноан бождан озод этилган эди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Афғонистондан келтириладиган молларнинг сони ортиб, улар йилига 800 минг пудга яқин жун, 200 минг рубллик тулки териси, 100-150 минг дона қоракул тери, 100 минг рубллик қўй терисини ташкил этди. Шимолий Афғонистоннинг Қундуз, Маймана ва Андхой вилоятларидан Ўрта Осиё бозорларига келтирилган чорва молларининг умумий баҳоси 1,5 миллион рублни ташкил қилган.

[1] Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге под ред. Д.И.Дмитриева-Мамонова. -СПб., 1903. - С. 393.
[2] ЎзМДА. 2-жамғарма., 2-рўйхат. 166-иш. Хўжанд уезди бошлиғини билдиргиси (1883 йил 7 феврал). 26-варақ.
[3] Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге под ред. Д.И.Дмитриева-Мамонова.-С. 379.

Афғон савдогарлари Туркистон билан бўладиган савдодан яхши манфаат кўрар эдилар. Афғонистоннинг ўзида чорва молларини чегарадан ўтказиш олдидан уларга катта бож солинса ҳам, Ўрта Осиё бозорларида чорва моллари учун бож тўланмас эди. Айни пайтда, Ўрта Осиёдан Афғонистонга чиқариладиган молларнинг сони ортиб борди. Афғонистонда рус саноат моллари, ипак, зеби-зийнат буюмлари, қурилиш материаллари, мануфактура маҳсулотлари, қанд, керосин, гугурт, чинни асбобларга талаб катта бўлган.

XIX аср охирлари-XX аср бошларида Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо алоқалари мўтадиллашди. 1900-1911 йилларда Туркистондан Хитой, Афғонистон ва кисман Эронга олиб кетилган пилла ва ипак маҳсулотларни қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Туркистондан Хитой, Афғонистон ва қисман Эронга олиб кетилган пилла ва ипак маҳсулотлари[1]

*Жадвал — 1.*

| Ипак қурти олиб кетиш (минг пуд) | 1900 | 1901 | 1902 | 1903 | 1904 | 1905 | 1906 | 1907 | 1908 | 1909 | 1910 | 1911 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Хитойга | - | - | - | 0,03 | 0,03 | 0,03 | 0,03 | 0,03 | 0,1 | 0,4 | 0,4 | 0.5 |
| Эронга | 0,5 | 0,6 | 0,6 | 0,2 | 2,1 | 1,2 | 0,3 | 0,4 | 0,4 | 0,6 | 0,4 | 0,4 |
| **Ипакни олиб кетиш** | | | | | | | | | | | | |
| Афғонистонга | 0,2 | 0,1 | 0,4 | 0,2 | 0,3 | 1,2 | 0,4 | 0,03 | 0,2 | 0,1 | 0,03 | 0,1 |
| Хитойга | 0,03 | 0,03 | - | - | 0,03 | 0,03 | 0,1 | 0,03 | 0,03 | - | - | 0,3 |
| Эронга | 0,1 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | 0,2 | 0,3 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 1,1 | 0,2 | 0,3 |

Жадвалда кўрсатилишича, Россиядан ғарб мамлакатларига олиб кетилган ипак қуртлари 200 пуддан 2100 пудга кўпайиб, уларнинг нархи 85 рублдан 74300 рублга кўтарилган. Ипакнинг микдори 300 пуддан 1000 пудга етиб, нархи 30000 рублдан 264000 рублга етган. Бу Туркистондан Хитой,

[1] Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. –М., 1914. -С. 46.

Афғонистон ва қисман Эронга чикарилган ипакнинг 30 пуддан 400 пудгача бўлганлиги билан таққослаганда, Ғарб мамлакатларга олиб кетилган ипакнинг микдори сезиларли даражада катта бўлганлигидан далолат беради. Демак, Россиянинг Европа кисмидан чет эллар, жумладан Германия, Австрия-Венгрия, Италия ва Францияга олиб кетилган ипак толасининг асосий қисми Туркистонда етиштирилган[1].

Россиянинг Европа қисмидан Туркистон орқали Хитой, Афғонистон ва қисман Эронга олиб кетилган рус товарларининг микдори мунтазам ошиб борган. Жумладан, ип газлама 1894- йилги 3800 минг рублдан, 1898- йили 5100 минг рублга кўпайган. 1910-йили 346000 пуд, ёки 15676 минг рубллик шакар, 1911- йилда 385000 пуд ёки 16860 минг рубллик туз ва керосин, 1912- йили 22875 минг рубллик саноат моллари, идиш-товоқ, металл буюмлар, темир ва бошқа маҳсулотлар олиб кетилган. 18 йил ичида Туркистондан Ғулжа, Афғонистон ва Эронга олиб кетилган товарлар миқдори 6 мартага ошган. Россиянинг Европа қисмидан Афғонистонга Туркистон орқали бўртма ва бўялган газламаларни олиб кетиш 160 фоизга ошиб, умумий товарлар миқдори 1900 - йилдан 1911- йилгача бўлган даврда 6 маротабага ўсган[2].

Афғонистонга рус товарлари Туркистон орқали куйидаги йўллардан олиб борилган. 1) Муғроб темир йўли, Тошкўприкдан (Ташкепри) Пахтабозоргача (Афғонистон чегарасидан 30 чақирим масофада); 2) Бухоро орқали Амударёга чиқилган. Кўпинча товарлар Чоржўй темир йўлига юборилган. Бу ердан Амударёдан юқори окимига кемаларда олиб кетилган.

Эронга эса рус товарлари Каспий денғизидан Машҳад ва Астробод орқали олиб борилган.

XX асрнинг бошларига келиб, Қашқар билан Фарғона ўртасидаги товар айирбошлаш янада ошиб кетди. 1907 йил Фарғонадан Қашқарга 119047 пуд, яъни 3,5 миллион рубллик мол олиб кетилган бўлса, Қашқардан Фарғонага

[1] Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. –М., 1914. -С. 46.
[2] Уша ерда. - С. 51.

умумий баҳоси 3 миллион рублдан ортиқ бўлган 168628 пуд мол олиб келинган[1]. 1913 йил Фарғонадан Қашқарга 4276526 рубллик ,Қашқардан Фарғонага эса 4204847 рубллик мол олиб келинган[2].

Ғарб мамлакатларининг пахтага бўлган эҳтиёжларини қондириш учун Туркистон орқали Эрон, Афғонистон ва Хитой каби Шарқ мамлакатларидан катта миқдорда пахта келтирилган. Масалан, 1895- йили Эрон, Афғонистон ва Қашқардан 739031 пуд ёки 4400000 рубллик пахта олиб келинган бўлса, 1896- йили у 771000 пудни ташкил қилган. XX аср бошларига келиб аввало Россия ва бир қатор Ғарб мамлакатларида пахтага бўлган талаб мунтазам суратда ошиб борди. Шунга яраша Туркистон орқали пахта ташиб кетиш ҳам кўпайди. Масалан 1908 – йили у 776000 пуддан ёки 5044000 рублдан, 1912- йили 1313000 пудга ёки 828 5000 рублга етган[3]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Хитой, Афғонистон, айниқса, Эрондан Туркистонга олиб келинган пахтанинг миқдори 15 маротаба ортган. Россиянинг Европа қисмига Афғонистондан Туркистон орқали олиб кетилган пахта 11 йил ичида 79 % га ўсган.

Россиянинг Эрон ва Афғонистон билан бўлган савдо алоқаларида туркистонлик савдогарлар иштирок этишган. Улар орасида бухоролик карвонбоши Абдурауф Азиз, Абдуғани Ориф ва Мирза Сирожиддин, қўқонлик Хамиджон Мухаммаджонов, Мусахонов, Дадахўжа Подшохўжаев ва Ибрагимжон Ахунжоновлар фаол бўлишган[4]. Жумладан, Мирза Сирожиддин Нишопур ва Сабзавор шаҳарларида нуфузли кишилар билан яқин алоқа ўрнатиб катта обрў орттирган. У бу шаҳарлардан пахта сотиб олиб, Москвага жўнатиб турган[5]. Эрондан Россияга олиб кетилаётган товарлар асосан Машҳад орқали ўтган. Бу ерда пахта савдоси билан 3-4 та катта савдогар шуғулланган. Бироқ уларнинг сармояси 2 минг манатдан

---

[1] Туркестанский сборник. Т. 508. - С. 140.
[2] Статитический обзор Ферганской области за 1913 г. –Скобелев, 1916. - С.83.
[3] Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. - С. 52.
[4] Маннонов Б. Из истории русско –иранских отношений в конце XIX – начале XX века. –Т., 1964. - С.129.
[5] Низомиддинов И. Мирза Сирожиддин (Машҳур кишилар ҳаёти). -Т., 1963. – Б.18.

ошмаган (1 манат- 100 копеек, ҳар бир 15 копеек 1 бухоро тангасига тенг бўлган). Машҳад пахтаси асосан Қозон ва Бухоро савдогарлари томонидан сотиб олин ган ва Россияга юбориб турилган[1].

Ўрта Осиё Россиянинг Европа қисми ва Кавказдан келтирилган уй-рўзғор буюмлар, деҳқончилик қуроллари ва тўқимачилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси бўлган. Туркистон орқали Хитой, Афғонистон, Эронга жўнатилаётган маҳсулотлар пахта ва жун матолари, шакар, металл ва металл буюмлари, атторлик буюмлари, чинни ва шиша буюмлари, гугурт, спиртли ичимликлар, керосин ва бошқа нефт маҳсулотлари, пойафзал, сандиқлар, шунингдек, кўп миқдорда баққоллик моллари, ёғоч маҳсулотлари, ғалла (Каспий олди вилоятига) олиб ўтилган. Батуми, Новороссийск ва Баку транзит йўли орқали чой олиб ўтилган. Туркистонга Тошкент ва Ўрта Осиё темир йўллари орқали келтирилган юкларнинг умумий миқдори 27000000 пуд (1908 йили – 26585600 пуд)ни ташкил этган[2].

Шарқ мамлакатлари, асосан Эрон, Афғонистон ва Хитойга тайёр буюмлар жўнатилиб, ўрнига хом-ашё келтирилган. Россиянинг ташқи савдосида Туркистоннинг товар айланмаси 32000000 рубл (1908 йили 31800000 рубл)ни ташкил қилган. Улардан 15700000 рубли маҳсулот олиб келишга, 16000000 рубли олиб кетишга сарфланган. Келтирилган ва олиб кетилган товарларнинг рублдаги қиймати қуйидагича бўлган (1908 йил мисолида)[3]:

| **Келтирилган** | **Олиб кетилган** |
|---|---|
| Эрондан 5599955 | Эронга 6158804 |
| Афғонистондан 2753061 | Афғонистонга 3014997 |
| Хитойдан 7399400 | Хитойга 6916058 |
| Жами: 15722416 р. | Жами: 16089859 р. |

Эрондан Туркистонга нон, сабзавот, ёнғоқ, чорва, тери, ўсимлик бўёқлари, пахта (1908 йили –298097 пуд), жун (57447 пуд ва ҳоказо). Эронга

[1] Низомиддинов И. Мирза Сирожиддин (Машҳур кишилар ҳаёти). -Т., 1963. – Б.18.
[2] Масальский В.И. Туркестанский край. Т.19. – СПб, 1913. – С. 552.
[3] Ўша ерда.

шакар (1908 йили – 432513 пуд), нефт ва нефт маҳсулотлари, метал, пахта ва жун матолари, чинни, шиша ва метал буюмлар олиб борилган[1].

Афғонистондан мева ва ёнгоклар, чорва, мўйна. тери, жун (69322 пуд), пахта (10102 пуд, 1910 йили 132808 пуд), ўсимлик буёқлари, кунжут ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Афғонистонга эса асосан ип-газламалар (2775952 р), мовут, чинни, метал буюмлари, керосин, гугурт ва шакар (114770 р.) чиқарилган. Афғонистон билан савдо алоқалари Тахта-бозор, Керка, Калиф ва Патта-кесар (Термиз) шунингдек, Самарқанд ва Бухоро божхоналари орқали амалга оширилган[2].

Россия ҳукумати томонидан Эрон ва Афғонистон билан бўлган савдони рағбатлантириш учун бир қатор чора–тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, ушбу мамлакатларга жўнатилган рус мануфактура маҳсулотлари, шакар, гуруч ва керосин учун пул мукофотлари берилган. Лекин кўрилган чораларга қарамасдан, Афғонистон билан савдо алоқалари анча суст бўлган. Бунга Кушкада руслар билан бўлган жангда афғонларнинг мағлубиятидан кейин келиб чиққан норозиликлар, Афғонистон чегарасида рус ва афғон божхоналаридан ташқари Бухоро божхоначилари томонидан олинган закот солиғи оқибатида олиб ўтилаётган товарлар нархининг ошиб кетишлари сабаб бўлган.

Туркистоннинг шарқий чегаралари орқали Хитой билан йирик савдо алоқалари ўрнатилган. Хитойдан Қашқар ва Или вилоятлари орқали асосан дағал матолар (бўз), жун, мўйна, кигиз, пахта (1908 йилда - 800488 пуд) ғиштли чой, айниқса қўй-эчки ва от (1908 йили Жаркент, Хоргос ва Бахти орқали 240000 бош қўй ва 4500 от) лар келтирилган. Хитойга шакар, металл ва металл буюмлари, керосин, гугурт, ип–газлама ва бошқа буюмлар олиб кетилган[3]. Эргаштом, Жаркент ва Бахти Хитой билан савдо қилувчи асосий пунктлар бўлган. Қашқар ҳам шундай пунктлар қаторида бўлиб, Хитой

[1] Масальский В.И. Туркестанский край... Т.19. – С. 552.
[2] Ўша ерда
[3] Ўша ерда

ҳудудида жойлашган бўлсада, у ерда рус божхонаси ўрнатилган. Текширувдан ўтказилган товарлар Эргаштом орқали Россияга юборилган.

Темир йўллар ўтмаган жойларда товарлар туя карвонлари ва от-араваларда ташилган. Карвонлар кўпроқ қирғизлар ва туркманлардан иборат бўлган. От-арава кираси билан эса асосан руслар, қисман дунганлар шуғулланганлар (Еттисув вилояти). Бу иш анча такомиллашиб, бир томони Тошкент-Верний (Олма-ота)-Семипалатинск-(Иртиш дарёси бўйида) ва Верний—Жаркент-Ғулжагача, иккинчи томони эса Ашхободдан Машҳадгача борган[1].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрганилаётган даврда аввало пахта савдоси ва пахта маҳсулотларига Шарқ мамлакатларида ҳам талаб ортиб борган. Жумладан, Россиянинг Европа қисмидан Каспий денгизи ва Туркистон орқали Хитой, Афғонистон ва қисман Эронга ип-газлама маҳсулотлари жўнатиш кўпайган. Ўрганилаётган давр мобайнида Туркистондан Хитой, Афғонистон, Эронга олиб кетилган маҳсулотлар миқдори 11 маротабага ошган. Лекин Туркистон орқали Хитой, Афғонистон ва Эронга олиб борилган рус товарлари, шу давлатлардан олиб кетилган товарлар (пахтадан ташқари) миқдоридан 3 маротаба кўп бўлган[2].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўртаосиёлик савдогарлар ўз моллари қатори рус товарларини Қашқар бозорларида, у ердан келтирилган молларни эса Ўрта Осиё бозорларида сотиб чет мамлакатлар билан савдо қилиш борасида катта тажриба тўплаганлар.

[1] Масальский В.И. Туркестанский край... Т.19. – С. 552.
[2] Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана... - С. 51.

## 2.2. Туркистон бозорлари масаласида Англия ва Россия муносабатлари

XIX аср ўрталарида Буюк Британия Ҳиндистонда мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин Афғонистон орқали Марказий Осиё хонликлари ҳудудларини ҳам ўз таъсир доирасига олиш, бу ерларда савдо-сотиқ ишларини жонлантиришга астойдил киришди. Шу мақсадда инглизлар сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлардан ташқари иқтисодий таъсир чораларини ҳам қўллашга киришдилар. Жумладан, улар ўз савдогарлари орқали ўлкадан рус савдогарларини сиқиб чиқариш ҳаракатига тушдилар. Ўз навбатида Россия ҳам Туркистон ўлкасини эгаллаб, бу ерда стратегик жиҳатдан мусаҳкамланиб олиш, уни ўзининг хом-ашъё базаси ва беминнат бозорига айлантириш ҳаракатига тушди. Россия империясининг Туркистонга астойдил кўз тикаётганлигидан ташвишга тушган Англия ҳукумати Россияни Афғонистон чегараларига яқинлаштирмаслик учун Ўрта Осиё хонликлари ҳудудларини ҳар иккала кудратли давлат ўртасидаги «бетараф майдон» сифатида сақлаб қолишга урина бошлади. Бироқ, бу ишни амалга ошириш инглиз ҳукумати учун анча мушкул бўлиб, унинг бир қанча сабаблари бор эди: Биринчидан, масофанинг узоқлиги Англия учун кенг қамровли фаолият олиб боришга ҳалақит берар эди; иккинчидан, ислом дини ҳукмрон мавқега эга бўлган Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари Англия ҳукуматига унчалик ишонишмас эдилар; учинчидан, ўзаро зиддиятлар оқибатида кучсизланиб қолган хонликлар Россияга жиддий қаршилик кўрсата олмас эдилар.

Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига нисбатан агрессив ҳаракатларининг кучайиши ва тез орада Қўқон хонлиги ҳудудларига яқинлашиб келиши Англияни жиддий ҳаракатлар олиб боришга мажбур қилди. У хонликларни ўз томонига огдириб олиш, уларни Россияга қарши қўйиш чора-тадбирларини кўра бошлади. Шу мақсадда 1842- йили инглиз эмиссарлари полковник Стоддарт Бухорога, капитан Конноли эса Қўқонга

жўнатилди. Капитан Конноли Қўқонда дастлаб яхши кутиб олинди. Бироқ, кейинчалик унга нисбатан шубҳа пайдо бўлиб, қамоққа олинган. Конноли қамоқдан озод қилингач, унга Бухорода полковник Стаддортга ёрдам бериш вазифаси юклатилган ва Бухорога йўл олган. Бу ҳар иккала инглиз агентлари зиммасига амирнинг юқори мартабали амалдорларини сотиб олиш ва уларнинг ёрдами билан амирни Англия тарафига оғдириб, уни Россияга қарши қўйиш вазифаси топширилган эди. Улар сиёсий ва ҳарбий характердаги маълумотлар тўплашиб, Бухоро амирлиги ва хонликлар ўртасида адоват ва зиддиятларни кучайтиришга ҳаракат қилишган. Стаддорт ва Коннолининг жосуслик ҳаракатлари амирга маълум бўлгач, улар зиндонга ташланиб, кейинчалик қатл этилганлар[1].

Бухоро амирлигининг инглиз жосусларига нисбатан олиб борган қаттиққўллик сиёсати ҳам Англия ҳукуматини Ўрта Осиёга нисбатан кўзлаган мақсадларини амалга оширишдан қайтара олмади. У ўзининг мустамлакачилик мақсадларини амалга ошириш учун шантаж ва иғво усулларидан ҳам фойдаланиб, хонликлар ўртасидаги зиддиятларни кучайтиришга ҳаракат қилди. Айни пайтда, Англия Эронни Бухоро ва Афғонистонга қарши қўйди. Турк султони ёрдами билан Россияга қарши Ўрта Осиё хонликлари ҳарбий иттифоқини тузишга ҳаракат қилди. Бироқ, Англия ва Туркия ҳукуматлари қанчалик ҳаракат қилишмасин Ўрта Осиё хонликларини Россияга қарши қўйишга тўла эриша олмадилар. Хонликлар Россияга қарши курашда ўзаро бирлашмадилар. Бунга хонликларнинг Англиянинг ҳарбий ва иқтисодий ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифларига ишончсизлик билан қараганликлари ҳам сабаб бўлди. Чунки бу вақтда хонликлар ўртасида энг кудратлиси бўлган Бухоро амирлиги Россия билан савдо алоқаларини ривожлантиришдан анча манфаатдор бўлиб қолган эди.

Қрим урушидан кейин Европа, Болқон ва араб мамлакатлари бозорлари ёпилган Россия учун ўзининг тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришини

[1] Юлдашбаева Ф. Из истории Английской колониальной политики в Афганестане и Средней Азии. (70-80 годы XIX в.). – Т.: Госиздат УзССР, 1963. – С. 24-25.

ривожлантиришида Ўрта Осиё бозорлари муҳим рол ўйнар эди. Айни пайтда, «Англиянинг дипломатик тазйиқлари билан бир қаторда инглиз товарларининг Ўрта Осиёга кириб келишининг кучайиши, Англия томонидан Амударё хавзасида Дўстмуҳаммадхон (Афғонистон амири-М.К.) ҳукмронлигини кенгайтириш харакатларини ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши империя ҳукуматини бу районни эгаллаб олишни тезлаштирувчи фактор бўлиб хизмат қилди[1]. Юқоридаги сабабларга кўра, 1853 йили Россия ҳукумати қўшинлари шиддатли жанглардан кейин Қўқон хонлигининг шимоли-ғарбий чегараларидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Оқмачит қалъасини забт этди. 1853 йилнинг охирларида Қўқон хонлиги томонидан Оқмачит қалъасини озод қилиш учун катта қўшин юборилди, аммо улар рус қўшинларидан мағлубиятга учраб, оркага қайтишга мажбур бўлдилар.

Рус қўшинларининг Туркистонга нисбатан босқинчилик ҳаракатлари кучайишига қарамасдан, инглизлар хонликларни русларга қарши қўйиш, уларга турли ёрдамлар бериш орқали рус қўшинларини ўлкага киритмаслак учун турли усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Маълумотларга кўра, 1855- йили Буюк Британия Қўқон хони билан махсус битим тузган. Битимга кўра, Худоёрхон Ҳиндистондаги инглиз маъмуриятининг таклифига биноан ҳиндистонлик туркий сипоҳларга русларга қарши урушда Қўқон қўшинларига кўмаклашишига рухсат берган. Панжобда бундай сипоҳларни ёллаш ҳаракати бошланган[2]. Булардан ташқари, инглизлар ўлкага ўз эмиссарларини юбориб турган. Жумладан, Қўқонда бир инглиз жосуси Мустафо исми остида тўп ва замбараклар тайёрлаш билан шуғулланган[3]. Боқижон Жонгелдининг маълумотига кўра, 1856- йилнинг иккинчи ярмида Қўқон шаҳрига иккита инглиз жосуси келган.

---

[1] Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии. – М., 1960. – С.85.
[2] Х..Н.Бабабеков. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIXвв.)... -С.42.
[3] Туркестанский сборник... Т. VI, - СПб., 1969. – С.303.

1856- йил 19-мартда Россия ва Англия ҳукуматлари ўзаро муносабатларини юмшатишга доир битим имзолашди. Бироқ, генерал-лейтенант Хрулёвнинг фикрича, бу битим ўзаро муносабатларда ўзгариш қила олмади. Чунки у ҳар иккала давлат ўртасидаги узоқ давом этган рақобатга барҳам беришга қодир эмас эди. Генералнинг тахминича, инглизлар Афғонистонни эронликлардан ҳимоя қилиш ниқоби остида бу мамлакатни эгаллаб олиб, руслар учун Ҳиндистонга бўлган йўлни бутунлай тўсиб қўйишга ҳаракат килган. Шундай йўллар орқали Буюк Британия Ҳинд ерларини «хавфсизлиги»ни таъминлаб, ундан кейин Туркистонни эгаллаб олиш учун фаол ҳаракат қилиши, Россияни бу ерга киритмаслик учун Орол ва Каспий денгизлари кирғоқларигача етиб боришни назарда тутган.

Англия парламенти Ҳиндистонда мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш ва Туркистон билан савдо алоқаларни кенгайтириш максадида 1858-йилнинг март ойида махсус кўмита тузди. Унинг зиммасига инглиз савдогарларининг турли маҳсулотлар билан хонликлар бозорларига келиб туришини ташкил қилиш ва Россия савдогарларига карши кучли рақобатчилик муҳитини яратиш вазифаси юкланди. Шундай кўрсатмалар асосида Англия Ўрта Осиё бозорларини эгаллаб олишга фаол киришди. Инглиз товарлари Ўрта Осиёга асосан 2 йўл орқали: 1) Каспий денгизи орқали Красноводскка келтирилган товарларни кўчманчи туркманлар Хива хонлигига етказишган; 2) шимолий-шарқий Эрон орқали Бухоро хонлигига келтирилган товарлар бу ердан Ўрта Осиёнинг бошқа жойларига тарқатилган[1].

Инглиз савдогарлари аввало Пешоварда яшаган ҳиндларга қарз бериб, уларни савдога ёллаш ва бошқа йўллар билан ўзларига қарам қилишиб, уларга товарларини Бухоро ва Хива бозорларида сотдиришган. Бунинг учун уларнинг баъзи қулай имкониятлари ҳам бор эди. Жумладан, Ҳиндистон темир йўлининг сўнгги бекати бўлган Пешовардан Қўқонгача чой 42 кун

[1] Мамнанов Б.Из истории Русско-Иранских отношений в конце XIX- начале XX века... - С.102.

ичида олиб келинган бўлса. Оренбургдан Қўқонга чой ташиган карвонлар энг қулай шароитларда ҳам камида 70-80 кун йўл босишган. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, Ҳиндистондан Туркистонга чой олиб келган савдогарлар, ўлкага Россия орқали Хитой чойини киришига имкон бермаслик учун чойнинг нархини имкониятлари даражасигача камайтиришган[1].

Инглиз товарлари ўлкага асосан Ҳиндистондан (Қобул орқали) ва Эрондан (Машҳад орқали) келтирилган. Ҳиндларнинг Тошкентга ҳам инглиз товарларини келтириб сотишганлари ҳақида маълумотлар учрайди[2]. Масалан, Ўрта Осиё савдоси ҳақида, номли мақолада кўрсатилишича, Ўрта Осиё бозорлари Ҳиндистондан келтирилган кўк чойлар билан тўлган, улар арзон баҳоларда сотилган. Яхши чой 6 ойдан 18 ойгача бўлган вақт мобайнида 90-100 тилладан сотилган. Бошқа бир маълумотда келтирилишича, инглиз компаниялари билан ҳамкорлик қилган Бухоро яҳудийлари ёллашган карвонлар Самарқандга 560 туяда, Бухорога эса 500 туяда чой олиб келишган[3]. Туркистонда «Бомбей» чойини кўплаб истеъмол қилинишининг сабаби, у нисбатан анча арзон бўлган. Бу чойнинг арзонлигига дастлаб ундан бож солиғи олинмаганлигида эди.

Тошкент Россия томонидан босиб олингунга қадар, Россия билан Ўрта Осиё ўртасида хитой чойи билан савдо қилишда етакчи ўрин тутмаган. Бироқ, кейинчалик ўлкага Тошкент орқали чой келтириш кўпайиб борди. Жумладан, 1870-1871 йилларда чой савдоси билан шуғулланадиган қўқонлик савдогарлар томонидан Иркутск божхонасидан Тошкент ва Қўқонга 1039 рубллик чой олиб келинган.

Россия империяси ҳукумати Туркистоннинг катта қисмини босиб олиш жараёнида ўлка бозорларида инглиз товарларига талаб катта эканлигидан, арзон инглиз товарларини Россия бозорлари, ҳатто қозоқ (қирғиз) даштлари

---

[1] Маҳкамов А.А. Роль Коканда в чайной торговле России со Средней Азией в конце XIX-начале XX века. //Узбекистонда ижтимоий фанлар. 1990, №7. - С.44.

[2] Промышленность и торговля. Очерк о внутренней торговли Киргизской степи. Туркестанский сборник. 1867. Т. Y. -СПб., 1869. – С. 31.

[3] Туркестанский сборник. Т. XXX. – С. 45

ва Сибирга кириб боришидан ташвишга тушди[1] ва иложи борича бу товарларни Туркистон бозорларига киритмаслик чораларини кўра бошлади.

Европа, айникса инглиз дипломатларининг қаттиқ қаршилигига қарамай, Россия кўшинлари Туркистон ўлкасининг катта қисмини босиб олди. 1867- йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилгач, Россия ҳукумати қисқа муддат ичида савдо монополиясини ўрнатиб, ўлкага инглиз савдогарларининг кириб келишига жиддий тўсқинлик қила бошлади. Айни пайтда, Туркистон ўлкасининг катта қисми Россия тасарруфига ўтган бўлишига қарамасдан, Англия ўлка бозорларида ўз таъсир доирасини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Масалан, инглиз саноат маҳсулотлари Туркистон ўлкасининг аҳоли зич яшайдиган Тошкент каби йирик шаҳарларида кўп учрар эди. Лекин, бу айрим товарларгагина хос бўлиб, инглиз буюмлари камлиги ва нисбатан қимматлиги туфайли бозорларда рус маҳсулотлари билан жиддий рақобат қила олмас эди.

Ўз навбатида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳам ўлкага чет эл товарларини келтиришни чеклашга ҳаракат қилган. 1870- йилнинг январида Туркистон генерал-губернаторлик маъмурияти савдо-сотиқ соҳасидаги буйруғи чиқди. Унга кўра, Европа товарлари (биринчи навбатда инглиз товарлари) контрабанда сифатида мусодара қилина бошлади[2].

Туркистон генерал-губернаторлигининг янги буйруғи Қўқон хонлигини чет эллар билан савдо соҳасидаги мустақиллигини чеклаб қўйди. Бунинг оқибатида Қўқон ва Хива савдогарларининг манфаатлари ҳам чеклаб қўйилди. Рус савдосини кенгайтириш ҳисобига Туркистон ўлкасига чет эл товарларини олиб кириш таъқиқлаб қўйилди. К.П.Кауфман рус саноатчилари манфаатларидан келиб чиқиб, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, 1869- йил 12 декабрида Ўрта Осиёдан олиб кетиладиган хом ашёга қўйиладиган закот солиғини бекор қилди.

---

[1] Туркестанский сборник. Т. YIII. - СПб., 1869. – С. 316.
[2] УзМДА, И-1-жамғарма, 20-рўйхат, 1394-иш, 8-варақ.

Рус маъмурлари Туркистон бойликларини кўз-кўз қилиш, рус тадбиркорлари эътиборини Туркистонга қаратиш мақсадида, 1869- йили Петербургда Туркистонда тайёрланган 2 минг экспонатдан иборат кўргазмани очди. 1870- йили Тошкентда ҳам шундай кўргазма очилиб, унда Тошкент, Хўжанд, Ўратепа усталари томонидан тайёрланган пичоқлар, сопол буюмлар, ўйма нақшлар билан безатилган эшиклардан иборат 2 мингта яқин буюмлар намойиш қилинди. Кўргазмада ўзлари ясаган буюмлар билан қатнашган 42 та уста мукофатланган. Улардан II киши бронза медали билан тақдирланган. Кўрилган тадбирлар ўз самарасини берди.

Рус саноат марказлари ўлка бозорларига яқин жойлашганлиги товарлар нархининг нисбатан арзон сотилишига имкон берар эди. Агарда руслар Самарадан карвон йўли орқали Бухоро ва Тошкентга юк олиб борса, инглиз товарлари Эрондан Машҳад орқали Бухоро ва бошқа шаҳарларга узоқроқ йўл билан олиб келинган. Бундан ташқари, рус карвонлари Туркистонга ўтишда бож тўламаган, инглиз карвони эса бундай имтиёзга эга эмасди. Бу ўз навбатида Буюк Британия ҳукуматининг норозиликларига сабаб бўлди.

Россия ташқи ишлар вазири В.И.Войтенков 1869- йил 24 июлида молия вазирига ёзган хатида Буюк Британия элчиси унга мурожат этиб, транзит йўл билан Ҳиндистондан Қўқонга олиб ўтиладиган моллардан рус маъмурияти ҳозирги пайтда 25% бож олаётганлиги, 4 ойдан кейин эса унинг микдори 50 %гача кўтарилиши, бундан ташқари, Ҳиндистондан келтирилаётган нил бўёғи ва докадан бўлак барча товарлар таъқиқланиши кўзда тутилаётганлиги қанчалик ҳақиқатга яқинлигини аниқлашни сўраганлиги айтилган. М.Х.Рихтер бу саволларга берган жавобида, Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги бож-закот идораси ишлаб чиққан махсус тарифга кўра, чет эл товарларидан аввалгидек 2,5 % микдорида бож олиниши, уни янги солиқ деб тушунилмаслик лозимлиги таъкидланган[1].

---

[1] Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIXвв.)...– С.44.

Россия Туркистонни босиб олгач, тезда Россия тўқимачилик саноатининг хом ашё базасига айлантирила бошланди. Туркистон қишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоққа айлантирилиб, пахта майдонлари кенгайтирилди, пахтанинг нархи оширилди. Ўлкада қишлоқ хўжалиги, унинг етакчи тармоғи-пахтачиликни ривожлантириш Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати ва империалистик манфаатларининг асосий мақсади бўлиб, у Туркистонни метрополиянинг тобора ўсиб бораётган саноати хом ашё базасига ва тайёр маҳсулотларини сотиш бозорига айлантиришга қаратилган эди. Ўша вақтда ўлка иқтисодиётини ўрганишган буржуа иқтисодчилари ҳам буни тан олишган эдилар. «Россия Осиёси, -деб ёзади П.П.Румянцев-, мустамлака сифатида ўзининг метрополияси- Россия Европасига фақат хом-ашё етказиб беради, айни вақтда, унинг қайта ишлаш саноати учун бозор бўлиб хизмат қилади»[2]. Маълумки, хонликлар даврида ҳам маҳаллий эҳтиёжлардан ортган Туркистон пахтаси чет мамлакатларга, биринчи навбатда Россияга олиб бориб сотилган. Айниқса, 1861-1864 йилларда АҚШдаги фуқаролар уруши натижасида бу ерда пахта экишнинг кескин камайиб кетиши оқибатида Туркистондан Россияга пахта ташиб кетиш янада авж олди. Масалан, Россияга 1862 - йилда 1802 минг рубллик, 1863 – йилда 2903 минг рубллик ва 1864 - йилда 6514 минг рубллик пахта ташиб кетилган[3]. Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши ўз навбатида унинг баҳосини ҳам ошириб юборди. 1861 - йили Нижегород ва Москва бозорларида унинг ҳар пуди 4-5 рублдан сотилган бўлса, 1864 - йилга келиб Ўрта Осиё (Бухоро) пахтасининг нархи 22 ҳатто 23 рублгача кўтарилди. АҚШ дан пахта толаси келтиришнинг камайиши туфайли вужудга келган «пахта очарчилиги» Россия империяси ҳукуматини ўз пахта базасини яратиш ҳақида бош қотиришга мажбур қилди. Айни пайтда, Европа давлатлари ҳам

[2] Румянцев П.П. Торговля, промышленность, кредит. В книге «Азиатская Россия». Т. II. -СПб., 1914. - Б.427.

[3] Зиёев Х . Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги // Шарқюлдузи, 1991, №5, - Б.171.

АҚШ нинг пахтачилик соҳасидаги ҳукмронлигига барҳам бериш учун астойдил киришдилар.

Ўша давр маълумотларига кўра, ҳинд чойлари Туркистон генерал-губернаторлиги чегараларидан бож тўланмасдан олиб ўтилган. Лекин 1868-йилда чиққан фармонга кўра, қўшни хонликлардан ва мулклардан Туркистонга кириб келган инглиз-ҳинд чойларига алоҳида тарози йиғими олинган. Кяхтин чойи қиммат бўлганлиги туфайли ундан бож солиғи олинмаган. Рус савдо- саноати жамияти аъзоларининг 1872 - йил 2 декабрда Молия вазирлигига ёзган хатида таъкидланишича, кяхтин чойи учун қўйилган бож олиб ташланган бўлса ҳам, Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги чой савдоси ривожланмаганлиги айтилган[1]. Шунингдек, бож тўлашни жорий этиш, тўламаганларга эса чоралар кўриш лозимлиги таъкидланган.

1867 - йилги Низомга кўра, туркистонлик савдогарларга, илгаригидек сотиладиган товарларнинг 2,5% миқдорида солиқ тўлаш мажбурияти юклатилди. Россия саноатининг манфаатларидан келиб чиқиб, Россия империяси ҳукумати пахта ва ипакка закот солиғини бекор қилди. 1868 йилнинг апрел ойидан ўлкага инглиз товарларини келтириш таъқиқланиб, фақат нил буёғи (кўк бўёқ) ва дока (саллага)га 50 % ли бож белгиланди[2].

Туркистон назорат палатаси маълумотларида кўрсатилишича, 1873 – 1876 - йилларда ҳам инглиз-ҳинд чойлари учун бож солиғи олинмаган[3]. Сирдарё области ҳарбий губернаторлигининг 1877 - йил 31 - декабрда Туркистон генерал-губернаторлигига юборилган докладида кўрсатилишича, Фарғона, Самарқанд, Жиззах уездлари ҳудудларидан айланма йўллар орқали бож тўланмасдан олиб ўтилган инглиз - ҳинд чойлари 1,5 млн. фунтни ташкил қилган[1]. Бу кяхтин чойини олиб келинишига катта салбий таъсир кўрсатган. Инглиз – ҳинд чойларини бож тўланмасдан олиб ўтилиши,

[1] Махкамов А.А. Роль Коканда в чайной торговле России со Средней Азией в конце XIX-начале XX века... №7. - С.44.
[2] Терентьев Т.Л. Россия и Англия в борьбе за рынки. - СПб., 1876. – С. 264.
[3] Уз МДА. И- 36-жамғарма, 1-руйхат. 1921-иш,- 12-26- вараклар.
[1] Уз МДА. И- 1-жамғарма, 16-руйхат. 984 - иш,- 22 – варак

Туркистон чегараларида божхона назоратини яхши йўлга қўйилмаганлигини билдиради.

Рус сармоядорлари ҳукуматнинг чет эл савдогарларини Ўрта Осиё билан бевосита савдо алоқаларини чеклаб қўйишига эришдилар. Туркистон губернаторлигига чет эллардан келтириладиган товарларга солинадиган божларни кўпайтиришга рухсат берилди. Хонликлар давридан сақланиб келаётган закот солиғи Россия империяси учун ҳам дастлаб асосий фойда манбаи бўлиб қолди.

1883-йилдан бошлаб Афғонистондан товар келтириш таъқиқлаб қўйилди[2]. Натижада инглиз товарларига ўлка эшиклари бутунлай ёпилди. Шу йўл билан рус савдогарлари Ўрта Осиё бозорларида монопол ҳукмронликни қўлга киритдилар. Губаревич-Радобилский рус савдогарларининг ўлкадан олиб кетишган товарлари ҳақида қуйидагича фикр билдиради: «Барча товарлар ичида биз учун энг зарури ип газлама ва ундан тайёрланган буюмлар -оқ ва бўялган бўз, олача, чопон кабилар бизнинг мануфактурамизни жонлантириш учун хизмат қилади ва кўпинча қайта ишланиб ўлканинг ўзида юқори баҳоларга сотилади»[3].

XIX асрнинг 70 - йилларидан эътиборан, ички ва ташки савдо соҳасида Тошкент шаҳрининг мавқеи кучайиб, у Россия –Ўрта Осиё ўртасидаги савдо алоқаларининг марказига айланди. Рус савдогарлари Туркистонда савдони кучайтиришга қанчалик ҳисса қўшган бўлсалар, тошкентлик савдогарлар ҳам Оренбург, Троицк, Петропавловск ва Семипалатинск шаҳарлари билан савдо алоқаларини ривожлантиришга шундай таъсир кўрсатдилар.

Тошкент билан Россия шаҳарлари ўртасида савдо алокалари анча яхши йўлга қўйилган бўлиб, у асосан учта карвон йўли орқали амалга оширилган[1] Тошкентдан Оренбург орқали Россиянинг Марказий шаҳарларига 3 - 4 ой

[2] Кастельская. З.Д.. Из истории Туркестанского края (1865-1917). –М.: Наука, 1980 - С.-56.
[3] Губаревич-Радобылский А.Ф. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами Азии. Материалы для изучения хлопководства. - СПб., 1912. – С.8 .
[1] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.)... - С.73

йўл босилган[2]. Карвон йўлларининг ўзига хос қийинчиликлари бўлиб, булар қиш кунлари карвон қатновининг узилиб қолиши, карвонларнинг жуда секин ҳаракат қилиши оқибатида юклар сифатининг пасайиши ва Россиянинг марказий районларининг хом ашёга бўлган талабларини қондира олмаётганидан иборат эди.

Буюртмачилар олиб келинадиган маҳсулотларнинг сифати ва муддатига алоҳида эътибор берганлар. Улар карвонлар билан нотариуслар орқали шартномалар тузишган. Шартномаларга кўра, молини Тошкентдан Оренбурггача туяларда олиб бориб беришлари учун карвонларнинг ҳар бир туядаги 18 пуд юк учун 13 рублдан 18 рублгача ҳақ тўланган[3]. Агар товар қисқа вақт ичида эгасига етказилса, унда йўл ҳаққи яна 2 рублга кўтарилган[4]. Карвон йўллари анча хавфли бўлиб, карвонларга кўпинча кўчманчи аҳоли ҳужумлар уюштириб туришган. Юқорида баён этилган қийинчиликлар ва хавфларга қарамасдан, Россия-Туркистон савдо алоқалари мунтазам ривожланиб борган.

Тошкент руслар томонидан босиб олингач, Россия ҳукумати Ўрта Осиёдан четга товар олиб кетувчи савдогарларни рағбатлантириб турган. Масалан, 1865- йили Россия ҳудудига олиб кириладиган пахта, ипак ва жунга товон тўлаш бекор қилиниши натижасида товар алмашуви мунтазам ўсиб борди. Агар 1865- йили Россиядан 523447 рубллик маҳсулот олиб кетилган бўлса, 1867- йили у 5474034 рублга тенг бўлган[5], яъни 10 маротаба ошган. 1869- йили Тошкент билан Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ўртача 6710331 рублга тенг бўлган. Шундан 2458097 рубллик товар олиб кетилган бўлса, 4252234 рубллик товар олиб келинган[1]. Бу икки йил ичида Тошкентдан маҳсулот олиб кетиш 1591097 рублга ўсганлигини, олиб келиш

---

[2] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 876-иш, 11-12-варақ.
[3] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.)... - С.76.
[4] Ўша ерда.
[5] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 876-иш, 1-варақ.
[1] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.)... - С.79.

йўл босилган[2]. Карвон йўлларининг ўзига хос қийинчиликлари бўлиб, булар қиш кунлари карвон қатновининг узилиб қолиши, карвонларнинг жуда секин ҳаракат қилиши оқибатида юклар сифатининг пасайиши ва Россиянинг марказий районларининг хом ашёга бўлган талабларини қондира олмаётганидан иборат эди.

Буюртмачилар олиб келинадиган маҳсулотларнинг сифати ва муддатига алоҳида эътибор берганлар. Улар карвонлар билан нотариуслар орқали шартномалар тузишган. Шартномаларга кўра, молини Тошкентдан Оренбурггача туяларда олиб бориб беришлари учун карвонларнинг ҳар бир туядаги 18 пуд юк учун 13 рублдан 18 рублгача ҳақ тўланган[3]. Агар товар қисқа вақт ичида эгасига етказилса, унда йўл ҳаққи яна 2 рублга кўтарилган[4]. Карвон йўллари анча хавфли бўлиб, карвонларга кўпинча кўчманчи аҳоли ҳужумлар уюштириб туришган. Юқорида баён этилган қийинчиликлар ва хавфларга қарамасдан, Россия-Туркистон савдо алоқалари мунтазам ривожланиб борган.

Тошкент руслар томонидан босиб олингач, Россия ҳукумати Ўрта Осиёдан четга товар олиб кетувчи савдогарларни рағбатлантириб турган. Масалан, 1865- йили Россия ҳудудига олиб кириладиган пахта, ипак ва жунга товон тўлаш бекор қилиниши натижасида товар алмашуви мунтазам ўсиб борди. Агар 1865- йили Россиядан 523447 рубллик маҳсулот олиб кетилган бўлса, 1867- йили у 5474034 рублга тенг бўлган[5], яъни 10 маротаба ошган. 1869- йили Тошкент билан Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ўртача 6710331 рублга тенг бўлган. Шундан 2458097 рубллик товар олиб кетилган бўлса, 4252234 рубллик товар олиб келинган[1]. Бу икки йил ичида Тошкентдан маҳсулот олиб кетиш 1591097 рублга ўсганлигини, олиб келиш

[2] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16–рўйхат, 876-иш, 11-12-варақ.
[3] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.)... - С.76.
[4] Ўша ерда.
[5] ЎзМДА. И-1-жамғарма, 16–рўйхат, 876-иш, 1-варақ.
[1] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.)... - С.79.

эса 1867 - йили 1225766 рубл миқдоридан кам бўлганлигини кўрсатади[2]. Тошкентдан олиб кетилган пахтанинг миқдори 169398 пудни ёки 6158242 рублни, ипак эса 9266 пудни ёки 637529 рублни ташкил қилган[3]. 1969 - йили Туркистондан олиб кетилган маҳсулотлар ичида дока 750000 рублни, йигирилган ип 400000 рублни, жун ва ипак маҳсулотлари 71000 рублни ташкил қилган[4]. Бу товарларнинг катта кисми қозоқ чўлларида яшаган кўчманчи аҳолига сотилган.

К.Н.Кауфман ўлкага келган савдогарлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларга шароит яратиб беришга харакат қилди. Натижада, ўлкада Европа типидаги дастлабки корхоналар қурила бошлади. Масалан, 1867 - йилда дастлабки ипак калавалаш фабрикалари қурилган бўлса, орадан 5 йил ўтгач уларнинг сони 7 тага етди. Шулардан бири Хлудовнинг Хўжандда ишга туширилган фабрикаси бўлиб, унда дастлаб Крипнер тизимида ипак ўрайдиган 23 та дастгоҳ ўрнатилган. Орадан икки йил ўтгач, бу дастгоҳларнинг сони 53 тага етказилган. Бу дастгоҳларда уста назорати остида қарийб 200 та бола ишлаган. Улар бир иш кунида 45 мисқолдан 60 мисқолгача[5] ипак ўрашиб, кунига 30 копеекдан иш ҳақи олишган. Европалик саноатчилар қурган йирик корхоналарда маҳаллий болалар ва аёллар меҳнатидан фойдаланиб, уларнинг меҳнатига катталарга тўланадиган иш ҳаққининг ярми тўланган.

Тошкентда қурилган Европа типидаги сув тегирмонларининг ишлаб чиқариш қуввати маҳаллий тегирмонларга нисбатан 25-30 баробар юқори бўлган. Бунинг натижасида кўплаб маҳаллий тадбиркорлар ишсиз қолдилар. Бундай аҳвол шойи тўқишдан бошқа соҳаларда ҳам маҳаллий

[2] УзМДА 1281-жамғарма, 7-рўйхат, 103-иш, 34-варақ
[3] Ўша ерда.
[4] Ўша ерда, 35 - варақ.
[5] 1 мисқол- Қўқон хонлигида-4.55 кг., XVI-XIX асрларда Бухорода 5 кг. оғирлик ўлчови бўлган

ҳунармандчилик билан саноат ишлаб чиқариш ўртасида рақобатни кучайтирган[1].

Шундай қилиб, Россиясия империяси ҳукумати Ўрта Осиёни эгаллаб олиш учун инглизлардан олдинроқ ҳаракат қилиб, улар билан бўлган рақобатда инглиз товарларини ўлкадан чиқариб ташлашга эришдилар. Подшо ҳукумати Европа товарларини Туркистон ўлкасига олиб киришни таъқиқлаб қўйган бўлсада, бироқ у ҳали хонликларга олиб кирилаётган чет эл товарларини батамом тўхтатишга қодир эмас эди. Бу даврда чегара назорати тўла ўрнатилмаганлиги туфайли Европа товарларининг кириб келишига тўсқинлик қилишнинг имкони бўлмаган.

[1] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. -Т. «Шарқ», 2000. - Б.105-107.

# III- БОБ
# Туркистон ва Россия ўртасида савдо муносабатлари

## 3.1. XIX аср охирларида Туркистоннинг Россия билан савдо алоқалари

1876 - йилнинг феврал ойида Фарғона водийси ҳудудлари Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олингач, хонлик тугатилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги харбий бошқармасининг 1876 - йил 13 - апрелдаги 68 - сонли фармонига кўра, хонликка қарашли ерларда Фарғона вилояти ташкил этилди[1]. Вилоятнинг таркибига Марғилон, Андижон, Қўқон, Наманган, Ўш уездлари ва Помир кирган. Вилоятнинг умумий майдони тахминан 160,1 минг $км^2$ бўлиб, маъмурий маркази-Янги Марғилон шаҳри бўлган[2]. Вилоятни ҳарбий губернатор бошқарган. Туркистон генерал губернаторининг 1876-йил 13-апрелдаги 69-сонли буйруғи билан М.Д.Скобелев Фарғона вилоятининг генерал губернатори этиб тайинланган[3].

Туркистон ўлкаси каби Фарғона вилоятида Россия ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин, бу ерда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий стратегик жиҳатдан мустаҳкам ўрнашиб олишга астойдил киришди. Рус товарларининг Европанинг бир қатор мамлакатлари ва Болқон бозорларида ўз харидорларини топа олмаганлиги бу жараённи янада тезлаштирди. Шундан кейин Россия буржуазияси асосий эътиборини Ўрта Осиёнинг беминнат бозорларини эгаллаб олиш, бу ердан Шарк мамлакатларига чиқиб, улар билан савдо-сотиқ ишларини кучайтириш учун фойдаланишга ҳаракат қилди.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб рус савдо-саноат буржуазияси вакиллари Туркистондан хом-ашё ташиб кетишга эътиборларини кучайтирдилар. Айни пайтда, ўлка бозорлари рус саноати товарлари билан

---

[1] ЎзМДА. И–1-жамғарма, 35-рўйхат. 10-иш, 69-варақ.

[2] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд – Т., 2005. – Б. 195.

[3] ЎзМДА. И–1-жамғарма, 35-рўйхат. 10-иш. 70-варақ.

тўлдирила бошланди. Келтирилган товарларнинг катта қисмини тўқимачилик саноати маҳсулотлари ташкил қилган.

Маҳаллий аҳоли ҳаётида бозорлар муҳим ўрин тутган. Бу ерга одамлар ўз эхтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотиб олишдан ташқари, бир-бирлари билан кўришиш, фикр алмашиш, янгиликлардан хабардор бўлиш учун ҳам борганлар. Маҳаллий ҳокимиятнинг ўзи ҳам эълонлар, янгиликлар, янги соликларнинг турлари ва ҳоказолар билан аҳолини бозорларда таништирган. Бозорлар шаҳарлар ва йирик қишлоқларнинг марказий майдонларида жойлашган. Бозорларнинг катта кисмини дўконлар ва расталари эгаллаган. Расталар сотилаётган маҳсулотларнинг номлари (жумладан, пахта бозори, ипак бозори, гилам бозори ва ҳоказолар)га қараб ажратилган. Катта шаҳарларда бир неча бозорлар бўлиб, уларда кўплаб савдо дўконлари жойлашган. Масалан бундай дўконлар Андижонда 1411 та, Марғилонда 1980 тага етган.Ўзининг катталиги билан машҳур бўлган Қўқон бозорида эса 5000 тадан ошиқ дўкон жойлашган[1].

Бозор кунлари бозорлар одамлар билан гавжум бўлиб, ҳамма устахоналар ва дўконлар очилган. Кўпчилик устахоналарнинг ўзи дўкон вазифасини ҳам ўтаган. Тартибсиз курилган дўконларнинг олдидан ўтган йўлакларга кўплаб аравалар қўйилган, от, эшак ва туялар боғланган. Бу бозорчиларнинг йўлаклардан ўтишини жуда қийинлаштирган. Турли овқатлар тайёрланадиган дўконларнинг яқинида жойлашган чойхоналар ҳам бозор кунлари гавжум бўлган. Бу дўконлардан қиздирилган ёғ ва ковурилган гўшт ҳиди анқиб турган. Маҳаллий аҳоли ўз таомларини асосан кунжут ва қўй ёғидан тайёрлашган.

Катта шаҳарларда ҳафтада бир неча марта бозор бўлган. Жумладан, Қўқонда ҳафтасига уч марта: якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари бозор бўлган. Бозор бўлмаган кунлари одамлар кам бўлгани туфайли дўконларнинг

[1] Масальский В.И. Туркестанский край. Т.XIX. -СПб., 1913. -С.547.

аксарияти очилмаган. Фарғона вилоятида шаҳарлардан ташқари йирик қишлоқларда 78 та бозор бўлган[1]. Қишлоқ жойларда бозорлар одатда атрофи дарахтлар билан ўралган майдонларда жойлашган. Савдогарлар ўз маҳсулотларини лойдан кўтарилган супаларда сотишган. Супаларнинг ҳажми бир неча квадрат аршинни ташкил этган.

Туркистон бозорларида пахта четга чиқариладиган асосий товар ҳисобланган. Пахтага бўлган талабнинг мунтазам ошиб бориши, унинг нархини ҳам йилдан йилга кўтарилишига сабаб бўлди. Масалан, русларнинг Ўрта Осиёга бостириб кирган йиллари бир пуд пахтанинг нархи 2 рубл 50 копеек атрофида турган бўлса, 1870 йилга келиб бир пуд пахтанинг нархи 6 рублга етган[2]. Айни пайтда, ўлкага келтирилаётган товарларнинг турлари ҳам кўпайиб борди.

Руслар ўлкани катта қисмини эгаллаб олганларидан кейин йирик шаҳарларда ўзлари учун янги қисмларни ташкил этишга киришдилар. Шаҳарларнинг руслар яшайдиган қисмида савдо-сотиқ ишлари яхши йўлга қўйилган бўлсада, бироқ бу ерларда эски шаҳарларга нисбатан нарх-наволар анча қиммат бўлган. Чунки янги шаҳарлар бозорларида савдогарлар учун деярли рақобат бўлмаган. Бунга асосий сабаб маҳаллий савдогарларнинг асосий қисми рус тилини ва ҳукумат тартиб-қоидаларни яхши билмаганликлари учун шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмига бориб савдо қилишга тортинишган. Россия империяси маъмурлари бозорларда тартиб-интизом, осойишталик ва тозаликни сақлаш мақсадида бозорларда полиция постлари қўйишган,ҳамда бозор оқсоқолларини сайлашган[3]. Эски шаҳарлар бозорларида савдо қилувчиларнинг кўпчилиги майда савдогарлардан иборат бўлган. Бу бозорларда савдо қилувчиларнинг кўпайишига ва нархларнинг ҳам нисбатан арзон бўлишига имкон берган. Шаҳарларда майда савдогарлар савдонинг кетишига қараб, бир бозордан бошқасига ўтиб савдо қилишган.

[1] Масальский В. И. Туркестанский край. Т.XIX. -СПб., 1913. - С. 548.
[2] Касымбеков К. Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX и начале XX веков. Дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1966. - С.43.
[3] Уз МДА. 19-жамғарма. 1-рўйхат, 322-иш, 4-варақ.

Бундай савдогарлар хафтада 4-5 та бозорда савдо қилганликлари туфайли чор бозорчилар деб аталган[1].

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти Россия билан савдо алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида ўлкада ярмаркалар ташкил этган. Ҳукумат бу ярмаркаларда ўз товарлари билан қатнашган савдогарларга бир қатор қулайликлар яратиб беришга киришди. Жумладан, К.П.Кауфман 1870 йили кузда Молия вазирлигининг розилиги билан Тошкент шаҳрида ўтказилган ярмаркада қатнашган Бухоро ва Хива савдогарларидан олинадиган закот солиғини бекор қилди[2]. 1872 - йилгача Тошкентда ўтказилган ярмаркаларда иштирок этган бухоролик ва хивалик савдогарлар ҳам туркистонлик савдогарлар каби закот солигидан озод қилинган[3].

Россиянинг Туркистон билан савдо алоқаларида Тошкент ярмаркасининг аҳамияти катта бўлиб, у рус товарлари билан ўлка аҳолисини таништириш ва бозорларни тўлдиришда муҳим ўрин тутган. Натижада, биргина 1871 йили баҳорда ўтказилган ярмаркага Россиядан 216654 рубллик товар келтирилган[4]. Шулардан рус савдогарлари келтирган товарларнинг умумий қиймати 146447 рублни, маҳаллий савдогарлар келтирган товарлар киймати эса 70207 рублни ташкил қилган. Олиб келинган маҳсулотлар ичида саноат махсулотлари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, ундан кейин чой, шакар, тери, темир, чўян ва улардан тайёрланган буюмлар турган[5].

Тошкент ярмаркасида рус савдогарлари билан бир қаторда маҳаллий савдогарлар ҳам фаол ҳаракат қилишган. Масалан, 1871 йил мобайнида ярмаркадан жами 683 1 18 рубллик маҳсулот олиб кетилган бўлса, шундан

[1] Ўз МДА И-19-жамғарма, 1-рўйхат, 22517-иш, 231-варақ.
[2] Касымбеков К.Ф.Социально-эконмическое и политическое положение Ферганы в конце XIX и начале XX веков... - С.42.
[3] Касымбеков К.Ф.Социально-эконмическое и политическое положение Ферганы в конце XIX и начале XX веков... - С.42.
[4] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX — начало XX в.в.)... -С.81.
[5] Ўша ерда.

481010 рубллиги рус савдогарлари зиммасига, 202108 рублдиги эса маҳаллий савдогарлар зиммасига тўғри келган[1].

Ярмаркалар дастлабки йилларда Туркистон ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларини ривожланишига самарали таъсир кўрсатган. Масалан, биргина 1871- йилнинг кузида ярмаркадан Россияга 438310 рубл миқдорида пахта олиб кетилган. Бундан ташқари, 57080 рубллик ип-газлама маҳсулотлари, 116775 рубллик ипак, 18900 рубллик калава ип, 6272 рубллик мева-чевалар олиб кетилган. Айни пайтда, ярмаркага Россиядан 859493 рубл 20 копееклик маҳсулот олиб келтирилган. Бу маҳсулотларнинг 366822 рубл 20 копееклиги рус савдогарлари томонидан. 492671 рубллиги эса маҳаллий савдогарлар томонидан олиб келинган[2]. 1872 - йилда Тошкентда ўтказилган баҳорги ярмаркага Россиядан 416349 рубл миқдорида товар келтирилган. Бу товарларнинг 330495 рубллиги рус савдогарларига, 85854 рубллиги эса маҳаллий савдогарларга тегишли бўлган. Шу йили бу ярмаркадан Россияга рус савдогарлари 312366 рубллик, маҳаллий савдогарлар эса 118525 рубллик, жами 430891 рубл миқдорида товар олиб кетишган[3].

1872 - йил охирларидан бошлаб, ип-газлама маҳсулотларини ўлкадан олиб кетиш мунтазам камайиб борган. Бунга Россияда тўқимачилик саноатининг ривожланиб, ўлкада қўлда тайёрланган маҳсулотларга нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлар тайёрланганлигида ва уларнинг ўлка бозорларига кўплаб келтирилаётганлиги сабаб бўлди.

1873 – 1874 – йилларда Тошкентда ўтказилган ярмаркаларга Россиядан жами 11035572 рубл миқдорида товар келтирилиб, 3094537 рубл 57 копеек миқдорида товар олиб кетилган[4]. Шу йиллар мобайнида ярмаркадан Оренбургга 1323535 рубл 78 копеек, Троицкка 810062 рубл 40 копеек, Петропавловскка 235609 рубл 64 копеек ва Россиянинг бошқа шаҳарларига

---

[1] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.). ..-С.81.
[2] ЎзМДА, И-469-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 81,91-варақлар.
[3] ЎзМДА, И-469-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 121 - варақ.
[4] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.). .. - С.82 - 83.

263023 рубл 10 копеек миқдоридаги товар олиб кетилган[1]. Бу рақамлар ўлкадан олиб кетилган товарлар, олиб келинганига нисбатан қарийб 3,5 баробар кўп бўлганлигини кўрсатади.

1874 - йилги маълумотларга кўра, савдо карвонлари Тошкентдан Оренбургга 5996 туяда, Петропавловскка 1492 туяда, Троицкка 6175 туя ва 1 аравада; Сирдарё вилоятига 7718 туя, 363 от ва 657 аравада; Еттисув вилоятига 1950 туя, 4 от ва 512 аравада; Қўқонга 3550 туя, 537 от ва 243 аравада; Бухорога 143 туя ва 27 аравада; Қашқарга 87 туя ва 107 отда; Амударё бўлимига 4 аравада, жами йил давомида 28578 туя, 1033 от ва 1512 аравада 1576151рубллик ип-газлама, 65192 рубллик жун ва ипак матолар, 422402 рубллик ип-газлама матолари, 23230 рубллик гилам ва палослар, 32550 рубллик эгар-жабдуклар, 227655 рубллик чарм буюмлар олиб кетишган. Айни вақтда, Қўқондан Тошкентга 1472175 рубллик, Сирдарё вилоятидан 1330703 рубллик, Зарафшон округидан 190020 рубллик, Бухородан 186827 рубллик, Қашқардан 29524 рубллик, Ғулжадан 837 рубллик товар келтирилган[2]. Бу даврда Тошкент ўлканинг йирик савдо марказига айланган бўлиб, бу ерда вилоятлардан келтирилган маҳсулотлар сараланган. Шундан кейин бу товарлар Россия ва бошқа чет мамлакатларга олиб кетилган.

Рус ҳукумати ўлка бозорларида яккаҳукмронлик қилиш мақсадида имкони борича чет эллардан келтирилаётган товарларни камайтиришга ҳаракат қилиб, хорижий савдогарлар учун бож солиғини ошириб борган. Туркистон комиссиясининг 1874-йил май ойидаги қарорига кўра[3], импорт махсулотларидан олинадиган закот солиғи ўрнига бож солиғи олиш масаласи тавсия қилинди. Бож солиғи подшо томонидан тасдиқланди. 1875 - йил 1 – январдан бошлаб, ҳукумат бож комитети қарорига мувофиқ Туркистон ўлкасида савдо қилувчи ҳамма савдогарлардан закот ўрнига бож олиш жорий

---

[1] «Туркестанские ведомости», 1874, № 9; 1875. .№ 41.
[2] Бойтуллаев Р. Тошкент савдоси сайёҳлар нигоҳида // Савдогар, 1998, 13 октябрь.
[3] Касымбеков К.Ф. Социально-эконмическое и политическое положение Ферганы в конце XIX и начале XX веков... - С.46.

қилинди[1]. Бу ўлка бозорларида савдо-сотиқ ишларининг ривожига бирмунча салбий таъсир кўрсатди.

Тадқиқотлар кейинги йилларда ярмаркалардан нисбатан кам маҳсулотлар олиб кетилганини кўрсатади. Россиядан кўп миқдорда саноат маҳсулотларини олиб келиниши, ўлкада ишлаб чиқарилаётган ҳунармандчилик маҳсулотларининг инқирозга учратди. Оқибатда ишлаб чиқаришнинг бу тармоғи йўқолиш даражасига бориб қолди. Рус саноатчилари ўз маҳсулотларини ўлкага кўплаб келтириш орқали Туркистонда пахтадан тайёрланган маҳсулотларни камайтиришга уриндилар. Бунга рус савдогарларининг ўлкада саноат маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши рус саноати учун рақобатни вужудга келтириши мумкинлигидан чўчишлари ҳам сабаб бўлган[2].

1870 – йилларда ўлкада ипак қуртлари уруғларининг оммавий суратда касалланишининг бошланиши, пилланинг кам етиштирилиши ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотни кескин камайишига олиб келди. Бу даврда Фарғона водийсида бошланган Пўлатхон қўзғолони ҳам бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши ва савдо-сотиқ ишларининг издан чиқишига сабаб бўлди. Масалан, 1876- йили Тошкентда ўтказилган кузги ярмаркадан Оренбургга бор-йўғи 12130 рубллик ипак, 31552 рубллик пахта, Петропавловскка 600 рубллик хўл мевалар, 900 рубллик чолворлар, 640 рубллик тивит, 1000 рубллик барра териси ва 1440 рубл миқдоридаги ип газламалар олиб кетилган[3]. 1886 йилдан бошлаб Фарғона шаҳрида пилла уруғи етиштирувчи станция ишга туширилгандан кейингина пилла етиштириш яна жонланди. Бу даврда Туркистонда ўртача 1-1,5 млн. рубллик пилла етиштирилган. Қўқонда етиштирилган пилланинг сифати нисбатан юқори бўлиб, у «чилла» деб номланган. Бу ипакнинг бир кипи (даста) ни

---

[1] Касымбеков К.Ф.Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX и начале XX веков... - С.46.
[2] Аренберг Р.Г. Из истории рабочего движения в Туркестане в 1910-1914 гг. -УзТПИ. Вып. 6. -Т., 1957. – С. 178.
[3] УзМДА, И-469–жамғарма, 1-рўйхат, 278-иш, 30–47-варақ.

Қўконнинг ўзида 197 рублгача сотиб олинган ва Бухоро орқали Ҳиндистонга олиб кетилган[1].

Фарғона водийси Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин савдо мунсабатларининг маълум даражада ривожланиши, бу ерда қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида савдо алоқаларининг янада кучайишига самарали таъсир кўрсатди. Кўчманчи аҳолининг ўтроқ аҳоли билан савдо алоқаларига эҳтиёжи ошиб бориши натижасида, улар савдо пунктлари очиб беришини сўраб Россия империяси маъмуриятига мурожаат қилишган. Масалан, 80-йилларнинг бошида Марғилон уезди, Ичкилик волостининг Карвон қишлогида яшаган қирғизлар ҳафтада бир марта бўладиган бозорни очиб беришини сўраб Уч-Қўрғон бўлими бошлиғига мурожат қилишган. Қирғизларнинг бу илтимослари 1883 - йили қондирилган[2].Ҳарбий губернатор томонидан савдо пунктларини очишга берилган рухсатномалар расмиятчилик учунгина бўлиб, аслида савдо шахобчалари аввалдан мавжуд бўлган. Масалан, 1885 - йили Сўзак шаҳри аҳолиси, ўз шаҳарларида бозор очишга рухсат сўраб мурожаат қилганларида, бу ерда 30 та дўкон мавжуд бўлиб[3], улардан деҳқонлар чорва моллари ва донларини сотиш учун фойдаланганлар.

Фарғона водийсининг асосан кўчманчи аҳоли яшаган тоғли зоналарида ҳам бозорлар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди[4]. Бундай бозорларда асосан йирик шаҳарлардан келган савдогарлар етакчи мавқега эга бўлиб, улар чорвадор аҳолидан маҳсулот айрибошлашган. Шундай бозорлардан бири Қурама тизма тоғи ён бағрида жойлашган Янтоқ қишлоғда бўлган[5]. Янтоқнинг савдо учун қулай жойда жойлашганлиги, уни чорва моллари билан кўтара савдо қилувчи йирик бозорга айлантирди. Тошкент,

---

1 Туркестанские ведомости. 1871, № 29.

2 Джаманкараев А.Б. Развитие торговли в киргизии в конце XIX – начале XX в. – Фрунзе, 1965. –С. 100.

3 ЎзР МДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 23543-иш, 1-варақ.

4 Андреев М.С. Поездка летом 1929 г в Касанский район (Северной Ферганы) -Ташкент, 1929. –С. 127.

5 С.С.Губаева. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX вв… - С.21.

Чимкент, Туркистондан, ҳатто Бухоро ва Самарқанддан Қашқарга қатновчи карвонларнинг кўпчилиги Янтоқ орқали ўтган.

Ўш шаҳри қадимдан савдо йўллари бўйида жойлашганлиги туфайли бу шаҳар Фарғона водийсининг ички ва ташқи савдосида муҳим ўрин тутган. Агар 1883- йили Ўш шаҳрининг савдо муомаласи 2752 минг рублни ташкил этган бўлса, 1904- йилга келиб у 4500 минг рублга етган[1]. 1895- йили Ўш уезди бошлиғи уезддаги савдо ишлари ҳақида Туркистон ҳукумат палатасига берган ахборотида,- «Ўш шаҳри савдо корхоналарининг уезд билан савдо алоқаларидаги характерли хусусияти, уларда бозор савдосининг нисбатан ривожланганлигида эди. Ҳафтада бир марта бўладиган бозорлар барча ўтроқ аҳоли пунктларида мавжуд бўлган, шунингдек бозорлар асосан кўчманчи аҳоли учун ягона савдо нуқтаси эди», деб ёзган. Бу ҳолни бутун Фарғона вилоятида кузатиш мумкин эди.

XIX аср охирида Фарғона вилоятида пахта майдонларининг кенгайиб бориши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ошишига олиб келди. Вилоятда чорванинг камайиши аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмай қолди. Шунинг учун ҳам чорва моллари асосан Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан ҳайдаб келинган. Масалан, 1897- йили жами ҳайдаб келинган чорва молларининг 92,4 % ини бу икки вилоятдан ҳайдаб келинган моллар ташкил қилган[2]. Бу Фарғона вилоятининг қўшни вилоятлар билан савдо алоқаларини янада мустаҳкамлаган.

Кўчманчи чорвадорлар (асосан қирғизлар) Фаргона вилояти ўтроқ аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлашган. Савдогарлар баҳорда тоғли ва тоғолди районларига боришиб, ноёб ҳайвонлар терилари, жун ва тери учун бай пули бериб банд қилиб кетишган. Улар кузда аравалар ва жиҳозланган 40-60 туяларда йўлга чиқишиб, Кўгарт водийсигача борганлар[3]. Аравалар ва туялар чиқа олмаган жойларга отларда ип-газлама маҳсулотлари

---

[1] Джаманкараев А.Б. Развитие торговли в киргизии в конце XIX – начале XX вв... – С. 103.
[2] Обзор Ферганской области за 1897 г. – С 85
[3] Джаманкараев А.Б. Развитие торговли в киргизии в конце XIX –начале XX в...– С. 107.

олиб боришган. Қайтишда чорвадорлардан юқорида кўрсатилган маҳсулотларни олиб қайтишган. Улар арзон нархда қўлга киритган маҳсулотларини кўтарасига олувчиларга ва фирмаларга сотишган.

1880 – 1888 - йилларда Ўрта Осиё темир йўлининг Самарқандгача бўлган қисмининг ишга туширилиши ўлкада савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтирди. Шундан кейин Сирдарё ва Фарғона вилоятлари савдогарлари ўз товарларини аравалар ва туяларда Самарқанд вокзалига ташиб кела бошладилар. Айни пайтда, рус савдогарлари ҳам темир йўллар орқали ўлкага ўз товарларини ортиқча ташвишларсиз келтириш имкониятига эга бўлдилар.

Темир йўлларнинг қурилиши ўлкани Россия ва у орқали Европа мамлакатлари билан боглаш имкониятини берди. Натижада ўлкада капитализмга хос бўлган бозор муносабатлари ривожланиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор ўзгаришлар содир бўла бошлади. Темир йўллар қурилишига қадар Туркистон пахтасининг асосий қисми маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатилиб, фақат бир қисмигина чет бозорларига олиб кетилган бўлса, темир йўллар қурилгандан кейин бунинг акси бўлди. Агар 1880 - йили Ўрта Осиёдан Россияга 300 минг пуд пахта олиб кетилган бўлса, 1900 - йили темир йўллар орқали қарийб 6 млн. пуд ташиб кетилган[1]. Ташиб кетилган пахтанинг асосий қисми Фарғона вилояти зиммасига тўғри келган[2]. Бу 20 йил ичида ўлкадан пахта ташиб кетиш 20 баробар кўпайганлигини кўрсатади. Фарғона вилояти генерал-губернатори 1900-йили учун қилган ҳисоботида бу ҳақда шундай фикр билдиради: «Вилоятнинг иқтисодий ҳаётига темир йўлнинг таъсири, биринчи йилдаёқ қуйидаги рақамларда ифодаланади: вилоят миқёсида 555432 йўловчи ташилди, 1900 - йил мавсумида 4304739 пуд, ёки 43 млн. рубллик пахта

[1] Дмитриев-Мамонов А.И. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге. – СПб, 1903 – С.127

[2] Ўша ерда.

ташиб кетилди, 2020537 пуд буғдой ташиб келинди»[1]. Маҳаллий матбуотнинг хабарига кўра, 1907 - 1911- йилларда Ўрта Осиё темир йўлидан 200 млн. пуд ҳар хил товарлар олиб кетилган[2]. Булардан асосий ўринни буғдой, пахта уруғи, нефт, керосин, маҳаллий қурилиш материаллари, ун, гуруч ва бошқалар эгаллаган. Туркистонда темир йўллар қурилиши, ички савдони янада кенгайтирганлигини юқорида келтирилган фактлар тўла тасдиқлайди.

Вилоятнинг Қўқон, Марғилон, Андижон, Хўжанд каби йирик шаҳарларининг темир йўлга яқин бўлганлиги, уларни савдо-саноат марказларига айланишига, маҳаллий аҳолининг ўзининг тор қобиғида ўралиб қолишига барҳам берди. Темир йўлларнинг ишга туширилиши Туркистонда капиталистик муносабатларнинг ривожланишига, қишлоқларга савдо судхўрлик операцияларининг тобора кенгайиб боришига олиб келди. Пахта тозалаш ва ёғ мой саноати билан бир қаторда саноатнинг нефт, кўмир, туз қазиб олиш билан шуғулланувчи соҳалари вужудга келди. Бу даврда ўлка халқ хўжалигида банк, савдо ва саноат капитали иқтисодий ҳукмронликни ўз қўлига ола бошлаган. Булар ўз навбатида ички бозорнинг ривожланишига шароит яратди.

Фарғона вилоятида суғориладиган ерларнинг асосий қисмида пахта етиштирилганлиги туфайли вилоятда дончилик махсулотларига эҳтиёж ошиб борди. Темир йўллар ёрдамида Россиядан буғдой келтириш кўпайди. Бу вилоятнинг Россияга қарамлигини янада оширди. Айни пайтда, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг лалми ерларида ҳам катта миқдорда дон етиштирилсада бу ўлканинг донга бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Шу билан бирга, Туркистонда мева-чевалар, гўшт маҳсулотлари, ичак, тери, пилла каби махсулотларнинг кўплиги ва арзонлиги қисқа вақт ичида рус савдогарларининг Европа мамлакатларига пахтадан ташқари, бу маҳсулотларни ташиб кетиш имкониятини кенгайтирди.

[1] ЎР МДА, И-1 жамғарма, 12- рўйхат, 164- иш, 9 - варақ..
[2] Ўша ерда.

Темир йўлларнинг ишга туширилиши натижасида Ўрта Осиёдан Европа мамлакатларига қуритилган мевалар билан бир қаторда хўл мевалар ҳам кўплаб олиб кетилган. Савдо карвонларига нисбатан темир йўллар орқали хўл меваларнинг тез ва сифатли етказиб берилиши, европаликларнинг ўлкада етиштирилган маҳсулотларни ташиб кетишга қизиқишларини янада оширган.

Тадбиркорлар маҳсулотлар сифатини сақлаш учун турли йўллар ва воситаларни ўйлаб топишган. Масалан, узумлар ёғоч қипиқларига ўраб олиб кетилган. Бу узумнинг таъмини бироз ўзгартирсада, бироқ сифатини яхши сақлашга имкон берган. Европа мамлакатларига мўлжалланган олмалар темир йўл станцияларида қилинган махсус жойларда сараланиб қутиларга жойланган ва вагонларга ортилган[1].

Кейинчалик савдогарлар узоқ масофаларга мева, балиқ ва гўшт каби тез бузиладиган маҳсулотларни махсус музлатилган вагонларда олиб кетиш имкониятига эга бўлдилар. Туркистондан Россияга балиқ маҳсулотлари дудланган, музлатилган, кам тузланган ҳолда олиб кетилган. Гўшт маҳсулотлари дастлаб Москва ва Владимир районларига тузланган ҳолда юборилган. Бундай маҳсулотлар асосан қиш фаслларида ташилган. Россиянинг Европа қисмларига гўштни сифатини сақлаш мақсадида махсус музлатилган вагонларда олиб кетилган[2]. Бу қорамолларни вагонларда тирик вазнда олиб кетиш жараёнидаги катта ноқулайликлардан халос этар эди.

Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши натижасида, Россиядан саноат моллари билан бир қаторда шакар, тунука пўлат, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур асбоб - ускуналар олиб келиш, ўлкадан эса пахта, жун, қуритилган мева олиб кетиш кўпайди. Шундай қилиб, 1887 йилдан 1900 - йилларгача Туркистондан 49546152 пуд пахта, 5002152 пуд жун, 113959 пуд ипак, 7496883 пуд қуритилган мева, 6689702 пуд гуруч ва 79633 пуд тери олиб кетилган. Россиядан шу йилларда 9208745 пуд мануфактура

[1] Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана...— С. 48.
[2] Ўша ерда.

маҳсулотлари, 8137042 пуд шакар, қишлоқ хўжалиги учун 39521 дона машиналар ва иш қуроллари, саноат учун 10929 дона ҳар хил машиналар, 1905132 пуд тунука, 37913 дона китоблар олиб келинган[1]. Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, ўлкадан пахта олиб кетиш билан бир қаторда, Россиядан эса саноат маҳсулотлари олиб келиш ҳам мунтазам кўпайиб борган.

Ўлкага саноат ва қишлоқ хўжалиги машиналари жуда зарур бўлишига қарамасдан, улар жуда кам миқдорда олиб келинган. Россиянинг йирик саноат корхоналари - Большой Ярославский, Морозовлар, Циндель каби фабрикаларда тайёрланган саноат махсулотларини уларнинг агентлари амалга оширганлар. Келтирилган маҳсулотлар маҳаллий савдогарлар ёрдамида сотилган. Маҳаллий савдогарлар рус савдогарларининг мануфактура маҳсулотларини катта миқдорда олишиб, ўлканинг шаҳар ва қишлокларида анча қимматига сотишган.

Маҳаллий савдогарлар орасида андижонлик Миркомил Мўминбоев етакчи мавқега эга бўлиб, унинг Фарғона водийсида, Тошкентда кўплаб савдо шахобчалари бўлган. Ўз даврининг йирик тадбиркори Миркомилҳожи Мирмўминбой ўғли - 1860 йили Андижон шаҳрида бой савдогар оиласида дунёга келган. XIX асрнинг 80 - йилларида унга отасидан катта ер - сув ва пахта майдонлари мерос бўлиб колган. Архив маълумотларига кўра, XX аср бошларида унинг бойлиги 13-15 млн. рубл атрофида бўлган. Асосий савдо муомалаларини «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степпун», Москва ҳисоб банки, Рус-Хитой банки, Рус-Осиё банки каби савдо-сотиқ фирмалари ва банклари орқали амалга оширган[2].

Туркистонлик бошқа йирик савдогарлар ҳам савдо ишларини анча ривожлантиришган. Улар ҳатто Ғарбий Европа мамлакатлари билан ҳам савдо алоқалари ўрнатишган. Масалан, тошкентлик савдогар Исомуҳаммад

---

[1] Ахмеджанова З.К. Экономические, политические и военно-стратегические последствия постройки первых железных дорог в Средней Азии (80-90-гг. XIX в.). Уч. записки. ТГПИ, вып.23, ч, 3, -Ташкент, 1960. - С. 6-7.
[2] Акрамов А. Миркомилбой қандай шахс эди?// Шарқ юлдузи, 1992, № 5, -Б.88.

Тожимуҳамедов Парижда очилган виставкага борган. Париждан Лондонга ўтган. Н.П.Остроумовнинг ёзишича, у қайтишида вагонда Париж, Вена ва Берлин сафаридан қайтаётган наманганлик савдогарларни учратган[1]. Ака-ука Хўжаевлар, Темирбеков, Салимжоновлар шундай бойлардан бўлишган.

Россиядан ўлка бозорларига олиб келинган саноат маҳсулотлари, махаллий ҳунармандчиликни ва уйда тўқилган матоларни сиқиб чиқара бошлаган. Жумладан, Фарғона вилоятида 1892-йили ишлаб чиқарилган махсулотлар 2 млн рублга тенг бўлган бўлса, 1896-йилга келиб, у 50 минг рублга тушиб қолган. Айниқса, пахтадан тўқимачилик маҳсулотлари, ипак ва жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш кескин камайди. Чоризм маъмурлари очиқдан-очиқ, - «маҳаллий ипак саноати ўз-ўзидан ўлимга маҳкумдир», - деб бежиз айтишмаган[2].

Юқорида келтирилган фактларни умумлаштириб, шундай хулоса қилиш мумкинки, XIX асрнинг охирларидан бошлаб Туркистон хом ашё манбаларига–аввало пахта ва Россиянинг мануфактура товарлари сотиладиган бозорга айланиб борган. Россиядан келтирилаётган пахта маҳсулотларидан тайёрланган буюмларнинг кўпайиб бориши, Туркистондаги маҳаллий тўқувчиларнинг ўз маҳсулотларини сотиш имкониятини камайтирди. 90 - йилларнинг бошларида маҳаллий тўқувчиларнинг матоларини олиб кетиш тўхтади, лекин Россия читлари уларни маҳаллий бозорлардан сиқиб чиқара олмадилар. Шунинг учун Туркистон шаҳарларида ҳунармандчилик батамом барҳам топмади.

Ўлка босиб олингандан кейин бу ерда пахтачиликни ривожлантириш империя мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсади бўлиб, бу Туркистонни метрополиянинг тобора ривожланиб бораётган саноати хом ашё базасига ва тайёр маҳсулотларини сотиш бозорига айлантиришга қаратилган эди. Ўша вақтда ўлкадаги иқтисодий жараёнларни ўрганишган буржуа иқтисодчилари ҳам буни тан олишган эдилар. «Осиё Россияси, - деб ёзади

[1] Бартольд. В.А. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград, Из-во АН СССР, 1927. – С. 170.
[2] Петровский Н.Ф. Шелководство и шелкомотание в Средней Азии. - СПб., 1874. – С. 87.

П.П.Румянцев, мустамлака сифатида ўзининг метрополияси Европа Россиясига фақат хом-ашё етказиб беради, айни вақтда, унинг қайта ишлаш саноати учун бозор бўлиб хизмат қилади»[1].

Ўлкада асосий эътибор пахта тозалаш саноатига қаратилиб, етиштирилган пахтанинг катта қисми заводларда, қисман эски усулда маҳаллий корхоналарда тозаланган. Пахта тозалаш заводларидан кейин кўнчилик, ипакчилик, ёғ, совун ва шам тайёрлаш, арoқ-вино, тамакичилик, тегирмончилик, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эътибор кучайди.

Ўлкада саноат ишлаб чиқариши жараёнининг ўсиб бориши, айниқса, Фарғона вилоятида яққол кўзга ташланади. 1880 - йили вилоятда 3 та саноат корхонаси бўлган бўлса, 1890 - йили уларнинг сони 15 тага, 1900 - йили 50 тага етган. Уларнинг қарийб 73 %ини бир мавсумда 200000 пудгача пахтани тозалаш қувватига эга бўлган ўрта ва майда корхоналар ташкил этган[2]. Бироқ, бу корхоналар табиий хом ашёларга бой бўлган ўлкада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун ҳали етарли эмас эди. Россия империяси ва рус буржуазияси ўлкани хом ашё базаси сифатида ушлаб туришни афзал кўрар, шунинг учун ҳам, бу ерда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга эътибор бермас эди. Шунга қарамасдан, ўлкада саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши маҳаллий меҳнаткашларнинг турмуш тарзига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритди.

Пахта заводларининг қуввати ошиб бориши натижасида, корхоналарда кўплаб чигит тўплана бошлаган. Илгари қадрсиз бўлган, ҳатто вилоятларда ўтин сифатида фойдаланиб келинган чигитдан 1890-йилдан бошлаб, саноат усулида ёғ олишни бошлаганлар. Лекин дастлабки пайтларда бу иш унчалик ривож топмади. Чунки, маҳаллий аҳоли ғайридинлар томонидан тайёрлаган

---

[1] Румянцев П.П. Торговля, промышленность, кредит. В книге «Азиатская Россия», т.II. Земля и хозяйство. - Спб., 1914. - С. 427.

[2] Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Л.: изд. Комм. акад., 1930. - С.52.

ва саноат усулида ишлаб чиқарилган пахта ёғини истеъмол қилишни истамадилар[1].

Ўрта Осиё темир йўли ўлкадан хом ашё ва мева-чеваларни олиб кетишга бўлган талабни қондира олмай қолди. Шунинг учун, алоқа йўлларини ва айниқса йўл транспортининг ривожлантиришга эҳтиёж кучайди. Россия учун муҳим бўлган Туркистон пахтасини олиб кетиш учун Москвага йўл очиши керак эди[2]. Шу мақсадда 1900-йилан бошлаб Туркистон-Сибир темир йўли қурилишига киришилди. Бундан ташқари, бу йўл стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олиш учун ҳам зарур эди. Подшо ҳукумати генералларидан бири: «Руслар Ўрта Осиёда шафқатсиз мавқени эгаллашлари лозим. Бу мақсадни амалга оширишда темир йўллар ёрдам беради», деб бежиз таъкидламаган[3]. Бундан ташқари, рус саноатчилари ўз мажлисларида: «Бизнинг бутун бойлигимиз жамланган сандиқлар Ғарбда сақланмасдан, балки Шарқда бўлиб, у Сибир ва Ўрта Осиё ерларига кўмилгандир», деган фикрларни билдиришган[4].

Қурилган чора тадбирлар натижасида Ўрта Осиёда 1880 - йилдан 1915 - йилгача тахминан, 5 минг километр атрофида темир йўллар қурилган. 1896 - йили темир йўл қурилиши Шарққа чўзилиб, 1899 - йилда Тошкент ва Андижонга етди. Шу давр мобайнида темир йўл Марвдан афғон чегараларигача борди[5]. Ўрта Осиё темир йўлидан кўплаб шахобчалар чиқарилди. Бу йўллар, асосан подшо ҳукумати учун иқтисодий ва стратегик манфаатларини кўзлаб қурилган. Жумладан, пахтага ихтисослашган Фарғона водийсида транспортнинг етишмаслигидан нон ва бошқа маҳсулотларни

[1] Мустабид тузумнингЎзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари.Т «Шарқ».2000. – Б.108.
[2] По вопросу о продолжении Среднеазиатской железной дороги от Ташкента на Чимкент и Верный. - СПб., 1899. – С.7.
[3] По вопросу о продолжении Среднеазиатской железной дороги от Ташкента на Чимкент и Верный. - СПб., 1899. – С.7.
[4] Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). –М.. Наука, 1980. – С.59 .
[5] Окраины России, Туркестан, Кавказ и Полярная часть Европейской России. Под редакции Семёнова П.П. - СПб., 1900. – С.203.

манзилга керагича етказа олмасликлари туфайли аҳолининг оч қолиш ҳолатлари рўй бериб турган[1].

Темир йўлларнинг қурилишидан рус саноатчилари ва савдогарлар жуда катта фойда олишган. Темир йўлининг ишга туширилиши тадбиркорларга ўлкада ўтмаган пахта ёгини Россиянинг марказий районларига сотишдан катта фойда олишларига имкон берди. Натижада, тадбиркорлар ўлкада ёғ заводларини қайтадан жиҳозлай бошладилар. Масалан, Л.Югович ўз заводига 55 от кучига эга бўлган буғ машинасини ўрнатдирди. Ланкошир ва Фельзер заводларидан иккита қозон, АҚШнинг «Игл» заводидан 6 та жин келтирди. Натижада заводларнинг қуввати ошиб, ҳар йили ўртача 160 минг пуд тозаланган пахта, 20 минг пуд ёғ ишлаб чиқарила бошланди[2]. Бироқ, Россия империяси ўлкани асосан хом ашё базаси сифатида ушлаб туришни афзал кўрганлиги туфайли бу ерда йирик корхоналар қуришни истамас эди.

Россиянинг Туркистон пахтасига талабининг мунтазам ошиб бориши натижасида 1875 - йили Тошкентда Давлат банкининг дастлабки бўлими очилди[3]. Пахтанинг бошқа экинларга нисбатан фойдали эканлигини билган банкирлар деҳқонларга қарз бериб, уларнинг пахта экишига кўмаклашган бўлдилар ва шундай йўллар билан уларни ўз домларига илинтира бошладилар

Пахта етиштиришга мос равишда пахта тозалаш ва ёғ заводларининг сони ҳам мунтазам ошиб борди. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамасининг 1899- йил 3 апрелдаги маълумотига кўра, 1898 - йили Фарғона вилоятида 85 та пахта тозалаш заводи ишга туширилган. Шу йили Фарғона вилояти заводларидан 1294591 пуд тола олинган ва Россияга ташиб кетилган[4].

---

1 Окраины России. Туркестан, Кавказ и Полярная часть Европейской России...– С.203.
2 Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. -Т.: Шарқ, 2001. – Б.114
3 Вяткин М.П.Монополистический капитал в средней Азии. - Фрунзе, Из-во АН Кир.ССР, 1962. - С.43.
4 Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари...– Б.110.

Завод эгалари пахта етиштирувчи деҳқонларга фоиз ҳисобида олдиндан карз беришиб, эвазига ҳосил пишганда пахта олишган. Қарзнинг фоизидан кўрққан деҳқонлар иложи борича пахталарини тезроқ сотиб, қарздан қутулишга ҳаракат қилишган. Бироқ бир вақтнинг ўзида бозорга катта микдорда пахтанинг тушиши, унинг нархини арзонлаштириб юборган. Заводларнинг бундан фойдаланишган воситачилари пахтани арзон-гаровга сотиб олишган ва бундан катта фойда кўришган. Қарзларни тўлай олмаган деҳқонлар кейинги йил ҳосили ҳисобига қарз муддатини чўзишга мажбур бўлишган.

XIX аср охирларида пахта майдонларининг мунтазам кенгайиб бориши Фарғона вилоятида озик-овкат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Вилоятда чорва молларининг камайиши аҳолининг гўшт, жун, тери ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмай қолди. Чорва маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан кўплаб қорамол, қўй-эчкилар ҳайдаб келинган. XIX асрнинг 70- йилларида Авлиё-Отадан ва Тўқмокдан Фарғонага ҳайдаб келинган қўйларнинг бир қисми Наманган, Андижон ва Ўш орқали ўтиб Қўқон бозорларида сотилган[1]. 1897 - йили жами ҳайдаб келинган чорва молларининг 92,4 %ини Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан ҳайдаб келинган моллар ташкил қилган[2]. Бу Фарғона вилоятининг қўшни вилоятлар билан савдо алоқаларини янада мустаҳкамлаган. Шунга қарамасдан, Фарғона вилояти аҳолисининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари катталигича қолаётган эди. Агар 1908 - йили Сирдарё ва Еттисув вилоятлари аҳолиси жон бошига 5-6 бош чорва моллари тўғри келган бўлса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич атиги 0,8 бошни ташкил этган[3].

Фаргона вилоятида чорва молларининг тақчиллигини кўришган савдогарлар уларни бу ерга четдан келтиришга ҳаракат қилишган. Жумладан,

[1] Наливкин В.П. Торговля пригнаных баранами в Намангаском уезде. Туркестанские ведомости, 1880. №49.
[2] Обзора Ферганской области за 1897 г. – С 85
[3] Статистического обзора Ферганской области за 1908 г. – С. 89-91.

1912 - йили Сирдарё областидан Фарғонага 3800 рублли қўй-эчки, камроқ миқдорда от ва қорамоллар келтирилган. Натижада, шу йили вилоятда 677263 от, 640094 қорамол ва қўйлар ва 922044 эчки рўйхатга олинган[1].

Шундай қилиб, XIX аср охирларида Туркистоннинг Россия билан савдо алоқаларининг ривожланишига бир қанча омиллар сабаб бўлди. Бунга аввало ўлка хом-ашёсига Россияда талабнинг мунтазам ошиб бориши, рус савдогарларининг пахта ташиб кетиш билан чекланиб қолмасдан, ўз товарларини сотиш учун ўлканинг беминнат бозорларини эгаллаш ҳаракатлари катта таъсир кўрсатди. Булардан ташқари, темир йўллар ва саноат корхоналарининг қурилиши, банклар тизимининг шаклланиши пахта етиштиришни ривожлантиришга сабаб бўлди. Россия империяси ва рус буржуазияси ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўлка қишлоқ хўжалигини бир томонлама ривожлантиришга эътиборни кучайтириши натижасида ўлкада пахта яккаҳокимлиги кучайиб, дон маҳсулотларига мунтазам талаб ошиб борди. Бу ўз навбатида Туркистоннинг Россияга қарамлигини янада кучайтирди.

---

[1] Заорская В.В. и Александер К.А Промышленные заведения Туркестанского края. – СПб., 1915. – С.116.

## 3.2. XX аср бошларида Туркистон билан Россия ўртасида савдо алоқалари

XX аср бошларида Туркистоннинг Россия тўқимачилик саноатининг асосий хом-ашё базасига айланиш жараёни тезлашди. Ўлкадан Россиянинг марказий районларига пахта толаси ташиб кетиш мунтазам кўпайиб борди. Фақатгина 1887-1896 йилларда Ўрта Осиёдан Россияга 26 млн. пуд пахта толаси олиб кетилган. Бу толанинг ҳар пуди америка пахта толасидан 2 рубль 38 копеек арзон бўлганлиги туфайли империя хазинаси 61 млн. (26 млн. X 2,38 рубль – 61.88 млн.) рубль иқтисод қилган. Ушбу йиллар мобайнида Россияга келтирилган пахтадан хазинага тушган бож миқдори 203 млн рубль бўлган. Агар Россия 26 млн. пуд пахтани Ўрта Осиёдан эмас, чет эллардан олиб келганида, бу Россия учун 256 млн. рублга тушар эди. Демак, империя хазинасининг шунча пули тежаб қолинган[1]. Бундай манфаатдорлик Россия империяси маъмуриятини пахта майдонларини мунтазам суратда кенгайтиришга мажбур қилди. Натижада биргина Фарғона вилоятида пахта экиладиган майдонлар 30 йил (1885-1915) ичида 3 баробардан зиёд кўпайди, териб олинган пахта 1200 минг пуддан 9277 минг пудга етди[2]. Бу Туркистон бўйича териб олинган пахтанинг 60% ни ташкил этар эди.

XIX асрнинг сўнгги чорагида ўлкада янги пахта навларини экишга эътибор кучайтирилди. Жумладан, Фарғона водийсида 1889 йили 15008 десятина ерга америка пахтаси экилган бўлса, 1904 йили у 173586 десятинани ташкил қилган[3], ёки 11 маротаба ошган. Туркистон пахтаси асосан Россиянинг марказий районларига олиб кетилган. 1900 йили ўлкадан олиб кетилган пахта 83.954 пудни, 1905 йили 307.066 пудни, 1911 йили-1.005.335 пудни, 1914 йили 1.402.585 пудни ташкил қилган[1].

---

[1] Мустабид тузумнинг Ўзбекистон бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари...– Б.154.
[2] Масальский В.И. Богатство России – хлопок- IIг., 1921. - С. 7.
[3] Статитический обзор Ферганской области за 1904 год. – Новый Маргелан, 1905. - С. 19.
[1] Немченко М.А. Динамика туркестанского крестянского хозяйства. –Полторацк (Асхабад), 1926. – С.14.

Шундай қилиб, ўлкада Россия империясининг қарийб ярим асрлик ҳукмронлиги даврида бу ерда пахта майдони 7 марта, пахта ҳосилдорлиги 140 марта ошди. Айниқса, 1912 йили пахтакорлар учун серҳосил келди. Шу йили энг юқори кўрсатгичга эришилди ва 14 млн. пуд ҳосил олинди. О.Ган маълумотларида ҳам пахта ҳосили 1906 йилга нисбатан 1912 йили қарийб икки баробар ошиб, 7380000 пуддан 14000000 пудга кўпайганлиги кўрсатилган[2]. Бу даврда ўлкадан пахта толасини ташиб кетиш кучайиб, у Россия тўқимачилик саноатида қайта ишланган пахтанинг 40-50 % ини ташкил этган[3]. Бу 138-140 млн. рублни ташкил қилар эди.

Ўлкада нефт конларининг ишга туширилиши, нефт маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши темир йўл транспорти ҳамда пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш саноатининг тез ривожланиб боришига қулай шароит яратди. Пахта толаси ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ва уни ташиб кетиш учун шароитнинг яхшиланиши натижасида ўлка Россия тўқимачилик саноатининг асосий хом ашё базасига айланиб борди. Агар 1886 йили рус тўқимачилик саноатининг пахта толасига бўлган эҳтиёжи 10455 минг пудни ташкил қилган бўлса, 1910 йили у 25 870 минг пудга етди, ёки 2,5 баробар кўпайди. 1900 йили Россия ялпи саноат ишлаб чиқаришида тўқимачилик саноати бор-йўғи 27,3 %ни ташкил этган. Бу кўрсатгич кейинчалик мунтазам ўсиб, 1900 - 1910 йилларда тўқимачилик, айниқса ип-газлама саноати Россия халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Агар 1900 йили тўқимачилик саноатида ип-газламанинг миқдори 350 млн. рублни ташкил қилган бўлса, 1903 - йили у 610 млн. рублга, 1913 йили эса 900 млн. рублга етган[4]. Бу ҳол кейинчалик Туркистонда пахта майдонларининг янада кенгайиши, Фарғона вилоятини

[2] Ган. О. Промышленность и торговля, - М., 1913, № 1. - С. 31.
[3] Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. Библиотека хлопкового дела. Кн. 3. Изд. 2. - М., 1926. - С.84.
[4] История Узбекской ССР. Т. 2. - Ташкент, 1956. - С. 209.

асосан пахтачиликка ихтисослашишига олиб келди. Бу вилоят ўлка бўйича етиштирилган хом ашёнинг 80 %ни берган[1].

Туркистонда пахтачиликнинг тез суръатлар билан ривожланишига Россия империясининг четдан олиб келаётган пахта учун тўланаётган божнинг мунтазам ошиб бораётганлиги ҳам сабаб бўлди. Россия тўқимачилик саноати пахтага бўлган эҳтиёжини асосан Туркистон пахтаси ҳисобига қондиришга мажбур қилди. Натижада, биргина Фарғона водийсида пахтадан 1900 йили беш миллион пуд пахта толаси олинган. У Россия саноати эҳтиёжининг учдан бир қисмини қондирган[2]. Шу йили вилоятда 186326 десятина ерга пахта экилган бўлса, 1915 йилда у 336525 десятинани ташкил этган[3].

Туркистон пахтаси асосан маҳаллий бозорлардан сотиб олинган. Пахта бозорларга чигитдан ажратилмаган ҳолда, баъзан тола ҳолида келтирилган. Савдо марказлари асосан шаҳарларда жойлашган бўлиб, бу ерларда товарлар учун йирик омборлар қуриб олишиб, улгуржи савдо билан шуғулланган савдогарлар яшашган. Ҳосил етилган мавсумларда бозорлар гавжум бўлиб, пахта, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва сотиб олувчилар қизғин савдо қилишган. Қишлоқларда эса, савдогарлар бозорлардан узоқда жойлашган чекка қишлоқларга ҳам боришиб, у ерлардан пахта сотиб олишган. Олди-сотди жараёнида савдогарлар пахтани арзон нархда олишга, тарозидан уришга, қайтимини бермасликка, деҳқонларнинг ҳисоб-китобда чаласаводлигидан фойдаланиб уларни алдашга ҳаракат қилишган. Ўз навбатида деҳқонлар ҳам савдо пайтида иложи борича ўз пахталарининг тошини ошириш мақсадида унга тош, тупроқ, сув аралаштиришга ҳаракат қилишган. Бундай ҳол пахтанинг сифатини пасайтириб, стандарт талабларига жавоб бермайдиган ҳолга тушириб қўйган.

---

[1] Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. -Асхабад, 1913. - С. 45.
[2] Зиёев Ҳ.З. Ўзбекистон мустамлака ва зулм искажасида. - Т., 2006. – Б.94.
[3] Ўша ерда. – Б. 109.

Бу айни пайтда, тўқимачилик саноати эгаларининг ўлка пахтасига бўлган ишончига путур етказган.

Маҳаллий аҳолининг соддалиги ва саводсизлиги оқибатида пахта бозорининг ҳақиқий савдо баҳосини билиш ва уни ажрата олиш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли пахта савдоси жараёнида савдогарлар қўйган шартларга кўниш ёки бозор нархларига бўйсунишга мажбур эдилар. Бундай шароитда марказ фабрикалари ва пахта етиштирилган жойлардаги баҳо ўртасидаги фаркдан тушган фойда (ташиш жараёнидаги қўшимча харажатларни чиқариб ташлаганда ҳам) Туркистон пахтасини олиб-сотиш билан шуғулланган даллоллар қўлига тушган. Туркистон пахтасининг асосий қисми темир йўллар орқали олиб кетилган. Шунингдек Хива хонлигидан ҳам пахта Орол денгизи бўйлаб Казалинскка келтирилган.

Фарғона вилоятида пахта етиштириш билан бир каторда, пахта савдоси ҳам тез ривожланиб, пахта билан савдо қилувчи савдо уйлари пайдо бўлди. Жумладан, 1906 йил 15 ноябрда Қўқонда очилган Қўқон биржа қўмитаси асосан пахта савдоси билан шуғулланган. «Л.Кноп савдо уйи» бу қўмитани тузишда асосий ташкилотчи бўлган. Бу савдо уйининг асосчиси немис барони Л.Г. Кноп, у 1841 йили Москвага келиб рус фуқаролигини қабул қилган. Савдо уйининг фаолияти 1852 йилдан бошланиб, у пахта, ип-газлама, қанд ва турли жиҳозлар савдоси билан шуғулланган. «Л.Кноп савдо уйи» Туркистонда пахта тозалаш саноати ва пахта савдосининг ривожланишига маълум даражада хисса қўшди.

XIX асрнинг 90 йилларида «Л.Кноп» савдо уйи, Ўрта Осиёда пахта савдоси билан шуғуллана бошлади. 1888 йили фирма вакиллари ҳарбий министрликка мурожат қилиб, Туркистон ўлкасида кўчмас мулкларни сотиб олишга рухсат беришларини сўрадилар[1]. Кноплар рус фуқаролигини қабул қилганлиги сабабли, хукумат уларнинг илтимосини қондирди. «Л.Кноп савдо уйи» Андижон ва Наманганда ўз бўлимларини очиб, пахта савдосига

[1] ЎРМДА, 1-жамғарма, 11- рўйхат, 1553- иш, 4 - 4 варроқнинг орқа томони, 7 - варак

ихтисослашган бошқа фирмалар билан алоқа ўрнатди. Кейинчалик ўзининг пахта-тозалаш, ёғ-мой ва совун заводларини ишга туширди. Бу заводлар йилига ўртача 3 млн. рубл фойда келтира бошлади. Ширкатнинг бир йиллик даромади 15-16 млн. рублни ташкил қилди[1].

XX аср бошларида «Л.Кноп» савдо уйи бир қатор банкларнинг акцияларини катта қисмини сотиб олди. Унинг аъзолари банк бошқарувчилари ҳамда раислари бўлдилар. Масалан, Ф.Л.Кноп Рус-Хитой банки кенгашининг ва Москва савдо банкининг раиси, А.Л.Кноп Москва ҳисобот банкининг раиси бўлди[2]. 1912 йили «Л.Кноп» савдо уйи «Потеляхов савдо-саноат ширкати»ни бошқарди. У Биринчи жаҳон уруши арафасида пахта билан шуғулланувчи йирик монополистик бирлашмага айланди. 1916 йилнинг мартида «Л.Кноп» савдо уйи «Волокно» савдо-саноат ширкатига айланиб, савдо уйининг барча корхоналари унинг ихтиёрига ўтгач, у ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан ҳар йили 3,3 млн. рубл миқдорида пахта сотган[3].

Рус савдогарларидан ташқари, Р.Ш.Потеляхов, Я.Х.Вадьяев, М.Мўминбоев каби маҳаллий савдогарлар ҳам қўмита ъзолари бўлишган. Биржа Россиянинг марказий районларида жойлашган турли фирма ва савдо агентликлари билан алоқа ўрнатиб, улар ўртасида даллоллик вазифасини ҳам бажарган. Бундан ташқари, биржа пахта савдосига доир умумий қоидаларни ишлаб чиқиш, ўлкада янги пахта тозалаш заводларини очиш пахтани белгиланган маконга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш, савдо ва саноат шартномаларини бажарилишини назорат қилиш, ирригация ишларини йўлга қўйиш ва пахтани экишни кенгайтириш ишларини бажарган.

[1]УзРМДА, 1-жамғарма, 17- рўйхат, 884- иш, 28, 29 - вараклар.
[2]Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. Т: 2008. Б -145.
[3]Вексельман М.И Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (крн.XIX-нач.XXв.)-Т.1987 - С.37.

Пахта савдоси билан шуғулланувчилар ўзларининг иш фаолиятларига кўра уч тоифага[1] бўлинган:

Биринчи тоифага Ака-ука Вадьяевлар, Потеляхов, Ю.Давидов, Фузаилов, Юсуфбоев, Аушев ва бошқаларнинг йирик маҳаллий савдо фирмалари кирган. Бир неча заводларга эга бўлган бу фирмалар кисман банклар билан ҳам ҳамкорлик қилишган;

Иккинчи тоифага чет эл капитали билан ҳамкорлик қилган Ака-ука Крафтлар ва Кнопларнинг фирмалари кирган;

Учинчи тоифага сон жиҳатидан муҳим бўлган ва рус банклари маблағларига таянган Москва, Халкаро, Москва-Савдогар, Москва-Ҳисоб, Рус-Осиё ва бошқа йирик ҳисоб-китоб банклари, шунингдек, Шлоссберг ва Адам Оссер фирмалари ҳамда Лодз банклари маблағлари ҳисобига ишлайдиган кўплаб Лодз савдогарлари кирган. Булардан ташқари, йирик Москва банклари маблағи ҳисобига ишлаган Эрон ва Ўрта Осиё билан савдо ва саноат ишларида ҳамкорлик қилувчи ширкатлар, Москва савдо-саноат ширкати, Андреев ширкати ва бошқалар кирган. Ширкатлар тозаланган ва тойланган пахта толаларини Россиянинг Марказий районларида жойлашган йирик фирмаларга жўнатишдан ташқари, у ердан Туркистонга, дон, ун, чой, шакар, қурилиш материаллари, ип-газлама ва темир-чўян олиб келиш билан ҳам шуғулланган.

Пахта савдоси билан нафақат рус ва поляк савдогарларидан балки, 1900 йиллардан бошлаб хорижий ишбилармонлар ҳам шуғуллана бошладилар. Жумладан, парижлик йирик савдогар Альберт Гюбнер ҳар йили ўлкага ўзининг ишончли кишиларини пахта сотиб олиш учун жўнатган. Қўқонда ташкил этилган 25 та фирма қишлоқларда пахта сотиб олиш билан шуғулланган. Айникса июл ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, бу ерга турли фирма ва фабрика вакиллари келишган. Улар келганда савдо яна ҳам

[1] Алимов. А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.в.)... - С.99 - 100; Потапова Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX –нач.XX вв). Дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 2002. - С.127.

жонланиб кетар эди. Бу даврда савдо битимлари бир неча миллион рублни ташкил этган[1].

Ўлканинг катта иктисодий имкониятларини кўрган чет эл капиталистлари рус капитали билан ҳамкорликда қўшма банклар ташкил эта бошладилар. Шулардан бири, 1903 — йили Москва саноат капитали банки билан ҳамкорликда тузилган француз тижорат банки бўлиб, у асосий эътиборини пахта ва мануфактура маҳсулотлари билан савдо қилишга каратди. Бу қўшма банк иккинчи даражали пахтачилик ширкатларини маблағ билан таъминлаш учун Туркистонда ўзининг хусусий савдо ширкатини тузди. “Эрон ва Ўрта Осиё учун савдо қилувчи ширкат” деб номланган бу ширкат 2 млн. рубллик маблағга эга бўлиб, у пахта, тери ва ўлка билан чегарадош бўлган мамлакатларнинг пахтачилик районларида мануфактура махсулотлари билан самарали савдо қилди[2].

Бу даврда Фарғона вилоятининг Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон каби шаҳарларида пахта савдосининг йирик марказлари вужудга келди. Бу шаҳарларда тижорат банкларининг бўлимлари, махсус савдо фирмалари ҳамда юк ташувчи идоралар очилган. Масалан, 1910 йилда Қўқонда ва Марғилонда 7 тадан, Андижонда 13 та пахта сотиб оладиган махсус савдо идоралари бўлган. Қўқонда саноат молларини сотувчи яна 9 та махсус савдо фирмаси очилган. Қўқонда ҳаммаси бўлиб катта-кичик 113 та, Андижонда 66 та, Наманганда 63 та шундай дўкон бўлган[3]. Фаргонада бундай дўконлар шаҳарлардагина эмас, балки йирик-йирик кишлоқларда ҳам очилган. XX аср бошларида Фарғона вилояти асосан пахта етиштиришга ихтисослашиб, 1912 йили бу ерда жами товар пахта толасининг 59,5 %, 1913 йилда эса 62,2 % етказиб берилди[4]. Туркистондаги пахта заводларининг кўпчилиги чигитли

[1] Круковская С.М. Встречи с Кокандом. -Т., 1977. -С.63-64.
[2] Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. .. Б -138.
[3] Ўзбекистон ССР тарихи. I-жилд. II китоб. -Т., 1957. — Б.243 - 244.
[4] Ўша ерда. – Б.243.

пахтани бевосита ўзлари сотиб олишган. Пахта олиб сотишдан келадиган даромад пахтага ишлов беришдан келадиган даромаддан кам бўлмаган.

Пахта етиштириш ва пахта тозалаш саноати, улар орқали эса Туркистон халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари асосан «Катта Ярославль мануфактураси»[1], «Москва савдо-саноат ширкати», «Ака-ука Шлосберглар ширкати», «Вл.Алексеев ширкати», «Э.Циндель акционерлар жамияти», «Ака-ука Крафтлар ширкати», «Учбурчак ширкати» каби йирик монополистик савдо-саноат компанияларга тегишли бўлган.

«Проводник» ва «Треугольник» ширкатларининг калишларига маҳаллий аҳоли ўртасида талаб катта бўлган. Гарднер ва Кузнецовларнинг чинни заводлари маҳаллий аҳоли дидига мос келадиган гулли пиёла, коса, чойнак ва чилимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Нобель нефт фирмаси ва тикиш машиналари ишлаб чикарадиган Зингер фирмаси махсулотларига маҳаллий аҳоли ўртасида талаб катта бўлган.

Фарғона водийсида савдо ва саноат ишларини янада ривожлантириш мақсадида 1908 йили Қўқон биржа комитети тузилди. Комитетнинг раиси қилиб, келиб чиқиши австриялик бўлган қўқонлик савдогар А.И.Зигель тайинланган. Биржанинг аъзолари таркибига кўконлик 1-гилдия савдогари Я.Х.Вадьяев, Рус-Осиё банкининг директори С.А.Кнабе ва Шлиссельбург мануфактура ширкатининг вакили В.Э.Кох, шунингдек йирик банклар, мануфактуралар, савдо фирмалари вакиллари ҳамда айрим капиталистлар кирган[2]. Айни пайтда, Қўқонда турли тижорат фирмалари сонининг ортиб бориши, бу ерда савдогарлар ҳам кўпайиб боришига қулай шароит яратди. Натижада Қўқон савдо соҳасида Фарғона вилоятида биринчи ўринга, Туркистон бўйича эса иккинчи ўринга чиқиб олди. Вилоят савдо айланмасининг қарийб 41,3% и шу шаҳарга тўғри келарди[3].

[1] Потапова Н.Ю.История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX-нач.XX вв.)... - С.128.
[2] Круковская С.М. Встречи с Кокандом... - С. - 68 - 69.
[3] Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. - СПб., 1911. - С.299.

Туркистон ўлкасининг ички савдо ишларида Фарғона вилояти етакчи ўринда турган. 1908 йили вилоят бўйича 26481 кишига савдо қилиш ҳуқуқини берувчи 303864 рублик гувоҳнома берилган[1]. Уларнинг асосий қисми пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган. Савдо ишларининг яхши йўлга қўйилиши натижасида вилоятдан 1908 йили 5418437 пуд ёки 60000000 – 65000000 рубллик пахта, 2809431 пуд чигит, 83914 пуд ипак, 277671 пуд майиз ва қуритилган мевалар, 187500 пуд қўй жуни ва териси, 455077 пуд пахта ёғи ва бошқалар олиб кетилган. 1908 йили ўлкага асосан 4420242 пуд буғдой, 701986 пуд арпа, 762570 пуд гуруч, 1607707 пуд буғдой уни, 625217 пуд мануфактура маҳсулотлари, 230727 пуд қора ва кўк чой, 427926 пуд шакар, 725096 пуд керосин ва бошқа нарсалар олиб келинган. Вилоятга Еттисув ва Сирдарё вилоятларидан, Хитой ва Бухородан кўп микдорда чорва моллари (асосан қўй) олиб келинган[2].

Фарғона вилоятининг Андижон, Наманган, Марғилон каби йирик шаҳарларида савдо пунктлари очилган. Қўқон шаҳри Туркистоннинг йирик савдо маркази ҳисобланган. Бу ерда йирик божхона бўлиб, бу ерда Фарғонадан Терек довон ва Эргаштом орқали Қашқарга жўнатиладиган товарлар рўйхатдан ўтказилган[3].

Фарғона вилоятига четдан кўплаб чорва моллари келтирилган. Жумладан, 1908 йили Фарғонага 548310 бош чорва моллари (шундан 526000 боши қўй ва эчкилар) олиб келинган. Уларнинг 450000 бошдан кўпроғи Кугарт, Афлотун, Қоракўл, Ясси ва бошқа довонлар орқали Еттисув ва Сирдарё вилоятларидан келтирилган[4]. Шундай қилиб, аҳолиси зич жойлашган Фарғона вилоятида пахтадан келадиган даромад эвазига чорва моллари, нон, мануфактура маҳсулотлари, чой, шакар ва бошқа товарлар сотиладиган йирик бозорлар вужудга келган.

[1] Масальский В.И. Туркестанский край. Т. XIX. - СПб., 1913. - С. - 548.
[2] Ўша ерда.
[3] Ўша ерда. - С. -545.
[4] Ўша ерда. - С -548.

Қўқон шаҳри бозорларида дўконлар кўп бўлиб, бу ерда бошқа шаҳарларга нисбатан кўплаб савдо расталари қурилган. Агар 1910 йили Андижонда 1411 та, Марғилонда 1480 дўкон бўлган бўлса, Қўқонда эса уларнинг сони 5000 тага етган. Шу йили Қўқонда 113 та йирик дўкон бўлган. Шаҳарда мануфактура маҳсулотлари билан савдо қилган фирмаларнинг сони 19 тага етган[1]. Йирик капиталистлардан ака-ука Вадьяевлар, Р.Т.Потеляхов, Якуб ва Хаим Симхаевлар мануфактура маҳсулотлари билан савдо қилишган. Маҳаллий савдогарлар Ёқуб Илёсов, Ю.Ягудаев ва ака-ука М.Зиёевларнинг ҳам мануфактура маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлари бўлган.

Қўқонлик савдогарлар Юсуф Давидов ва С.Исохоновларнинг савдо уйлари кўтара савдо билан шуғулланган. Мануфактура маҳсулотлари билан кўтара савдо қилувчи маҳаллий савдогарлар билан биргаликда Россия тўқимачилик фабрикаларининг эгалари ҳам Қўқонда ўзларининг идораларини очиб, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишган. Улар орасида Прохоровский мануфактураси (Москва), Твер мануфактураси, Шлиссербург мануфактураси (Питербург), Катта Ярославль мануфактураси, М.Коноваловлар, Н.Н.Полушин ва Э.Цинделлар мануфактуралари етакчи ўринни эгаллаганлар.

Пахта майдонларининг мунтазам кенгайиб бориши дон ва чорва маҳсулотларининг камайишига, бу ўз навбатида вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислигига олиб келди. Бозорларда пахтага талабнинг ошиб бориши туфайли Фарғона вилояти аҳолиси ўз томорқаларига кўпроқ пахта эка бошладилар. Дон эса темир йўллар орқали Россиянинг марказий районларидан келтирила бошланди. Бу вилоятнинг Марказга қарамлигини кучайтирди. Бироқ, 1912- йилга келиб ўлкага дон келтириш олдинги йиллардагидан деярли 50 %га қисқарди. Бунга маълум даражада Россиянинг марказий районларида юз берган қурғоқчиликлар ҳамда савдо ширкатлари ва

[1] Круковская С.М. Встречи с Кокандом... -С.- 62.

банклар ўртасидаги номутоносибликлар ҳам сабаб бўлди. Ўлкада донли экинларга бўлган талабнинг ортиб бориши деҳқонларни ўз томорқаларига бундай экинларни экишга мажбур қилди.

Бу даврда Туркистон ўлкасининг Россияга қарамлиги кучайиши оқибатида Фарғона водийсида озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб борганлигини тарихчи Исҳоқхон Ибрат қуйидагича таърифлайди: «Русия давлатида бўлгандан буён неча даража тижорат ва зироат ишлари муравваж бўлуб, темир йўллар иншоси воситаси илан ҳамма ишлари осон бўлуб, даҳоқинлари аксариятда пахта зироати илан ривожланиб, пахта тижорати бўлак ишлардан ривожда бўлуб, мунинг фойдасига алдонуб, зироати миллийлари – бугдой, жувари, арпа экмоқ йўқ бўлиб, овқатга сарф бўладургон донларни экишларини эсларидан чиқариб, 1913 мелодийда пахта зироати ва тижоратига урунган кишилар қарз дарёсига ғарқ бўлганларини мушоҳада қилиб, эмди ақаллият илан аввалғи экинларга муҳаббат қилиб, авқот экмоққа тушдилар[1] ».

Ўлкада товар-пул муносабатларининг ривожланиб бориши деҳқон хўжаликларида пахта ёки дон маҳсулотларидан ташқари узумчилик, боғдорчилик ва ипакчилик тармоқларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, Фарғона вилоятида 1894 йили 5921 десятина ерга, 1906 - йилда 8525 десятина ерга узум экилган. 12 йил ичида узум экиладиган ерлар 40 %га кўпайган[2].

Туркистонда етиштирилган узумнинг катта қисми Россияга олиб кетилган. Масалан, 1906 йили 2261520 пуд узум олиб кетилган бўлса, 1907 йили у 5961210 пудга етган, яъни 2,6 маротаба ўсган. Биринчи жаҳон уруши арафасида олиб кетилган узум 42165720 рублни, ёки жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 8,49 %ини ташкил қилган[3].

---

[1] Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос туркумида. – Тошкент: «Камалак», 1991.- Б.284.
[2] Бабаханов М. Предпосылки революционного союза трудящихся Туркестанского края с российским пролетариатом. Душанбе. «Ирфон», 1975. – С. 28.
[3] Ўша ерда.–С. 29

Фарғона вилоятида боғдорчилик кенг миқиёсда ривожланганлиги сабабли қуритилган мевалар экспортга чиқариладиган маҳсулотлар ичида муҳим ўрин эгаллар эди. Масалан, 1907 йилнинг ўзида Буюк Британия ва Германия Фарғона вилоятидан 533727 пуд хўл (янги) мева, яъни ўрик ва шафтоли харид қилиб олган. Ўша йили фақат Мелниково станциясидан Ўрта Осиё темир йўли орқали 297577 пуд қуритилган ўрик жўнатилган эди[1].

1913 - йили ёзидан бошлаб темир йўллар орқали Россияга катта миқдорда гилос ва шафтолини жўнатиш йўлга қўйилди. Москвага хўл меваларга талаб катта бўлган. Шу туфайли ўлкадан олиб кетиладиган хўл меваларнинг сифатини сақлашга алоҳида эътибор берилган. Олиб келинган мевалар орасида эрта пишар узум ва шафтоли анча қиммат нархда сотилган[2]. Бу даврда Туркистонда етиштирилган қуруқ меваларнинг Россия бозорларидан ташқари, Европа бозорларига чиқаришга эътибор кучайган. Ўрта Осиё темир йўли маълумотларига кўра, 1890 йили 39 минг пуд, 1914 йили 474397 пуд қуритилган мева олиб кетилган[3]. Масалан, 1902 йили биргина Мельниково станциясидан 228 минг пуд қуруқ мева олиб кетилган бўлса, 1915 йили у 413263 пудга етган. Олиб кетилган қуруқ меванинг 60 % Исфара волостига тўғри келган[4]. Исфарага ҳар йили Россиядан кўплаб саноатчилар келишган. Улар қуритилган меваларни саралаб, Россияга жўнатишган[5]. Шундай қилиб, Ўрта Осиё темир йўлидан 1890 йилдан 1914 йилгача қуритилган меваларни олиб кетиш 17 мартагача кўпайган.

Боғдорчиликнинг нисбатан сердаромад эканлигини кўришган В.Алексеев, Тремле, Плесне, Кручков ва бошқаларнинг савдо уйлари ҳам бу соҳа билан шуғулланишган. Улар Тошкент ва Ашхободда махсус кўчатзорлар ташкил қилишиб, бу кўчатзорлар ёрдамида Туркистонда йирик боғдорчилик хўжаликлари ташкил қилишган. Биргина В.Алексеев

---

[1] Плодоводство. Вестник юбилейной Туркестанской выставки. 1909 // Туркестанский сборник. Т. 511.-С. 183.
[2] Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана... –С.45
[3] Немченко М.А. Динамика Туркестанского хозяйства. -Полторацк (Асхабад). 1926. -С. 14.
[4] Ўша ерда.
[5] Оглобин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана... - С.17.

фирмасининг 400 десятинага яқин боғлари бўлиб, фирма бу боғларнинг ҳар десятинасидан 1500 рублгача соф фойда олган. Боғдорчиликка тажрибали маҳаллий богбонлар жалб этилган. Шундай қилиб, ўлкада боғдорчилик ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори, Россиянинг товар-пул ва капиталистик муносабатлари билан боғланди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, вилоятда пахта яккаҳокимлигининг қарор топиши қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари сингари боғдорчиликка ҳам салбий таъсир кўрсатди. Кўплаб боглар йўқ килиниб, пахтазорга айлантирилди. Фарғона вилоятида боғ майдонлари 1906 йили 10740 десятинани ташкил этган бўлса, 1909 йили бу кўрсаткич 9090 десятинани[1], 1913 йили эса 7790 десятинани ташкил этди[2].

Туркистонда ипакчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, уни метрополия манфаатларига тўла мослаштиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда биргина Фарғона вилоятининг ўзида 304 та ипакчилик пунктлари ташкил этилди[3]. Ипакчиликнинг асосий марказлари Қўқон ва Марғилон шаҳарлари бўлиб, Марғилон шаҳрида яшаган 26 минг аҳолидан 2 минг нафари ипакчилик билан шуғулланган[4]. Бу соҳада асосан аёллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Масалан, 1901 йилда Марғилонда 9669 уй бекасидан 1638 таси (16%) ипакчилик билан шуғулланган[5]. Архив манбаларининг гувоҳлик беришича, Наманган ва Чуст шаҳарлари ҳам ипакчилик соҳасида ўрин тутган. 1896 йили бу шаҳарлар аҳолиси ипакчиликдан 100000 рублдан ошиқ даромад олишган. Кўрилган тадбирлар натижасида, 1890 йили Фарғона вилоятида 40000 пуд ипак тола тайёрланган бўлса, 1907 йилга келиб унинг ҳажми 180000 пудга етган, ёки 4,5 марта кўпайган[6]. Вилоятда етиштирилган пилланинг 1/3 қисмигина маҳаллий ҳунармандчилик корхоналарида қайта ишланган.

---

[1] Тимаев К. Садоводство и виноградоводство в Фергане // Туркестанский сборник. Т. 508. - С.151.
[2] Статистический обзор Ферганской области за 1913 г. - Скобелев. 1916. – С.40.
[3] Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана. –СПб., 1909. – С. 9.
[4] Полевицкий А. Туркестанский край. -Екатеринодар, 1890. - С.41.
[5] ЎзР МДА, 19- жамғарма, 1-рўйхат, 1170-иш, 181 - варақ.
[6] ЎзР МДА, И-87- жамғарма, 1-рўйхат, 277, 24-иш, 34 - 35 - варақ.

Туркистонда ипак ишлаб чиқариш кўпайиши натижасида, унинг катта қисми фирмалар томонидан сотиб олиниб Россияга жўнатилган. Биргина Фарғона вилоятида 3 та шундай фирма фаолият кўрсатган. Улар орасида Туманьянц фирмаси энг кўп ипак сотиб олган. Бу фирма томонидан сотиб олинган ипак асосан Россия ва Европа бозорларига чиқарилган[1].

Четга чиқариладиган ипак темир йўл транспорти орқали олиб кетилган. 1906 йили эса темир йўл орқали олиб кетилган ипак 103996 пудни ташкил этган. 1907 йили бу миқдор нисбатан камайиб, 100149 пудга тушган[2]. 1907 йили баҳорнинг серёмғир ва совуқ келиши сабабли ипак қуртлари касалланиши оқибатида, пилла ҳосили кам етиштирилган[3]. Вилоятда 1906 йилга нисбатан 1907 йили ипакнинг кам тайёрланиши ва унинг катта қисмини четга чиқарилиши ички бозорга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, 1906 йили Марғилонда бир пуд пилла 13,5 рублдан 19 рублгача кўтарилган бўлса, 1907 йилга келиб 23-25 рублдан сотилган[4].

Туркистон ипаги Россиянинг Европа қисмига калава ҳолида олиб кетилган. Туркистон ипагини сотиб олиш билан кўпроқ французлар шуғулланишган. Ўша давр маълумотларига кўра, Туркистон ипаги Россия орқали Германия, Австрия-Венгрия, Италия, Константинопол[5] ва Францияга экспорт қилинган. Француз савдогарлари Туркистондан келган ипакнинг катта қисмини Франциянинг жанубига, Марселга жўнатишган[6].

Фарғона водийсида яшаган ўтроқ аҳоли тоғ ён бағирларида яшаган кўчманчи аҳоли билан савдо алоқаларини яхши йўлга қўйишган. Асосан чорвачилик билан шуғулланишган қирғизлар шаҳарларга келишиб, чорва маҳсулотларини сотишган ва бу ердаги савдо уйларидан уй рўзғор буюмлари ва асбоб–ускуналар сотиб олишган. Масалан, 1905 йили Ўш уездидаги 812

---

[1] Статитический обзор Ферганской области за 1904 год. – Новый Маргелан, 1905. - С. 31.
[2] Малаховский Н.И. Производственные силы Туркестана.. – С. 16.
[3] Зиёев Ҳ.. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. - Т.: Шарқ, 2006. – Б 160.
[4] Тимаев К. Торговля в Ферганской области. Туркестанский курьер 1909 // Туркестанский сборник. Т. 508. - С.140.
[5] Ежегодник Ферганской области.Новый Маргелан. Т.I. Вып. 1902 -С.190-191
[6] Оглоблин В. .Н. Промышленность и торговля Туркестана... - С. 46.

савдо дўконларидан 85 таси (10,5 %) чорва моллари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, шунингдек ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган[1]. Наманган уездида 1911 йили 6688 савдо корхонасидан 1098 (14,9 %) таси чорва маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланган. Шулардан 309 таси уезд қишлоқларида жойлашган[2].

Чорва маҳсулотлари билан савдо қилиш яхши самара беришини сезишган судхўрлар бу соҳага ҳам суқулиб киришиб, уни яхшигина даромад манбаига айлантиришган. Масалан, Ўш уездининг Ўзган қишлоғида яшаган терифуруш М.Абдухолиқовнинг 1915 йили йиллик пул муомаласи 10 минг рублни ташкил қилган[3]. Г.Дюршмиднинг Ўш уезди Имом-Отин (Имам-Атинской) волостидаги савдо корхонаси (бош идораси Тошкентда жойлашган) ошланган қўй терисини сотиб олиш билан шуғулланган. Бу корхонанинг III – разрядга эга бўлган гумаштаси хом - ашё савдосини яхши тушунган ходимларни ёллаб турган. Корхонанинг хусусий омборхонаси бўлиб, унинг йиллик пул муомаласи 29 минг рублни ташкил этган. Яна бир Ўшлик савдогар М.Ҳамдамбоев хом-ашё ва тери сотиб олиш билан шуғулланган. Унинг йиллик пул муомаласи 50 минг рублни ташкил қилган[4].

XX асрнинг бошларида Туркистонда савдо-саноат ишларининг ривожланиши Фарғона вилоятида ҳам бозорларнинг кўпайишига таъсир кўрсатди. Агар улар 1908 йилда 78 та бўлган бўлса, 1914 йилда 90 тага етди. Бозорлар ўртача 5-20 кмгача масофа оралиғида жойлашган бўлиб, уларда турли мамлакатлардан келтирилган товарлар билан савдо қилинган. Вилоятда бозорлар барча шаҳарларда, шунингдек, Жалолобод, Ўзган, Бозорқўрғон, Қорасув, Аравон, Учқўрғон, Мади, Эски Новкат каби йирик қишлоқларда ҳам бўлган. Бу бозорларда ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида савдо алоқалари кенг йўлга қўйилган.

---

1 Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана... - С. 46..
2 Статистический обзор Ферганской области за 1911г. – С. 69-74.
3 Джаманкараев А.Б. Развитие торговли в Киргизии в конце XIX —начале XX в... - С. 108.
4 Ўша ерда.

Фарғона водийсига темир йўлнинг кириб келиши бу ерга кўплаб чет эл капиталининг ҳам жалб қилинишига имкон яратди. Чет эл капиталистлари дастлаб ўз эътиборларини вилоятнинг кончилик соҳаларига қаратдилар. Жумладан, «Ака-ука Нобеллар» ширкати «Челекен» оролидан кейин Фарғона водийсидаги нефть конларига ҳам кўз тика бошлади. Ширкатнинг бу ҳаракатларини Туркистон генерал-губернаторлиги ҳам маълум даражада қўллаб қувватлаб турган. Бу фикрни генерал-губернатор Вревскийнинг 1893 йили Янги йил базмига таклиф килинган меҳмонлари ичида Э.Г.Нобель ва унинг ҳамюрти сайёҳ Свен Гединлар ҳам бўлишганлиги[1] ҳам тасдиқлайди. Свен Гедин Нобеллар оиласининг якин кишиси бўлиб, сайёҳнинг 1893-97 йилларда Туркистон ва Қашғар ўлкаларига қилган саёҳати давомида Нобеллар унга катта молиявий ёрдам кўрсатган[2].

Туркистон генерал-губернаторлигининг 1897 йилги, Туркистон ўлкасида чет эл ширкатлари фаолиятини чеклаш тўғрисидаги фармойишидан кейин Нобеллар ширкати олдида хам бир қатор муаммолар вужудга келган. Бироқ, Нобелларнинг Россия империяси ҳукумати олдидаги мавқеи билан ҳисоблашишга мажбур бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ўлкада бу ширкатнинг фаолиятига йўл очиб берган. Нобеллар ширкати қиска вакт ичида Фарғона водийсида нефть конларини ишга туширишган. Бундан ташқари, ширкат ўлканинг деярли барча саноат марказларида ўзларининг ишончли ваколатхоналарини очиб, улар орқали нефть савдосини ҳам йўлга қўйган. Б.Пармузиннинг «Оловли қатламлар остидаги қурумлар» асарида таъкидланишича, ваколатхоналардан бири Тошкентнинг Уездная (ҳозирги Акмал Икромов) кўчасида жойлашган.

Ўлкага тобора чет эл сармоядорлари қизиқишларининг ортиб бораётганлиги рус ҳукуматига ёқмаганлигини амалдорларнинг ўзаро ёзишмаларидан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 1901 йили генерал-губернатор Иванов Россия харбий вазири Куропаткинга Қўқон музофотида

[1] Гедин Свен. В сердце Азии. В 2-х т. –Т. 1 -СПб изд. А.Ф. Девриена, 1899. – С.56.
[2] Ўша ерда. –С. 3, 22.

чет эл капитали билан шерикликда мис заводининг ишга туширилганлиги ҳақида маълумот берган. 1902 йил 29 сентябрда вазирнинг махфий жавоб хатида эса шундай дейилган: «Чет эл капиталининг фойдали эканлигига қўшилиб бўлмайди. Бу капиталнинг ишлатилиши туфайли, рус кишиларининг тўкилган қони эвазига босиб олинган Туркистон ўлкаси чет элликлар ва яҳудийларнинг чангалига тушиб қолади. Туркистоннинг яширин қуввати ва ер ости бойликлари руслар томонидан очилиши керак Чет эл капитали ёрдамида вужудга келган номдор корхоналардан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки, чет эллик «тадбиркор» товламачилар русларнинг ишончини қозонишиб, уларнинг мол-мулкларини қўлга киритиб оладилар, сўнгра бундай корхоналарни секингина тарқатиб юборадилар»[1].

1904 - 1905 йиллардаги рус-япон урушида Россиянинг мағлубияти уни Европа мамлакатларига молиявий қарамлигини кучайтирди. Натижада, Европа капиталининг Россия сармоядорлари ҳамкорлигида Туркистон ўлкасига, жумладан Фарғона водийсига кириб келиши жадаллашди. Ўлкада чет эл капитали ҳаракатининг фаоллашувидан хавотирланган Туркистон генерал-губернатори Самсонов 1911 йили: «ўлкадаги кўпгина корхоналар русларнинг эмас, чет элликларнинг қўлига ўтяпти»[2], деб ёзган эди. Буни олдини олиш мақсадида, у қуйидаги таклифни киритган: «Низомга кўра, акциядорлик жамияти ва корхоналар, ҳатто чет элликларнинг фаолиятига йўл очиш лозим, токи уларнинг фаолиятларида ўлка бойликларидан фойдаланишга доир мақсадлари аниқ кўриниб турсин, янги корхоналар ҳақиқий иш учун тузилган бўлсин»[3].

Бу маълумотлар Россия империяси ҳукумати маъмурларининг ўлкага чет эл капитали кириб келишини истамаганликларини, улар Туркистонни «фақат руслар мулки» бўлиб қолиши учун ҳаракат қилганликларидан далолат беради. Лекин бу жараёнлар кенгроқ таҳлил қилинса, Туркистонда

---

[1] ЎзРМДА, 1-жамғарма, 24-рўйхат, 1188-иш, 76-варақ.
[2] ЎзРМДА, 19-жамғарма, 1-рўйхат, 27820-иш, 3-варақ
[3] ЎзРМДА, 1-жамғарма, 27-рўйхат, 656-иш, 8-варақ

рус ва маҳаллий сармоядорлар томонидан тузилган барча ширкатларнинг иқтисодий салоҳияти чет эл молияси билан ҳамкорликдаги ширкатларникига нисбатан анча кучсизлиги кўзга ташланади. Бу ҳолни ҳукумат ҳам тан олишга мажбур бўлган. Ҳукумат чет эл капиталистлари билан ўзаро келишувчанлик йўлини тутиб, улар билан кенг ҳамкорлик қилгандагина Туркистоннинг табиий бойликларидан, хусусан Фарғона нефт конларидан самарали фойдаланиш мумкинлигини тушуниб етган эди.

Рус-Осиё банкининг акция капиталининг 75% чет элликларга тегишли бўлган. Рус ва немис капитали билан боғлиқ бўлган барча турдаги операцияларни бажарувчи қўшма банк, Москва савдогар банки инглиз, француз капитали билан боғлиқ бўлган Москва ҳисобот банки, Франк-немис капитали билан боғлиқ бўлган Азов-Дон коммерсант банки, Француз капитали билан боғлиқ бўлган Волжско-Камский банки, франк-герман капитали билан боғлиқ бўлган Сибир савдо банки фаолият кўрсатган. Қўқонда 9 та банк бўлимидан ташқари, пахта сотиб олувчи қуйидаги фирмалар: «Эрон савдо-саноат ширкати», «Ака-ука Крафтлар ширкати», «Андреев ширкати», «Ака-ука Кирковлар ширкати», «Потеляхов савдо уйи», «Ака-ука Вадьяевлар ширкати», «Катта Ярославль мануфактураси»нинг махсус идоралари бўлган. «Шарқ жамияти», «Кавказ ва Меркурий», «Россия жамияти», «Гергард ва Гей» каби юк ташишга ихтисослашган махсус идоралар Ўрта Осиёдан Россияга пахта ташиш ва Ўрта Осиёга саноат молларини олиб келиш билан шуғулланган[1].

Қўқон шаҳарининг иқтисодий ривожланиши банкларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, Қўқон банкларнинг сони бўйича Туркистонда етакчи ўринни эгаллаган. 1915 йили Қўқонда Давлат банкидан ташқари яна 11 та банк фаолият кўрсатган. Бундан ташқари Қўқонда учта алохида ер-участкалари савдо-сотик банклари: заём кредит банки, Нижегород-Самара ер

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. I-жилд. Иккинчи китоб. -Т., 1957. -Б.252

банки, Полтава ер банки, шунингдек бир қатор майда кредит ширкатлари бўлган[1].

Туркистондан четга катта микдорда қишлок хўжалиги маҳсулотлари чиқарилишига қарамасдан ўлка аҳолиси мунтазам қашшоқлашиб борди. Бу ҳол Биринчи жаҳон уруши йилларида яққол кўзга ташланди. Ўлкадан эса Россиянинг марказий районларига маҳсулот ташиб кетиш камаймади. 1914 – 1916 йилларда Россияга фронт эҳтиёжи баҳонасида 41 млн. пуд пахта, 3 млн. пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 471 минг пуд балиқ, 70 минг пуд от ёли ва думи, 2925 минг пуд жун, 737 туя, 13441 ўтов, 270 арава, 38004 кв. метр шолчалар ва бошқа нарсалар олиб кетилди. Қизил ярим ой жамияти эса 1916 йилда Туркистон халқидан 2400 минг рубль пул тўплаб, Россияга жўнатди[2].

Туркистондан мунтазам суратда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиб кетиш оқибатида ўлкада озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархи тобора ошиб борди. Бундай вазиятдан капиталистлар ва судхўрлар фойдаландилар. Туркестанское сельское хозяйство журнали мухбирининг Фарғонадан юборган маълумотига кўра, 1916 йилда «Умум қимматчилик кучайиб бораётган шароитда ип-газламаларнинг нархи ошиб борган. Агар озиқ-овқат маҳсулотлари 80-100 % кўтарилган бўлса, ип-газламаларнинг нархи эса 300-400 %га қимматлашди. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг асосан ип-газламалардан фойдаланиши назарда тутилса, унинг нархи чидаб бўлмайдиган даражада ошиши оқибатида мамлакат чинакам қашшоқликка юз тутгани кўзга ташланади»[3].

1916 йили ўлкада мардикорликка қарши норозилик ҳаракатларининг кучайиши йирик савдо уйлари ва саноатчиларни маълум даражада чўчитиб қўйди. Туркистондаги нотинчликлар ёмон оқибатларни келтириб чиқаришини сезган Потеляхов ўзига тегишли савдо уйининг 30 миллион

---

[1] Круковская С.М. Встречи с Кокандом... - С.67-68.
[2] Мустабид тузуминг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари Б.156.
[3] Туркестанское селское хозяйство. 1916. № 17. – С. 475.

рубллик 2400 та акциясини Германия фуқоросига сотган. У 1917 йили тўхтаб қолган пахта тозалаш заводини сотиб олиб, 213 вагон пахта толаси тайёрлади. Бундан ташқари, Потеляхов ширкати уруш туфайли нархи ошиб бораётган пахта толасини ўз омборларида ушлаб турди. Натижада 1916 йили 96 рубл турган пахта толасининг ҳар пудини 1917 йили 118 рублдан сотган. Бу қилмишлари учун Потеляхов ВЧК томонидан қамоққа олинган[1]. Р.Потеляховнинг укаси Натаниэль уни катта пуллар эвазига озод қилишлари учун ҳаракат қилган. ВЧК бошлиғи Ф.Держинский 26 ноябрда Авенесовга юборган справкасида уни бир неча миллион пуд пахта эвазига озод қилингани баён этилган. Потеляхов озод қилингандан кейин бир мунча вақт Бухоро амирлигида яшаб, кейин чет элга кетган[2].

Россия ва Европа бозорларида пахтага талаб тобора ошиб борди. Биринчи жаҳон уруши бошларида ўз қийматига кўра пахта ўлкада ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлранинг 40 %ни, четга чиқариладиган барча маҳсулотларнинг 80 %ни ташкил қилар эди. Бу эса Россия саноатининг пахтага бўлган эҳтиёжининг 50 %га яқинини қопларди, холос. Уруш туфайли Ливерпуль пахта ярмаркасидан Россияга пахта кириши қисқарди. Айни пайтда Кавказ ортидан пахта келиши ҳам камайди. Шу туфайли Ўрта Осиё пахтасига талаб ошиши натижасида пахтанинг баҳоси кўтарилиб кетди. 1915 йилнинг ёзида пахтага мажбурий қатъий баҳо белгиланиб, пахтанинг баҳоси пудига 30-31рублдан 24,05 рублга (тоннасига 1503 рубл) туширилди[3].

Пахтага қатъий нарх қўйилиши пахта билан ғалла нархи ўртасидаги фарқни янада ошириб юборди. Бундан ҳаммадан аввал пахтакор деҳқонлар кўпроқ зарар кўришди. Баъзи фирмалар пахтани белгиланган баҳода сотишдан бош тортдилар. Пахтакорлар пахта экиладиган майдонларни қисқартиришга тушдилар[4]. Бу ҳол пахтакорларнинг уруш даврига хос бўлган

---

[1] Из истории Всероссийской чрезвычайной комиссии 1917-1921 гг. Сборник документов. -М.: Гос. .изд. политической литературы, 1938. -С.220-221.
[2] Круковская С.М. Встречи с Кокандом... -С.75.
[3] Ўзбекистон ССР тарихи. I-жилд. Иккинчи китоб. -Т., -Б.1957. 393.
[4] Ўша ерда. -Б.393-394.

ғоят тез ўзгарувчан бозорга қарамлигининг кучайишига, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошишига, пахта ва ғалла баҳоси ўртасидаги нормал муносабатларнинг бузилишига, пахта етиштирувчи туманларда ғалла ва ем-хашак балансининг ёмонлашишига олиб келди. Туркистонда очарчилик хавфи вужудга келди. Жумладан, Қўқон биржа комитетининг маълумотларига кўра, Фарғона вилоятида 1916 йилда ғалла дефицити 12 - 14 миллион пудни ташкил қилган[1].

Урушдан аввалги 19 13 йилга нисбатан 1915 йилда нарх-наво ўрта ҳисоб билан икки баравар, 1916 йилда эса тўрт баравар ошди. Айниқса, Россиядан келтириладиган саноат моллари қимматлашиб кетди: 1916 йилда кантнинг нархи 250 % ва ундан ҳам кўпроқ ошди, кийим-кечакнинг нархи 200-300 %, оёқ кийимларининг нархи 300 - 400% ошди[2]. Нарх-навонинг кўтарилиб кетишини сезишган савдогарлар ва чайқовчилар тансиқ молларни яшира бошладилар. «Бозорда қанд, туз, тамаки топилмай қолди, ғалла ва картошканинг нархи жуда баланд, баъзи маҳсулотлар бозорда деярлик топилмайди», деб маълумот берган район мудофаа бўлими. Ўлка шаҳарларидаги озиқ - овқат магазинларида Россиянинг саноат шаҳарларидаги вазиятни эслатувчи узун-узун навбатлар тобора кўпроқ пайдо бўла бошлади. Мамлакатда чайқовчилик авж олди, бу эса озиқ-овқат ва саноат моллари сотиладиган бозорларга янада кучлироқ путур етказа бошлади. Ўлка маъмурияти Тошкентдан ва Тошкент уездидан турли-туман молларни зўр бериб Фарғонага жўнатилганини қайд қилади ва бу ҳодисани «Фарғона бозорларида шу молларнинг нархи жуда юқори, маҳаллий нархлардан 40-50 % баланд бўлганининг натижасидир» деб изоҳлайди[3].

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, Фарғона вилоятининг чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликлари товар ҳолатига ўта бошлаганлигини кўриш мумкин. XX асрнинг бошларида

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. I-жилд. Иккинчи китоб. -Т., -Б.1957. - Б.393.
[2] Ўша ерда. - Б.394.
[3] Ўша ерда. - Б.394 - 395.

Фарғона вилоятидан олиб кетилаётган пахта ва ип-газлама маҳсулотларидан кейин чорва маҳсулотлари турган.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш лозимки, бу даврда Туркистонга банк-кредит тизими, савдо биржалар, савдо-саноат ширкатлари, транспорт конторалари, завод–фабрикалар, акционерлик жамиятларининг кириб келиши маълум даражада иқтисодий ҳаётни жонланишига имкон яратди. Улар таъсирида ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларида товар-пул муносабатларини кенгайтириш, маҳаллий ресурслар, хом ашёни истеъмолга киритишни жадаллаштириш жараёни бошланди. Аммо, бу янгиликлар самарасидан асосан, уларнинг ташаббускори бўлган хорижий сармоядорлар ва метрополия фойдаланганлиги ҳамда иқтисодий мустақиллик йўқлиги сабабли мазкур ўзгаришлар маҳаллий аҳоли фаровонлигига ва иқтисодий тараққиётига эмас, балки метрополия эҳтиёжларини қондириш ҳамда хорижий сармоядорларни бойитишга хизмат қилди. Бундай шароитда ички эҳтиёжларни таъминлашда маҳаллий корхоналари ва бозорлар муҳим роль ўйнади.

XX аср бошларига келиб, Россия империясининг хом-ашё базаси ва тайёр махсулотлар бозорига айлантирилган Туркистонда ижтимоий табақаланиш ва жамият бойликларини бир гуруҳ мулкдорлар қўлида тўпланиши оқибатида меҳнаткаш аҳолининг аҳволи ниҳоятда оғирлашди.

Аср бошига келиб ҳунармандчилик соҳасида ўзгаришлар юз берди. Россия билан олиб борилган савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиши натижасида Европпа Россиясидан келтирилган саноат маҳсулотларидан ҳунармандчилик маҳсулотлари, айниқса тўқимачиликнинг йўқолиш даражасига келиб қолишига сабаб бўлди. Россиядан келтирилган тикув машиналари ва бошқа техникалар ўлкадаги ҳунармандчилик соҳаларини яъни, пичоқсозлик, наққошлик, гиламдўзлик, маҳсидўзлик, сополчилик соҳаларини санат даражасидаги кўринишини йўқотиш ҳолатига келтирди[1].

[1] Масальский В.И. Туркестанский край... Т. XIX. - С.-526.

Туркистоннинг табиий, моддий бойликлари, ишлаб чиқариш кучлари, халкнинг оғир жисмоний меҳнатининг самаралари империя хазинасини, мустамлакачи амалдорлар ва сармоядорлар чўнтагини тўлдиришга, уларни бойишига хизмат қилди. Бу бойликни яратган халқ эса мазлум, қолоқ ва қарам бўлиб қолаверди. Туркистон меҳнаткаш аҳолисининг ижтимоий аҳволини оғирлашишига банклар ва фирмаларнинг фаолиятлари ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

# ХУЛОСА

XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигида ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг жонланиши учун маълум даражада шароит вужудга келди. Хонлик ҳудудида жойлашган йирик шаҳарларда урбанизация жараёни тезлашди. Бу асосан Фарғона водийсига қўшни вилоятлар ва Шарқий Туркистондан келган ёлланма ишчилар ҳамда ўтроқлашиб борган кўчманчи аҳоли ҳисобига амалга ошди. Шаҳарларнинг кенгайиши натижасида аҳолининг катта қисми савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликни асосий касб қилиб олиб, деҳқончилик билан алоқаларини уза бошладилар.

Савдо-сотиқ ишлари ва ҳунармандчиликнинг ривожланиб бориши, савдо алоқаларини хонлик доирасидан чиқиб, қўшни Шарқ мамлакатлари ҳамда Россия билан тобора кучайиб боришига шароит яратди. Савдо-сотиқ ишларининг жонланиши шаҳарлар аҳолисини ҳунармандчиликнинг маълум соҳалари бўйича ихтисослашиш жараёнларини тезлаштирди.

Ўша даврлардаёқ вужудга кела бошлаган рақобат бозори Фарғона водийси ҳунармандларини мунтазам суратда ўз малакаларини ошириб боришга мажбур қилди. Шу туфайли улар тайёрлаган уй-рўзғор буюмлари ва тўқимачилик маҳсулотлари анча сифатли бўлиб, ички бозордан ташқари қўшни вилоятларга ҳам кўп чиқарилган. Жумладан, Тошкентда ишлаб чиқарилган темир буюмларига нисбатан Қўқонда ишлаб чиқарилган буюмларга талаб анча катта бўлган .

Россия ҳукумати Туркистонни босиб олгандан кейин, қисқа муддат ичида бу ерда савдо монополиясини ўрнатиб, инглиз товарларининг кириб келишига жиддий қаршилик кўрсатди. Шунга қарамасдан, Англия ўлка бозорларида ўз таъсир доирасини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Лекин, инглиз товарлари камлиги ва нисбатан қимматлилиги туфайли бозорларда рус маҳсулотлари билан жиддий рақобат қила олмади. Рус саноат марказлари

ўлка бозорларига яқин жойлашганлиги, рус товарларининг нисбатан арзон сотилишига имкон берар эди.

Россия империяси ҳукумати Ўрта Осиё бозорларини эгаллаб олиш учун бўлган рақобатда ғолиб чиққач, инглиз товарларини ўлка бозорларидан сиқиб чиқаришга эришди. Россия империяси маъмурияти 1868 йилнинг апрел ойидан ўлкага инглиз товарларини келтиришни таъқиқлаб қўйди, факат нил буёғи (кўк буёқ) ва дока (саллага)га 50%ли бож белгиланди. 1883 - йилдан бошлаб Афғонистондан товар келтириш таъқиқлаб қўйилди. Натижада инглиз товарларига ўлка эшиклари бутунлай ёпилди. Шу йўл билан рус савдогарлари Ўрта Осиё бозорларида монопол ҳукмронликни қўлга киритдилар. Рус савдо-саноат буржуазияси Туркистондан хом-ашёни ташиб кетиш билан чекланиб қолмасдан, ўз товарларини сотиш учун ўлканинг беминнат бозорларида ўз мавкеларини мустаҳкамлашга киришди.

Рус саноатчилари ўлкага тўқимачилик маҳсулотлари келтиришни мунтазам кўпайтириб боришлари оқибатида Туркистонда маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайиб борди. Жумладан, Фарғона вилоятида 1892- йили ишлаб чикарилган маҳсулотлар 2 млн рублга тенг бўлган бўлса, 1896- йилга келиб, у 5 минг рублга тушиб қолган.

Ўрта Осиёда темир йўлларнинг қурилиши ўлкани Россия ва у орқали Европа мамлакатлари билан боғлаш имкониятини берди. Натижада ўлкада капиталистик бозор муносабатлари ривожланиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзгаришлар содир бўла бошлади. Темир йўллар қурилишига қадар Туркистон пахтасининг асосий қисми маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатилиб, фақат бир қисмигина чет бозорларига олиб кетилган бўлса, темир йўллар қурилгандан кейин бунинг акси бўлди. Агар 1880- йили Ўрта Осиёдан Россияга 300 минг пуд пахта олиб кетилган бўлса, 1900- йили темир йўллар орқали карийб 6 млн, пуд ташиб кетилган. Ташиб кетилган пахтанинг асосий қисми Фарғона вилояти зиммасига тўғри келади. Темир йўллар ишга тушгандан кейин туркистонлик савдогарлар Россия билан савдо алоқаларини

кучайтиришдан ташқари, Европа мамлакатлари билан ҳам таниша бошладилар.

Россиялик савдогарлар Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини асосан ўртаосиёлик савдогарлар орқали амалга оширган. Руслар Хитой ва Шарқий Туркистонда ишлаб чиқарилган товарларни Тобольск, Нижнегорск, Ямишев қўрғони ҳамда Семипалатинскда асосан туркистонликлардан сотиб олишган. XIX асрнинг 90-йилларида Туркистон билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари анча жонланган. Масалан, Россия Туркистон орқали Хитойга 4000000 рублик маҳсулот юборган бўлса, Хитойдан олиб келинган маҳсулотлар миқдори 5000000 рублни ташкил қилган. Россиядан саноат маҳсулотлари, металл, шакар, матолар ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Хитойдан эса, тери, ип-газлама, пахта, оёқ кийим, гилам ва бошқа нарсалар олиб кетилган.

Ўрта Осиё темир йўлининг ишга туширилиши Россиядан ташқари, Шарқ мамлакатлари билан ҳам савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига олиб келди. 1894-1900 йиллар мобайнида Ҳиндистондан Ўрта Осиёга йилига 20-30 минг пуд чой, йилига ўрта ҳисобда 20-30 минг пуд нил буёғи, 30 минг пудга яқин дока ва ҳар хил қимматбаҳо тошлар келтирилган. Ҳиндистонга эса ипак, жун, оз миқдорда олтин, рус мовути, газлама, гилам, мўйна ва бошқа буюмлар чиқарилган.

Россия ва чет мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришда маҳаллий савдогарлар фаол ҳаракат қилдилар. Улар орасида андижонлик Миркомил Мўминбоев етакчи мавқега эга бўлиб, унинг Фарғона водийсида, Тошкентда кўплаб савдо шахобчалари бўлган. Архив маълумотларига кўра, XX аср бошларида унинг бойлиги 13-15 млн. рубл атрофида бўлган. Асосий савдо муомалаларини «Ака-ука Шлосберг», «Кноп», «Ака-ука Степпун», Москва ҳисоб банки, Рус-Хитой банки, Рус-Осиё банки каби савдо-сотиқ фирмалари ва банклари орқали олиб борган.

Бу даврда Туркистон қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари ривожланиб боришига қарамасдан. пахтачилик етакчи соҳа бўлиб қолаверди. Айниқса, Фарғона вилояти пахта етиштириш бўйича, Қўқон шаҳри эса уни сотиш бўйича марказга айланиб қолди. Қўқонда 9 та банк бўлимларидан ташқари пахтани сотиб олувчи махсус фирмалар: «Форс савдо-саноат ширкати», «Ака-ука Крафтлар», «Андреев ширкати», «Потеляхов савдо уйи» ва бошқалар Фарғона пахтасини Россияга ва ўз навбатида рус саноат молларини Ўрта Осиёга ташиш билан шуғулланганлар. Булардан ташқари, Қўқонда 113 та, Андижонда 66 та, Наманганда 63 та йирик магазинлар бўлиб, бу магазинларнинг ишлаши ички савдони яхшиланишига хизмат қилган. Фарғона вилоятида бошқа савдо фирмалари ҳам бўлиб, улар мева-чева, шойи, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланишган.

XX асрнинг бошларида ўлка халқ хўжалигида аста-секин банк, савдо ва саноат капитали ҳукмронлиги ўрнатилиши натижасида Фарғона вилоятида бозорлар сони ўсди. Уларнинг сони 1908 йилда 78 та бўлган бўлса, 1914 йилда 90 тага етди. Бозорлар ораси 5-20 км масофа оралиғида жойлашган бўлиб, бир куннинг ўзида савдогарлар бир неча бозорларда савдо қилиш имкониятига эга бўлишган. Фарғона вилоятида йирик бозорлар шаҳарлардан ташқари, Жалил–Обод, Ўзган, Қорасув, Араван, Уч-қўрғон Эски Навкат каби қишлоқларда ҳам бўлган. Булар ўз навбатида ички бозорнинг ривожланишига шароит яратган.

Олинган маълумотлар умумлаштирилиб, қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қатор таклифлар ҳам берилди: ўрганилган манбалар, адабиётлар ва ҳужжатларни ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш асосида XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги ҳудудида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари чуқур илдизларга эга бўлиб, бу соҳада маълум ютуқлар қўлга киритилганлиги кўрсатилган:

- Фарғона вилояти ўтроқ аҳолисининг ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларини ривожланишида водийнинг тоғли ва тоғ олди зоналарида яшаб, чорвачилик билан шуғулланган аҳоли ўртасидаги ўзаро товар алмашинуви самарали таъсир кўрсатган;

- Туркистон ўлкаси (жумладан Фарғона вилояти)нинг стратегик жиҳатдан қулай жойлашганлиги, унинг Шарқ мамлакатлари, биринчи навбатда қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларини мунтазам такомиллаштириб боришига қулай шароит яратди. Бу жиҳатдан Буюк ипак йўлининг бу ҳудудлардан ўтганлиги ҳам самарали таъсир кўрсатган;

- Россия империяси маъмурияти Туркистон билан савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида махсус ярмаркалар уюштирган. Бу ярмаркалар ўлкада етиштирилган маҳсулотларнинг миқдори ва сифати билан хорижий сармоядорларни таништириш, бу маҳсулотларга аниқ нархлар белгилаб олишда муҳим рол ўйнади;

- Ўлкада темир йўллар қурилиши Россия империясининг ўлка бойликларини ташиб кетишни осонлаштириши билан бир қаторда, Туркистон халқларининг Россия ва Европа ҳамда Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантиришларига қулай имконият яратди. Булардан ташқари, темир йўллар орқали сафарларга чиқиш ўлка халқларининг маънавий-маърифий ва иқтисодий дунёқарашларини кенгайишига ёрдам берди;

- Россиядан кўплаб саноат маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмларининг келтирилиши маҳаллий ҳунармандчилик тармоқларини инқирозга учратди. Ҳатто айрим ҳунармандчилик маҳсулотлари турларининг йўқолиб кетишига олиб келди;

- Рус савдо-саноат буржуазияси чет эл капитали билан ҳамкорликда ўлкада турли ширкатлар, савдо уйлари, акционерлик жамиятлари очишга эришдилар. Уларнинг ёрдамида қурилган завод ва фабрикалар, банклар

фаолият кўрсатди. Ўлкада кенг тармоқ отган савдо-судхўрлик капитали ёрдамида кўплаб маҳаллий мулкдорлар етишиб чиқдилар;

- XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида ўтроқ ва чорвадор аҳоли ўртасида ўзлари етиштирган маҳсулотларини савдо пунктларида пул муомаласи орқали амалга оширишга ўтишлари, товар-пул муносабатларининг ривожланиб бориши аҳолининг турли қатламлари ўртасида меҳнат тақсимотининг такомиллашишига шароит яратди.

Тадкикот жараёнида бир қатор тавсиялар ҳам бериш мақсадга мувофик топилди. Бу тавсиялар қуйидагилардан иборат:

- Олинган тадқиқотларнинг хулосалари ва натижаларидан Ўзбекистон тарихи бўйича яратилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида фойдаланиш тавсия қилинади.

- Туркистон халқлари асрлар давомида савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик соҳаларида катта тажрибага эга бўлишган. Бу тажрибалардан кенг фойдаланиш, ҳар иккала соҳаларнинг эркин ривожлантириш учун зарур шароит яратиб бериш лозим;

- XIX аср ўрталаридаёқ тадбиркорлар хунармандларнинг уйларига хом ашё етказиб бериб. уларни иш билан таъминлаганлар. Шу йўл билан ўзлари ҳам яхшигина даромад қилишган. Ҳозирги пайтда ҳам касаначилик ишларига кенг йўл очиб бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- Ҳозирги пайтда кишлоқ хўжалиги тармоқлари, фермер хўжаликлари ва ҳунармандчилик соҳаларида кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига кенг йўл очиб берилмоқда. Улар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятларини оммалаштириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияга зарур шароит яратиш лозим;

- Банкларнинг кичик ва ўрта корхоналари билан ҳамкорлигини кенгайтириш, банклараро бозорда рақобат муҳитини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ (ЎЗР МДА)

**И-1 жамғарма. Туркистон генерал-губернатори канцелярияси:**

11 - рўйхат, 1553 - иш;
12 - рўйхат, 164 – иш;
12 - рўйхат, 182 – иш;
16 - рўйхат, 195 – иш;
16 - рўйхат, 665 – иш;
16 - рўйхат, 876 – иш;
16 - рўйхат, 984 – иш;
16 - рўйхат, 1422 – иш;
16 - рўйхат, 1701 –иш;
17 - рўйхат, 884 - иш;
20 - рўйхат, 1394-иш;
24 - рўйхат, 1188-иш;
27 - рўйхат, 656– иш;
35 - рўйхат, 10 - иш.

**19- жамғарма. Фарғона вилояти генерал–губернаторлиги.**

1-рўйхат, 322 – иш;
1-рўйхат, 1170 - иш;
1-рўйхат, 1964 - иш;
1-рўйхат, 22517 - иш;
1-рўйхат, 23543 - иш;
1-рўйхат, 27820 - иш;
1-рўйхат, 28451 - иш;

**И- 36-жамғарма. Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи:**

1-рўйхат, 1672 – иш;
1-рўйхат, 1921 - иш.

**И-87- жамғарма. Туркистон ҳукумат палатаси:**

1-рўйхат, 24 — иш;
1-рўйхат, 277 - иш.

**И-300- жамғарма. Фарғона вилояти Қўқон уезди бошқармаси бошлиғи:**

1- рўйхат, 5 – иш;
1- рўйхат, 8 – иш;
1- рўйхат, 114 – иш.

**И-469- жамғарма. Тошкент ярмарка комитети**

1-рўйхат, 12 — иш;
1-рўйхат, 278 – иш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: - хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж.-Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Кокандский биржевой комитет (отчеты). -Коканд, 1909, Коканд, 1910, -Коканд, 1911, -Коканд, 1913, -Коканд, 1914, Коканд, 1915, -Коканд, 1916.
8. Обзор Ферганской области за 1897г. - Новый Маргелан.
9. Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан.1902 год.Т.I. Вып.1902.
10. Статитический обзор Ферганской области за 1904 год. – Новый Маргелан, 1905.
11. Статитический обзор Ферганской области за 1908г., Скобелев, 1908.
12. Статитический обзор Ферганской области за 1911г., Скобелев, 1913.
13. Статистический обзор Ферганской области за 1910г.-Скобелев, 1912.
14. Статистический обзор Ферганской области за 1913г.,-Скобелев, 1916.
15. Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – 1 четверти XX вв. –Т.: Университет, 1 999.
16. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониалный период). -Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.
17. Андреев М.С. Поездка летом 1929 г.в. Касанский район (Северной Ферганы) Ташкент,1929.
18. Ахмеджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии. - Ташкент: "Фан", 1995.
19. Бабахаджаев М.А.Русско-афганские торгово-экономические связи. – Т.,1965.
20. Бартольд В.А. История культурной жизни Туркестана. -Ленинград. Из-во АН СССР,1927.
21. Балков В. Кустарно-ремесленная промышленность в Средней Азии. - Ташкент: САГУ, 1927.
22. Белявский Н.П. Материалы по Туркестану. - М.,1889.
23. Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. - Т.: Фан, 1996.

**24.** Бобобеков Х.Н. Народные движения в кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIXвв.). -Т.: Фан, 1990.

**25.** Борнс А.Путешествие в Бухару.Ч.III .М.,1840.

**26.** Вамбери А.Путешествие по Средней Азии.СПб.,1865.

**27.** Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX-начало XX вв.). -Ташкент: "Фан", 1987.

**28.** Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве. Ч. XVIII – СПб.: Вестник РГО, 1856.

**29.** Вяткин М.П. Монополистический капитал в Средней Азии. –Ф., 1962.

**30.** Вяткин М.Н. Социально-экономическое развитие Средней Азии. - Фрунзе: "Илм", 1974.

**31.** Гаврилов М.Ф. Рисоля сартовских ремеслинников. - Ташкент, 1912.

**32.** Галузо П.Г.Туркестан-колония.Т., 1926.

**33.** Ган. О. Промышленность и торговля. -М., 1913, № 1.

**34.** Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX - начале XX вв. - Ташкент: "Фан", 1991.

**35.** Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. –Асхабад, 1913.

**36.** Демидов А.П. Динамика мирового хлопкового рынка. -М.: изд. Гл. хлоп. ком-та, 1924.

**37.** Джаманкараев А.Б. Развитие торговли в киргизии в конце XIX – начале XX в. - Фрунзе, 1965.

**38.** Заорская В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. –СПб., 1915.

**39.** Зиёев Х.З.Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. (Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). – Тошкент: «Шарқ», 2003.

**40.** Зиёев Х.З.Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан.Т.:Фан,1980.

**41.** Зиёев Х.З. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). -Тошкент: " Шарқ", 2006.

42 Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос туркумида. – Тошкент: «Камалак», 1991.

**43.** Из истории Всероссийской чрезвычайной комиссии 1917-1921 гг. Сборник документов. -М.: Гос. изд. политической литературы, 1938.

**44.** История Узбекской ССР. Т.2. кн. 2. -Ташкент, 1956.

**45.** Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края. (1865-1917). -М.: Наука, 1980.

**46.** Круковская С.М. Встречи с Кокандом. -Т., 1977.

**47.** Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). —Л.: изд. Комм. акад., 1930.

**48.** Lansdell Henry.Russian Central Asia. P. 523.

49. Малаховский Н.И. Производительные силы Туркестана. -СПб.: Вып. I, 1909.

50. Маннанов Б.Из истории Русско-Иранских отношений в конце XIX- начале XX века. -Т.: Наука, 1964.

51. Масальский В.И. Богатство России-хлопок. -Птг., 1921.

52. Масальский В.И. Туркестанский край. “Россия”. т. XIX. -СПб, 1913.

53. Масальский В.И. Хлопковое дело в Средний Азии. -СПб., 1892.

54. Масальский В.И. Богатство России – хлопок- Птг., 1921.

55. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. - Ташкент: изд. АН УзССР, 1953,

56. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом Паленом К.К. ч.1. Отд. II. -СПб., 1911. -С.

57. Материалы для изучения хлопководства. вып.II, -СПб., 1912,

58. Махкамов А.Взаимоотношения России с Восточным Туркестаном через Коканд во второй половине XIX – нач.XX веков. Востоковедение. История. Филология.Ташкент.1987.

59. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины, - СПб., 1882, .

60. Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи.-Т.,1995.

61. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII - первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины.- Ташкент: “Фан”, 1991.

62. Meyer, Karl E., Brysac, Shareen Blair. Tournament of Shadows: The Great Game and the Race for Empire in Central Asia. (Турнир облаков: большая игра и гонки империй в Центральной Азии).Counter Point.Washington D.C., 1999.

63. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоклари. – Т.: «Шарқ», 2000.

64. Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. Т.: 2008. Б

65. Муҳаммад Азиз Маргилоний.Тарихи Азизий, Т.1999.

66. Назаров Филипп. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. М., «Наука», Гл. ред. вост. лит-ры, 1968.

67. Наливкин В.П. Краткая история Коканского ханства. -Казань,1886.

68. Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом (со стороны Оренбургской линии). - СПб., 1856,

69.Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари. -Т.,1961.

70. Низомиддинов И. Мирза Сирожиддин (Машҳур кишилар ҳаёти). -Т., 1963.

71. Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестана. - М., 1914,

72. Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар. - Тошкент: УзССР ФА нашр, 1960.

**73.** Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отчет по ревизии Туркестанского края. ч.1.Отд. II. -СПб., 1911.

**74.** Пален К.К. О проведении сенаторской ревизии.–СПб., 1908;

**75.** Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Туркестанский сборник. Т.XIV. -СПб., 1868.

76. Петровский Н.Ф. Шелководство и шелкомотание в Средней Азии. -СПб., 1874.

77. Петровский Н.Ф. Материалы для торговой статистики Туркестанского края. -Т., 1873.

**78.** Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии. -М.-Л., АН СССР, 1959,

**79.** Плодоводство.Вестник юбилейной Туркестанской выставки. 1909 // Туркестанский сборник. Т. 511.

**80.** Полевицкий А. Туркестанский край. -Екатеринодар, 1890.

**81.** Потанин Н.И.Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830) с педисловием Савельева П. Вестник Русского Географического Общества, том 6, часть XVIII, СПб 1856, отд.2.

**82.** Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской дороге под ред. Д.И.Дмитриева-Мамонова. -СПб., 1903.

**83.** Радзевич А.И. Очерк постройки Закаспийской железной дороги и её значение для русско-среднеазиатской промышленности и торговли. -СПб., 1894.

**84.** Расуль-заде П.Н. Из истории Среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX-начала XX века. -Т.1968.

**85.** Румянцев П.П. Торговля, промышленность, кредит. В книге «Азиатская Россия». Т. II. -СПб., 1914.

**86.** Рут А.Руза. Российские промышленники в эпоху революций. Съезды представителей промышленности и торговли. 1906 –1917. Под редакцией; Томас К.Оуэн, М.Е.Шарп, Армонк. – Нью-Йорк, 1997. Рецензия В.В.Изгаршева (МГУ). // Отечественная история. №1. 1999.

**87.** Слуцкий И. Хлопковая торговли в Туркестане к 1907 г. //Туркестанский сборник. Т. 455, -Ташкент, 1908.

**88.** Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси. –Т., 1973.

**89.** Спафий. Сибирь и Китай. -Кишинёв, 1960.

**90.** Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. -Т.: Шарқ, 2001.

**91.** Терентьев М.А. Россия и Англия в борьбе за рынки, -СПб., 1876,

**92.** Терентьев М.А. Статические очерки Среднеазиатской России. -СПб, 1874,

**93.** Тимаев К. Садоводство и виноградоводство в Фергане // Туркестанский сборник. Т. 508.

**94.** Тимаев К. Торговля в Ферганской области. Туркестанский курьер 1909 // Туркестанский сборник. Т.508.

95. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. – Т.: Шарқ, 2000.

96. Федченко А.П. Обижуаз – писчебумажная фабрика в Коканде Русский Туркестан. Сборник изданий по поводу политической выставки. Вып.2. -М., 1872.

97. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. –М. Изд. Географической литературы. 1950.

98. Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии. – М., 1960.

99. Хорошхин. Очерк Ташкента. Русский инвалид, 1867. №113.

100. Юлдашбаева Ф. Из истории Английской колониальной политики в Афганестане и Средней Азии. (70-80 годы XIX в.). –Т.: Госиздат УзССР, 1963.

101. Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. –Л., 1925.

102. Юферов В.И. Хозяйство сартов Ферганской области. -Ташкент, 1911, -86 с.

103. Янжул И.И. Исторический очерк русской торговли с Средней Азией. -М., 1869.

104. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд. –Т., 2005.

105. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Тошкент, 1997.

106. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ 2000.

107. Ўзбекистон ССР тарихи. 1-жилд, II-китоб, -Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1957.

108. Ғаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. –Т.: «Фан» нашриёти, 2006.

# МОНОГРАФИЯДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР


1. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX- начало XX вв.).: Дисс. ...док. ист. наук. – Т., 1994.
2. Акромов В.А. Социально-экономическая и культурная жизнь города Коканда (вторая половина XIX-начало XX в.). Дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1973.
3. Алимов А. Развитие торговых отношений в Туркестане (конец XIX – начало XX в.). Дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 1971.
4. Жабборов М.Р. Освешение истории Ферганской области в «Туркестанском сборнике» (конец XIX – нач XX вв.).: Автореф. Дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 2000.
5. Жамолхожи Илхомжон Назиржон ўғли. Фарғона водийсида нефт саноатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1860-1917 йиллар). Тарих фан.ном. дисс. ... -Т., 2004.
6. Зиёева Д.Ҳ. Национально-освободительное движение в Туркестане в XX века (проблемы изучения истории востания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918-1924 гг.) Дис... докт. ист. наук. – Т., 1999.
7. Касымбеков К.Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX - начале XX веков. Дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1966.
8. Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане в конце XIX – нач. XX вв. Автореф. Дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 1999.
9. Потапова Н.Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX –нач.XXвв.). Дисс. канд. ист. наук. -Ташкент, 2002.
10. Сангирова Д.Х.. «Тарихи Азизий»- чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим тарихий манба.Тарих фан.ном. дисс. ... - Т., 2000.

# МОНОГРАФИЯДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР


1. Акрамов А. Миркомилбой қандай шахс эди? // Шарқ юлдузи, 1992, №5.

2. Аминов А.М. Экономические последствия присоединения Средней Азии к России // Общ. науки Узбекистана. 1959, №2.

3. Бойтуллаев Р. Тошкент савдоси сайёҳлар нигоҳида. // Савдогар, 1998, 13 октябрь.

4. БунаковЕ.В. Тенденции развития капиталистических отношений в Средней Азии накануне присоединения её к России. // Проблемы Востоковедения. - М.: изд. АН СССР, 1960, № 6.

5. Бутенев К.Ф. Заводское дело в Бухаре. // Горный журнал, ч.V, кн. XI, -СПб, 1942.

6. Вилков О.Н. Китайские товары на Тобольском ринке в XУII веке // История СССР, № 1,1958.

7. Зиёев Ҳ. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги. // Шарқ юлдузи, 1991, № 5.

8. Костенко Л.Ф. Среднее Азиатская торговля. Туркестанские ведомости. 22/II-1871, №5.

9. Махкамов А.А. Роль Коканда в чайной торговле России со Средней Азией в конце XIX-начале XX века // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар,1990, №7.

10. Известия и заметки. Туркистанские ведомости, 1871, № 15.

11. Из показаний одного выходца в 1871г. Наманганский округ Кокандского ханства Туркестанские ведомости. 1871. №29.

12. Наливкин В.П. Торговля пригнанными баранами в Наманганском уезде. Туркестанские ведомости, 1880. №49.

13. Ульмасов А.К. К вопросу о первых монополиях в Туркестане. // Общественные науки в Узбекистане. 1959, № 1.

14. Юнусхўжаева М. Ўртаосиёлик воситачи савдогарлар.// «Шарқшунослик». №2. 1991. 117-б.

15. Шмидт Р.З. Об эволюции ремесла в Туркестанском крае в связи с проведением Среднеазиатской железной дороги // Общественные науки в Узбекистане. 1959, №2.

**М.Ж. Каримова**

**XIX асрнинг II ярми –XX аср бошларида Туркистон халқларининг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари (Фарғона водийси мисолида)**

Тошкент – «Aloqachi»-2014

Муҳаррир: М.Миркомилов
Тех. Муҳаррир: А. Тогаев
Мусаҳҳиҳ: М.Тажибоева

Босишга рухсат этилди: 17.06.2014
Бичими 60х84 1/16 "Times New Roman" гарнитураси.
Офсет усулида босилди.
Шартли б.т. 9,25. Нашр б.т. 8,0.
Адади 60. Буюртма № 103